
ISBN 978-9943-04-327-5

Ma'naviyat

...Ўзбекистон Республикасини
...нг бешта устувор йўналиши
...катлар стратегиясини
...ва инсон манфаатлари йили»да
...ига оид Давлат дастурини
...аниш бўйича

...Й-УСЛУБИЙ
...РИСОЛА

Тошкент – 2017



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ РИСОЛА

1166
15 07 19

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2017

УЎК: 323(575.1)
КБК: 66.3 (5Ў)
И 35

И 35 2017 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола [Матн] / Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – 416 бет.

ISBN 978-9943-04-327-5

Ушбу рисолада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалар, устувор йўналишларнинг шарҳи ўз аксини топган.

Ҳаракатлар стратегиясида акс этган бешта йўналишнинг мазмун-моҳияти турли фактик материаллар, қиёсий таҳлиллар орқали изоҳлаб берилган, шунингдек, истиқболда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг туб моҳияти схема ва жадваллар орқали баён этилган.

Рисола «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридан ўрин олган, халқимиз, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифаларни аҳолининг кенг қатламларига етказиш ва тарғиб қилиш мақсадида тайёрланган бўлиб, ундан таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 323(575.1)
КБК: 66.3 (5Ў)

Рисола Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг 2-сон баёни билан 2017 йил 10 майда тасдиқланган.

ISBN 978-9943-04-327-5

© «Маънавият», 2017

МУНДАРИЖА

Муқаддима 5

I боб. **ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш 12

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш 25

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш 54

II боб. **ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судларнинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш 75

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш 94

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш 114

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш 131

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш 150

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ... 168

III боб. **ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш 187

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш 202

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш 220
3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институтционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш 239
3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш 263

IV боб. **ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш 278
4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш 291
4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш 313
4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш 322
4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш 345

V боб. **ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР**

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар 357
5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар 371

Хулоса 378
Тестлар 381
Глоссарий 392
Фойдаланилган адабиётлар 409

МУҚАДДИМА

Ҳар қандай даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёжлари, талаблари ва ўзига хос тамойиллари бўлади. Табиийки, буларнинг барчасини белгилаштириш ва ривожлантиришга, уларга алоҳида маъно-мазмун бағишлашга, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи тарихий воқеалар бўлади.

2016 йил 4 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳеч шубҳасиз, янги тарихимизда ана шундай бекиёс ҳодиса бўлди.

Чунки айнан ана шу сайловда бутун Ўзбекистон халқи ўзининг буюк сиёсий иродаси, ҳуқуқий маданиятини намоён этиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёти, халқимиз, фарзандларимизнинг ёруғ келажаги, фаровон ҳаёти учун онгли равишда овоз берди. Демократик талабларга тўлиқ мос тарзда, миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар доирасида, очиқ ва ошкора ўтган сайлов жараёнини 5 та нуфузли халқаро ташкилот ва 16 та давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Юксак савияда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод сифатида иштирок этган Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овозини олиб ғолиб бўлди.

Тошкент шаҳрида 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Маълумки,

бу вазифаларга Президентимизнинг сайловолди дастурида алоҳида эътибор қаратилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан ўтказилган учрашувлар жараёнида улар янада бойитилди.

«Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, – деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши маросимига бағишланган нутқида, – ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу мақсадда 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда якунланади».[1]

Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги остида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ҳам ўз ичига оладиган мазкур кенг кўламли дастурий ҳужжат ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармонига мувофиқ уни ҳаётга жорий этиш бўйича қонуний тамойил ва механизмлар тасдиқланди. Мазкур Фармонга берилган шарҳда Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти алоҳида таъкидланиб, бу борадаги лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилгани, улар турли ахборот майдонларига жойлаштирилгани, оқибатда натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушгани, хусусан, «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга қўйилган муҳокамалар туфайли келиб тушган 1310 та таклиф-мулоҳоза асосида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилгани қайд этилади.

[1] Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосга устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли соҳаларнинг кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади. Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асносида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ ғоялар илгари сурилади. Очиқ жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш, натижада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, **давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айни пайтда халқ ўз мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши** асосий принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий мақсад этиб қўйилган.

Иккинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди.

Мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлаши бўйича

тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилади. Олий суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги ғоялар илгари сурилди. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш, энг муҳими, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилмаслиги чораларини кўриш, профилактика тизимини янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, қонунга риоя қилиш, қонун устуворлигига эришиш орқали суд ва судловнинг юксак маданиятига эришиш йўл-йўриқлари аниқ-равшан акс эттирилади.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали суд-ҳуқуқ органларини «жазоловчи органдан фуқаролар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг кундалик юмушларига ёрдам берадиган, ҳар қандай муаммоларини қонун доирасида ҳал қилиб берадиган хизматлар органига айлантириш» (Ислом Каримов) механизмининг юқори савияда ишлашини таъминлаш бўйича амалий ечим ва таклифлар илгари сурилади.

Учинчи йўналиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгалик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш кўзда тутилмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий-географик имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш белгиланган.

Учинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли бандлигини ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, ишсиз оилаларга ва ишсиз ёшларга, ногиронлар ва кам таъминланган аҳоли қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаоллигининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, ҳаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш орқали узоқ истиқболга мўлжалланган, муносиб турмуш даражасини таъминлашга юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Таълим тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон – юқори малакали мутахассисни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар ишлаб чиқилиб бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда ҳарбий можаролар давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний конфессия-

лар, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиламиз истиқболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган 25 йил давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш йилга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги уфқларини очиб беришга қаратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир.

Албатта, халқимиз ўртасида «Ҳаракатлар стратегияси» деган ном билан тобора машҳур бўлиб, унинг ҳаётига чуқур кириб бораётган мазкур дастурнинг ҳар бир йўналиши ва банди, унинг ажралмас қисми бўлган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг самарали амалга оширилиши ҳар биримизнинг мазкур жараёнда онгли ва ватанпарвар фуқаро, шу юртнинг фидойи фарзанди сифатида фаол иштирок этишимизга бевосита боғлиқдир.

бўлиши учун эса, энг аввало, Ҳаракатлар стратегиясининг маъно-мазмунини, унинг ҳар бир йўналиш бўйича қўйилаётган амалий ва истиқбол вазифаларини чуқур тушуниб олишимиз керак.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва етакчи илмий-муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, кўзга кўринган давлат арбоблари томонидан тайёрланган ушбу рисола айни шу мақсадга хизмат қилиб, Ҳаракатлар стратегияси ҳақида умумий маълумот бериш билан ҳар бир йўналиши маъно-мазмуни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, шу борадаги амалий вазифалар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари, механизмлари ҳақида зарур билим, тушунча ва тасаввур беришга қаратилган. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур қўлланма шу йўналишдаги дастлабки тажриба бўлиб, у Ҳаракатлар стратегияси сафига кирради, ноёб ҳужжатни ҳар томонлама тўлиқ шарҳлаб, етказишга озра олмайди. Шунинг учун сиз, ҳурматли китобхонларнинг таклиф-мулоҳазаларингиз асосида келгусида рисолани такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Бунинг учун сизларга олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

I б о б.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ

Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш. Жаҳон тарихида бир неча минглаб йиллар давомида давлат ҳокимиятининг жамият ва одамлар мақсади ҳамда манфаатлари йўлида хизмат қилиши учун ҳаракатлар бўлди. Лекин, инсоният ва унинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган ҳокимиятга эга бўлиш муаммоси ечилмай қолаверди. Фақат янги давр – XVII асрдан бошлаб ҳокимиятни қонуний йўл билан учга бўлиш асносида зулм ва зўравонлик асосида давлат бошқарувига йўл қўймаслик ҳақида дастлабки замонавий-назарий қарашлар пайдо бўлди.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик принциплар ва миллий манфаатлар асосида фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент фақат мустақиллик даврига келиб шаклланди. Кейинги ўн йилликда, босқичма-босқич равишда парламентга янгидан-янги ваколатларнинг бериб борилиши, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ўсиши, сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар негизида ривожланиши натижаси ўлароқ қонун чиқарувчи ҳокимият ривожланган мамлакатлардаги парламентларга хос сифат ва белгиларни ўзида мужассамлаштириб бормоқда.

Конституция ва қонунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мустақил ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминлай оладиган даражада белгиланди: Конституция ва конунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилиш, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ваколат ва ваколатларини белгилаш, бошқарув таркибида янги вазирликлар ва идораларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан республика бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош маслаҳатчиси, биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Президент тақдимига биноан Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, Президентнинг ваколатлари, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация ҳамда денонсация қилиш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номларини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳам Олий Мажлис ваколатига киради.

Мамлакатимизда Парламент ислоҳотларини янада чуқурлаштириш натижасида икки палатали парламент ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти ҳуқуқий давлат талабларига жавоб берадиган даражада фаолият юрита бошлади. Энг муҳими, гарчанд энди қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли ортди. Қонун лойиҳаларини партия фракцияларида олдиндан

кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда бу фракцияларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди.

2016 йил 11 апрелдан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига биноан мамлакатда қуйидаги парламент назорати шакллари ўрнатилди: навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) қабул қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш; Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) ҳисоботини эшитиш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш; парламент сўрови; Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови; Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш; қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганилиши ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингнинг амалга оширилиши; парламент текшируви.

Парламентга берилган назорат ҳуқуқларининг салмоғидан кўриниб турибдики, мамлакатда бир вақтнинг ўзида ҳам олий

вакиллик, ҳам қонунлар яратиш, ҳам парламент назоратини олиб боришга қодир бўлган, ҳуқуқий давлат сифатларига мос қонун чиқарувчи ҳокимият шаклланди. Парламент нафақат қонунлар ва давлат бюджети ижроси юзасидан ҳукумат ва унинг органлари фаолиятини бемалол назорат қила оладиган, балки жамиятнинг конституциявий ҳуқуқий асослар ва қонунларга риоя этган ҳолда яшашини таъминлайдиган олий қонун чиқарувчи ҳокимият идорасига айланди.

Мамлакатда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ш.М. Мирзиёевнинг сайловчиларнинг мутлақ юқори – 88,61 фоиз овозини олган ҳолда мамлакат Президенти этиб сайланиши муҳим ва тарихий воқеа бўлди. Қисқа давр – ярим йил ичида мамлакатда давлат бошқарувини модернизация қилиш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш истиқболларини янада чуқурлаштиришга доир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга жадаллик билан жорий этила бошланди.

Ҳозирги даврга келиб «мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этаётганини» эътиборга олган ҳолда, шунингдек, «олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганини англатади. Ушбу ҳужжатда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) мужассамлашган

бўлиб, уларнинг биринчиси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифодалайди. Бу йўналишнинг дастлабки вазифаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш»га доир стратегик вазифа қўйилди.

Мазкур вазифа мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга қаратилди. Ҳаракатлар дастурида Олий Мажлиснинг ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан бошқа ҳокимият тармоқлари билан мувозанатни ва ўзаро бир-бирини тийиб туришни таъминлаш, унинг давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш мақсадида **«Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси томонидан парламент назорати шакли сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш, Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни (бундан кейин – бизнес омбудсман) парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши кўрсатилди.

Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган – «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид **Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори** лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда

...ўдлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун ...ивомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолия... ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини ...лк депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ...амда тегишли хулосалар бериши, шунингдек, Қонунчилик пала... Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари ...ича тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтка... Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма... намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил ... назарда тутилмоқда.

...ар парламентнинг халқ иродаси ва манфаатлари асосида ...ият юритиши ҳамда қонунлар қабул қилиши энг асосий де...ратик кадриятлардан бири эканига эътибор берсак, депутатлар ...нат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулоқотлари, ...лардаги муаммолардан хабардор бўлиши, уларнинг ечимла... ...шида иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларининг ...шишига кўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти ...ланишига шарт-шароитлар яратади. Чунки, олий вакиллик ...ати депутати, аввалambор, ўз сайлов округидаги фуқароларнинг ...ини, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтақа маҳаллий давлат ...ияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент ...ларининг халқ ичида кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз ...орлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан биридир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан ошириш. Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ...ҳасини ишлаб чиқиш, унда янги ташкил этиладиган омбуд... ...ида қуйидаги ваколатларни бериш назарда тутилди: тадбиркор... фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ...ари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ...ган сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок

этиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-кувватлаш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганини ўрганиш; қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш; давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ва ҳоказо.

Бизнес омбудсманни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси бажарилиши устидан парламент назорати ўтказишдан иборат бўлиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, бизнес омбудсман ҳар бир фуқаролик жамияти учун хос бўлган ҳуқуқ – мамлакат фуқароларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлашнинг асосий институти сифатида фаолият юритиши муқаррардир.

Кўриниб турибдики, **бизнес омбудсманга берилиши назарда тутилаётган ҳуқуқ ва ваколатлар мамлакатимиз иқтисодиётининг асоси бўлган – тадбиркорлар ва фермерларнинг ўз иш салоҳияти, уддабуронлиги, ишчанлиги ва ғайрат-шижоатини тўлиқ равишда рўёбга чиқара олишлари учун шарт-шароитлар яратади. Мулкдорлар синфини бу каби ҳуқуқий асослар ва институтлар воситасида ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир алоҳида давлат сиёсати учун асос солиниши – бу мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар учун хос бўлган ҳуқуқий давлат сари интилаётганини англатади.**

Ҳаракатлар стратегиясида **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда мазкур қонуннинг нормаларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунларга мослаштириш, омбудсман минтақавий вакилларининг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилди.

Бу стратегик вазифаларнинг илгари сурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан кейин – Халқ қабулхоналари) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (бундан кейин – Виртуал қабулхона) вазифалари ва ваколатларининг белгиланиши билан узвий равишда боғлиқдир.

Президент фармонида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни самарали ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён – мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига (бундан буён – давлат органлари) ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар

яратиш, Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш каби вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда парламент назоратини фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган даражага кўтариш долзарб вазифага айланган эди. **Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) юқорида қайд этилган қонунларда назарда тутилган қонунлар ижроси, уларнинг шаффофлигини таъминлаш жараёнларини парламент назорати остига олиши учун қатор ваколатлар беради, фуқароларнинг ўз қонуний ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилаётганига доир мурожаатларини адолатли ва самарали тарзда ҳал этишга имкониятлар яратади. Парламентнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва таъминлашга доир фаолиятини олиб борадиган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳуқуқи ва мустақил институт сифатида фаолият юритиши кафолатланади.**

Ҳаракатлар стратегиясида давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг роли ва мавқеини оширишга доир Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда Олий Мажлис палаталарининг давлат ташқи сиёсатини амалга оширишда уларни халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши устидан назорат ваколатлари билан таъминлаш, хорижий давлатлар парламентлари билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллашти-

[illegible] миллий манфаатларини рўёбга чиқаришда [illegible] имкониятларидан кенг фойдаланиш имкониятларини [illegible] мақсадларни илгари суриши учун ҳуқуқий [illegible] такомиллаштириш назарда тутилди. Мазкур қонуннинг [illegible] натижасида давлатимиз ташқи сиёсатини янада [illegible] ривожлантирилади, бу соҳада парламентнинг [illegible] кенг имкониятлар яратилади.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг сенаторлар ва депутатлар [illegible] мулоқотни такомиллаштириш мақсадида **«Электрон парламент»** [illegible] бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини [illegible] қабул қилишга доир Ўзбекистон Республикаси [illegible] лойиҳасини тайёрлаш, унда миллий парламент [illegible] самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, парламент [illegible] ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий [illegible] ҳисобига халқ билан мулоқотни такомиллаштириш, [illegible] сайлов округлари жойлашган маҳаллий [illegible] қарорларини юбориш, шунингдек мазкур [illegible] доимий равишда хабардор бўлиб туриш [illegible] яратиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаш назарда [illegible]

«Электрон парламент» тизимини ривожлантириш мамлакатимизда парламентнинг ҳокимиятлар бўлиниши принципини [illegible] оширишдаги ролини янада оширади, парламентнинг сайлов [illegible] фуқаролар, маҳаллий вакиллик органлари билан [illegible] мулоқоти ва алоқаларини кучайтиради, улар билан электрон [illegible] тизимининг шаклланишига шарт-шароитлар яратади. [illegible] палаталарида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва [illegible] ресурсларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва бирлаштириш [illegible] механизмини назарда тутадиган ушбу тизимни шакллантириш [illegible] технологик ёндашувни таъминлайди. Кўриниб турибдики, «Электрон парламент» шаклидаги ахборот-коммуникация

воситалари парламент палаталари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни боғлаб турувчи восита вазифасини бажаришидан ташқари, фуқароларнинг турли манфаатларини қонунлар ва парламентда ифода этувчи институт сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат ўз-ўзидан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллашишига таъсир кўрсатади. Албатта, бу жараёнда фуқаролар ижтимоийлашувининг асосий компонентларидан бири фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий онги ҳам ошиб боради.

Навбатдаги муҳим вазифа – сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда қуйидагиларни – партия гуруҳлари томонидан маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги таклифларни киритиш, туман (шаҳар) ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг, шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни тақдим этиш ҳуқуқини бериш, Қонунчилик палатаси депутатларига жойлардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия ҳудудий бўлимларининг вакилларини бириктириб қўйиш каби муҳим фаолият йўналишларини тартибга солиш назарда тутилди.

Мамлакатда «сайловчилар (фуқаролар) – сиёсий партиялар – парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари (маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари) – қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, давлат органлари қарорлари» схемаси асосида фуқароларнинг манфаатлари ва иродасини давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ифодалайди. Бошқача айтганда, маҳаллий давлат бошқаруви халқ манфаатлари асосида фаолият юритадиган орган сифатида намоён бўлади.

Ҳаракатлар стратегияси асосида партия гуруҳларига янги ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятини кучайтириш, бу борада сиёсий партиялар воситасида халқ депутатларнинг ролини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий вакиллик органларида шаклланган партия гуруҳлари ишини фаоллаштириш, уларнинг ташкилий жиҳатдан мустаҳкам кучга айланиши, ҳудуддаги муаммоларни кўтариб чиқиш, уларнинг ечимини топишга доир фаолиятини жонлантириш учун замин тайёрлайди. Айниқса, сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат муҳити партия гуруҳлари ўртасида яққол сезилиб туришига муҳим аҳамият бериш, турли дастурий ва ғоявий мақсадлар ҳамда ғоялардаги мунозаралар, аҳоли орасида ўз электорати қарашларига таъсир этиш механизмларини шакллантириш соҳасида тажриба-синов шаклланиши фуқаролик жамиятига хос хусусиятларнинг шаклланишига олиб келади.

Сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларида партия гуруҳлари ролини оширишдан асосий мақсад – муҳим давлат қарорлари қабул қилишни ва давлат ҳокимияти органларини шакллантиришни халқ иродаси ва хоҳиш-истаги асосида амалга оширишдан иборатдир. Халқнинг сиёсий манфаатлари ва иродасини ифода этиш, уларни ҳимоя қилишнинг асосий институти, бу сиёсий партияларни демократик талаблар даражасида ривожлантиришдир.

Маҳаллий вакиллик органларидаги партиявий гуруҳларнинг ҳар хил муносабатларини мувофиқлаштириб турадиган, уларнинг маҳаллий ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олишига шарт-шароитлар яратиб берадиган меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш фуқароларнинг

манфаатларини маҳаллий вакиллик органларида ифодалаш ва ҳимоялаш учун шарт-шароит яратади. Маҳаллий кенгашлардаги партиявий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб турадиган, уларнинг маҳаллий ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олишига шарт-шароит яратиб берадиган меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш партиявий гуруҳларнинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши муқаррар.

Ҳаракатлар стратегиясида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги Доимий вакили (бундан кейин – Доимий вакил) лавозимини таъсис этиш, унинг доимий вазифаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қонун ижодкорлиги соҳасида, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилиши кўрсатилди. Бу каби Доимий вакил институти барча ривожланган давлатларда парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг алоҳида бир бўғини сифатида ўзини намоён қилмоқда. Бу каби ҳамкорлик ижро ҳокимиятининг қонунлар лойиҳасини такомиллаштиришдаги ролини оширишга, қонунлар ижроси самарадорлигини таъминлашга, ҳукумат ва парламент ўртасидаги алоқаларни тезкорлик билан амалга оширишга, қонун ижодкорлиги жараёнида ижро этувчи ҳокимият нуқтаи назарига эътибор берилишини таъминлайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида Олий Мажлиснинг ролини ошириш юзасидан Ҳаракатлар стратегиясида қандай чора-тадбирлар назарда тутилган?*
2. *Қабул қилинаётган қонунлар сифати деганда нимани тушунасиз?*
3. *Ҳаракатлар стратегиясида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига доир қандай ўзгаришлар назарда тутилмоқда?*
4. *«Электрон парламент» тизими қандай вазифани бажариши режалаштирилган?*
5. *Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар ролини кучайтириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган?*

[illegible] ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

[illegible] давлат ҳизмати тизимини, давлат бошқарувини [illegible] ташкилий тузилмалаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг [illegible] моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини [illegible] ҳисобга олган ҳолда бошқаришда давлат иштирокини [illegible] босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш.

[illegible] ривожланиш шароитида давлат кучини [illegible] оптималлаштириш, давлат бошқарувини жамият [illegible] ўсиш эҳтиёжларига мос равишда модернизация [illegible] асосий вазифа сифатида майдонга чиқмоқда. Мамлакатнинг ривожланишини таъминлаш, жамиятни ижтимоий-сиёсий [illegible] ҳукмлардан, унга давлат ҳокимияти воситасида [illegible] бошқарувини такомиллаштириш янги-янги имкониятларини такозо этади.

[illegible] бошқарувини оқилона ташкил этиш, унинг [illegible] ошириш замонавий илм-фан ва тафаккур [illegible] ишга таянмоғи лозим. Мустақил давлатчилик [illegible] ишлар мобайнида изчиллик ва собитқадамлик [illegible] келинаётган ислоҳотлар туфайли бугунги [illegible] демократик қадриятлар асосида шаклланган [illegible] халқчил давлат ҳокимияти ва бошқаруви [illegible]

[illegible] тамойилларига таянувчи давлат ҳокимияти халқ [illegible] этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлан[illegible] кучловчи бунёдкор куч сифатида намоён бўлади. [illegible] жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиб, унга яхлитлик [illegible] олиб келади. Ўзбекистонда ҳокимият идораларининг [illegible] бўйсундирилгани конституциявий принцип [illegible] фаолиятининг асосий мезонига айланди.

[illegible] ўтишга эришгач, жамият ва давлат ҳаётининг конс[illegible] ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлидан бориб, [illegible] Конституциясини қабул қилди, унинг замирида [illegible] тизими шаклланди. Конституция ва қонунлар [illegible] таъминот қурилишини демократлаштириш ва либерал[illegible] ҳуқуқий асосларини ташкил этди. Аввало, дав[illegible] шаклантириш ва фаолият юритиши соҳасига

ҳокимиятлар тақсимланиши принципи жорий этилди: ҳокимия
тузилмаларининг ваколатлари самарали конституциявий механи
асосида мутаносиб ҳолга келтирилиб, уларнинг фаолияти инсо
ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилди.

Амалга ошираётган конституциявий модернизация қилиш
давлат қурилиши соҳасидаги изчил ислоҳотлар натижасида рац
онал давлат бошқаруви тизими шаклланди, ҳокимият тузилмала
ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишига эришилди

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаш
тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясид
таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда давла
ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида салмоқл
ислоҳотлар амалга оширилди. «Бу жараёнда марказий ижро этувч
ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнин
вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш
ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалар
фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катт
эътибор берилди»[1].

Давлат бошқарувида жамиятга раҳбарлик қилиш билан боғли
сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этишга йў
налтирилган маъмурий-ташкилий фаолият муҳим ўрин тутади. Бу
давлат бошқарувига сиёсий мазмун бахш этади.

Концепцияда жамиятимизнинг истиқболдаги тараққиётини
таъминловчи устувор йўналишларни белгилаш баробарида, бу
борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти
тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва
мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакати-
миз фуқаролик жамияти институтларини, суд-ҳуқуқ тизимини, сай-
лов қонунчилигини такомиллаштириш, демократик ислоҳотларни
янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаб-
буслари илгари сурилди.


Жамият ва давлат қурилиши соҳасида парламент тизимини ри-
вожлантириш, кучли ижро ҳокимияти, мустақил судни шаклланти-

[1] **Ислом Каримов.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янади
чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
– Т.: «Ўзбекистон», 2010. 8-бет.

[illegible] вужудга келтириш, мустақил фуқаролик
[illegible] ва оммавий ахборот воситаларини ривож-
[illegible] фаолиятининг кафолатларини кучайтириш
[illegible] қилинди.

[illegible] сиёсий ҳаётини ва давлат ҳокимияти
[illegible] ҳамда замонавий асосларда модер-
[illegible] тараққиётимизнинг устувор йўналишини
[illegible] тизими, ҳокимиятнинг мазмуни,
[illegible] жамиятнинг объектив тараққиёт қонуниятларига
[illegible] Бу қонуният жамият ҳаёти, ижтимоий
[illegible] тобора янгиланиб, ривожланиб, илгари-
[illegible]

[illegible] институтларини янада халққа яқинлаштириш,
[illegible] халқ манфаатларини изчил тарзда тўлиқ
[illegible] яратиш вазифаси мамлакатимиз
[illegible] модернизация босқичининг марказий
[illegible]



1.2.1-расм

[illegible] муҳимки, Конституция воситасида давлат ҳокимияти
[illegible] ўртасидаги муносабатлар ўзининг оқилона ҳуқуқий
[illegible] кундалик ҳаётимиз исботлаб турибди. Дав-
[illegible] демократиклиги, аввало, Конституцияда инсон
[illegible] ҳуқуқлари нечоғлик мукаммал акс эттирилгани ҳамда
[illegible] билан изоҳланади. Конституция давлат ҳокимияти

[illegible] ва бошқалар. Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва
[illegible]. – Т., 2005. 75-бет.

ҳокимиятлар тақсимланиши принципи жорий этилди: ҳокимия
тузилмаларининг ваколатлари самарали конституциявий механи
асосида мутаносиб ҳолга келтирилиб, уларнинг фаолияти инсо
ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилди.

Амалга ошираётган конституциявий модернизация қилиш
давлат қурилиши соҳасидаги изчил ислоҳотлар натижасида раци
онал давлат бошқаруви тизими шаклланди, ҳокимият тузилмалар
ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишига эришилди

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаш
тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясид
таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда давла
ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида салмокл
ислоҳотлар амалга оширилди. «Бу жараёнда марказий ижро этувч
ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнин
вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш
ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалар
фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катт
эътибор берилди»[1].

Давлат бошқарувида жамиятга раҳбарлик қилиш билан боғли
сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этишга йў
налтирилган маъмурий-ташкилий фаолият муҳим ўрин тутади. Бу
давлат бошқарувига сиёсий мазмун бахш этади.

Концепцияда жамиятимизнинг истиқболдаги тараққиётини
таъминловчи устувор йўналишларни белгилаш баробарида, бу
борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти
тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш в
мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакати
миз фуқаролик жамияти институтларини, суд-ҳуқуқ тизимини, сай
лов қонунчилигини такомиллаштириш, демократик ислоҳотларни
янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаб
буслари илгари сурилди.

Жамият ва давлат қурилиши соҳасида парламент тизимини ри
вожлантириш, кучли ижро ҳокимияти, мустақил судни шаклланти

[1] **Ислом Каримов.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янади
чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси,
– Т.: «Ўзбекистон», 2010. 8-бет.

[redacted] ни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мустақил фуқаролик
[redacted] ни ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларини ривож-
[redacted] ни таъминлаш, уларнинг фаолиятининг кафолатларини кучайтириш
[redacted] ни ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чора-тадбирлари қилинди.

[redacted] ни ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чора-тадбирлари қилинди.

[redacted] ни ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чора-тадбирлари қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов фуқаролик жамиятининг асосий ҳаётини ва давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда замонавий асосларда модернизация қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш мамлакатимизнинг устувор йўналишини белгилаб берди. Давлатчилик тизими, ҳокимиятнинг мазмуни, [redacted] ни ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий асослар

фаолиятини бошқарувчи, тартибга солувчи, меъёрловчи, демократик нормалар воситасида чекловчи сиёсий-ҳуқуқий восита саналади.

Замонавий шароитда ўзбек давлатчилигини янада такомиллаштириш мамлакатимизда демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таянган асосида амалга оширилмоқда.

Юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг асосий мақсади ва мазмуни давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришдан иборат бўлиб келмоқда. Ана шундай дастлабки муҳим ислоҳотлардан бири парламент тизимини такомиллаштириш учун 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари билан боғлиқ. Умумхалқ референдумига миллий парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш масаласи қўйилиб, унга ижобий жавоб олинди. «Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун (2002 йил 4 апрель) давлат ҳокимияти тизимини парламент ролига устувор ўрин берган ҳолда чуқур ислоҳ этишга пойдевор яратиб берди. Унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарини шакллантириш, уларнинг ваколатларини белгилашга йўналтирилган конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ролини янада кучайтиришга, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш масалаларига устувор аҳамият қаратилгани айниқса эътиборга молик.[1] Бу тарихий ҳужжатда мамлакатнинг яқин истиқболдаги ривожланиш йўналишлари белгилаб берилди. «Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс маса-

[1] *Қаранг:* «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

[illegible] ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча [illegible] учун энг муҳим устувор вазифа сифатида [illegible]

[illegible] бошқаруви тизимини янада такомиллаштиришда, давлат [illegible] (парламент, президент, ҳукумат) ўртасидаги [illegible] самарали ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини [illegible] конституциявий қонунчиликка жорий [illegible] муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, [illegible] қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси [illegible] (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ҳокимияти тизимини янада [illegible] муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.

[illegible] ўртасида ваколатлар мутаносиб тақсимланишини [illegible] ислоҳотларнинг аввалги босқичида Асосий [illegible] киритилган тузатишлар жиддий аҳамият [illegible] конституциявий қонунчиликни такомиллаштиришга [illegible] тузатишлар, биринчидан, ҳокимият тармоқлари [illegible] ошишига хизмат қилса, иккинчидан, давлат [illegible] ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизмида [illegible] тутади. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси [illegible] масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, [illegible] девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш [illegible] Президенти ваколатлари доирасидан чиқарилди. Бош вазир [illegible] вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларини [illegible] тасвиридан озод этиш учун тақдим қилиш ҳуқуқининг [illegible] Бош вазир бошчилигидаги ижро этувчи ҳокимият [illegible] ва таъсирини оширишга хизмат қилса, Бош вазир [illegible] тайёр этиш ва тасдиқлаш тартиби, шунингдек, унинг *[illegible]* ва *муҳокама қилиш тартиб такомилининг* [illegible] Парламент ролини янада кучайтиришга кўмаклашувчи [illegible]

Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Сайловчи халқимиз билан бирга курамиз! «Халқ сўзи». 2016 [illegible]

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Шавкат Мирзиёев

Ҳокимиятлар тизимидаги
бир демократик институт
мазмуни қуйидагича: Ўзбе
тон Республикаси Бош вазир
Ўзбекистон Республикаси О
Мажлиси Қонунчилик пала
ўртасида зиддиятлар дои
тус олган тақдирда Қонунчи
палатаси депутатлари умуми
нининг камида учдан бир қи
томонидан Ўзбекистон Респу
каси Президенти номига рас
йўналтирилган таклиф бўй
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қў
мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан *ишончсизлик во*
билдириш ҳақидаги масала киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-модда
киритилган ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Конституциянинг
ва 93-моддаларига ҳам тегишли тузатишларни киритиш зарурат
белгилади. Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-банд
Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари
фатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долз
масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш
муҳокама қилиш ваколати назарда тутилди. Бу ҳолат ҳам сиё
партиялар, ҳам парламент роли ва таъсирининг оширилиш
Олий Мажлиснинг қонунлар ижро этилиши устидан амалга о
радиган назорат фаолиятининг янада такомиллаштирилиш
хизмат қилади. Шунингдек, конституциявий ислоҳотлари
аввалги босқичида Ҳукуматни шакллантириш тартиби янада
мократлаштирилди. Конституциянинг 98-моддасига киритил
қоидага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ном
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик пал
сига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий пар
ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган
неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

[redacted] номзоди Ўзбекистон Республикаси Прези-
[redacted] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
[redacted] барча сиёсий партиялар фракциялари
[redacted] ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон
[redacted] Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва
[redacted] учун таклиф этилади.

[redacted] томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки
[redacted] ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти
[redacted] ўзи бошқарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон
[redacted] Мажлисини тарқатиб юборади.[1] Ушбу норма
[redacted] ҳокимиятлари тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва таъ-
[redacted] янада такомиллаштирди.

[redacted] ва бошқарувини демократлаштиришга қа-
[redacted] ҳокимиятлари тизимини ислоҳ қилишнинг аҳамияти яна шундан иборатки, улар
[redacted] субъектлари, яъни, давлат бошлиғи бўлган
[redacted] ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртаси-
[redacted] ўзаро мувозанатга янада оқилона тақсимланишини таъминлашга
[redacted] Давлат ҳокимияти тақсимланиши тўғрисидаги
[redacted] тармоқлари ваколатларининг тўғри
[redacted] фаолиятининг барқарорлигини,
[redacted] ўртасида конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилишини кафолат-
[redacted] ҳокимиятининг конституциявий тарзда
[redacted] тақсимланиши пировардида давлатнинг
[redacted] ва ижтимоий йўналтирилган табиатга эга бўлиши ва инсон ҳуқуқлари
[redacted] кафолатланишининг гаровидир.

[redacted] ҳокимияти бошқаруви тизимини такомиллаштириш-
[redacted] Асосий қонунимизга 2014 йил 16 апрелда
[redacted] Конституциясининг айрим моддаларига
[redacted] киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103
[redacted] қонун воситасида киритилган янгилик-
[redacted] Ушбу конституциявий ислоҳотлар мамлака-
[redacted] ва давлат бошқарувини изчил

[redacted] Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада
[redacted] жамиятини ривожлантириш концепцияси.
[redacted] 6-13-бетлар.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз, аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шавкат Мирзиёев

демократлаштириш борас
амалга оширилаётган сиё
нинг мантиқий давоми бўл
Мазкур ислоҳотнинг мазму
қуйидаги муҳим соҳаларни
камровига олди: 1) жамоат
парламент назорати; 2) Пре
дент ва парламент ваколатл
3) Ҳукуматнинг конституция
маком; 4) сайлов тизими. Ул
нинг маъно-моҳиятига кис
изоҳ бериб ўтамиз.

Ўзбекистон Республика
Президентининг айрим вако
ларини Олий Мажлис ва Ва
лар Маҳкамасига ўтказиш бў
ча Асосий Қонунимиз мод
рига киритилган ўзгартириш
қўшимчалар Президентнинг
лат ҳокимияти органларини
келишилган ҳолда фаолият юр
тишини ҳамда ҳамкорлигин
давлат ҳокимияти тармоқла
ўртасида ваколатларнинг ок
лона қайта тақсимланишин
шунингдек, улар ўртасида ўз
тийиб туриш ва манфаатлар м
возанати тизимининг самара
ишлашини таъминлашнинг конституциявий механизмларини я
да такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Конституциянинг 32-моддаси мамлакат ҳаётида фуқарол
жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган муҳ
коида билан тўлдирилди. Яъни, Ўзбекистон Республика
фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ў
бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларин


жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва
[illegible] ҳам амалга оширилиши ҳақидаги
[illegible]

[illegible] моддасига янги 21-банд киритилиб,
[illegible] институти назарда тутилди. Маҳаллий
[illegible] органларининг мустақиллигини ва айни
[illegible] ўрнидаги масъулиятини кучайтириш
[illegible] 103-моддаси вилоят, туман ва ша-
[illegible] тимоий иқтисодий ривожланишнинг энг
[illegible] лари юзасидан *ҳисоботлар тақдим*
[illegible] норма билан тўлдирилди.
[illegible] халқ депутатлари кенгашлари тегишли
[illegible] оркали бу конституциявий институт
[illegible] ламиштирилади. Ўзбекистон Республи-
[illegible] Мирзиёев Конституция қабул қилинганининг
[illegible] танганали маросимдаги маърузасида
[illegible] тамомила янги институтни
[illegible] шаҳар ҳокимларини тегишли ҳудудлардаги
[illegible] сайлаш ғоясини илгари сурди. Бу ҳам
[illegible] ҳисобдорлигини кучайтиради.[1]

[illegible] Конституциянинг 117-моддасига асосий прин-
[illegible] қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва
[illegible] Ўзбекистон Республикаси Марказий
[illegible] фаолиятини ташкил этишнинг конституци-
[illegible] тузатишлар киритилди.

[illegible] киритилган тузатишлар давлат ҳокимиятининг
[illegible] мустақил тармоқлари ўртасида вако-
[illegible] ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар
[illegible] ривожланишини, шунингдек, сайлов тизимининг
[illegible] муҳим омилига айланиши табиий.

[illegible] Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъ-
[illegible] ва халқ фаровонлигининг гарови // «Халқ сўзи»,
[illegible]



1.2.2-расм

Шунингдек, Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисид
Қонун билан 98-модда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекис
Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаёт
ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг якин ва у
истиқболга мўлжалланган *ҳаракат дастури*ни тақдим этиш
назарда тутадиган янги қоидалар билан тўлдирилди. Конституци
киритилган ушбу норма конституциявий ривожланишнинг халқ
амалиётига тўлиқ мос келади. Ҳукуматнинг фаолият (ҳаракат) д
турини таҳлил қилиш кўплаб демократик давлатлар тажрибасид
ўрин олган конституциявий институт ҳисобланади. Хусусан, Гер
ния Асосий қонунига биноан, парламент аъзолари нафақат ҳукум
раҳбари ва аъзоларини тасдиқлайдилар, балки ҳукумат дастур
лойиҳаси бўйича ўз муносабатларини ҳам билдирадилар. Уш
дастур қонун чиқарувчи идора аъзолари томонидан тасдиқланиш
ёки рад этилиши мумкин. Дастурнинг рад этилиши бир вақтни
ўзида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилиши
англатади. Финляндия Конституциясига мувофиқ, депутатлар Бо
вазир номзоди тасдиқлангунга қадар ҳукумат дастури лойиҳасин
кўриб чиқадилар ҳамда унинг мазмунини ўрганганларидан сў
Президентга Бош вазир лавозимига номзодни қўллаб-қувватлаш
мумкинлиги борасида ўз фикрларини билдирадилар.

Дарҳақиқат, Конституцияга киритилган тузатишлар, хусусан
уларнинг парламент томонидан ҳукуматнинг ҳаракат дастури кўриб
чиқилишига оид қисми депутатлар ва сиёсий партиялар фракциялар
ри учун янги шаклланаётган Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни
барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш

[redacted] барча жиҳатларидан хабардор бў-
[redacted] ҳукуматнинг тутган йўли бўйича ўз
[redacted] имкон яратади.
[redacted] нормага кўра, Вазирлар Маҳкамасига Ўзбе-
[redacted] Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимо-
[redacted] муҳим масалалари юзасидан *маъруза-*
[redacted] юкланмоқда. Асосий Қонунимизнинг
[redacted] бундай маърузаларни парламентнинг кўриб
[redacted] Ўзбекистон Республикаси Президенти
[redacted]
[redacted] ва бошқаруви тизимида барқарорлик,
[redacted] ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақил фа-
[redacted] кучайтириш мақсадида амалдаги
[redacted] сайланган Ўзбекистон Республикаси
[redacted] қонунларини зиммасидан соқит қилиши
[redacted] 98-моддасида белгиланган нормалар
[redacted] қарорига кўра, ҳукумат айни шу даврда,
[redacted] *таркиби шакллантирилгунга қадар*
[redacted] *ишлаб туриши* ҳақидаги қоидалар билан
[redacted] норма бўлиб, давлат бошқарувида изчил-
[redacted] таъминлайди.
[redacted] киритилган яна бир янги нормага мувофиқ, Ўз-
[redacted] Президенти энди мамлакат ички ва ташқи
[redacted] энг муҳим масалалари бўйича
[redacted] Мажлисига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлди.
[redacted] конституцияларида Президент
[redacted] муҳим масалалари бўйича парламентга муро-
[redacted] ҳуқуқига эга. Одатда, бундай мурожаат
[redacted] оширилиб, унда Президент давлатнинг
[redacted] устувор масалалари юзасидан асосий
[redacted] депутатлар (сенаторлар), сиёсий парти-
[redacted] институтлари ҳамда кенг жамоатчилик
[redacted] ўз сиёсий йўлини синовдан ўтказади; давлат
[redacted] долзарб масалаларни ҳал этишга давлат
[redacted] фуқаролик жамияти институтларини сафарбар

Ҳозирги глобаллашув ва шиддатли ривожланиш шароит
давлат бошқарувини замонавий жамият эҳтиёжларига мос ран
модернизация қилиш ўта долзарб масала сифатида кун тарти
чиқмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида «Давлат бошқаруви асос
тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қи
назарда тутилгани эътиборга моликдир.

Мамлакатнинг давлат бошқарув тизими унинг сиёсий,
тимоий, ҳуқуқий ва маъмурий маданиятининг узвий қисми
Бошқарув маданияти бир қатор тарихий, миллий, жўғрофий, ма
вий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади. Бошқарув мада
давлат бошқаруви тузилмаларига нисбатан бирмунча барқаро
турғундир. Шу туфайли сиёсий (давлат) бошқарув маданият
тарихан қисқа вақт ичида ўзгартириш бирмунча мушкул. Масал
давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини қонунчилик ислоҳ
воситасида тарихан қисқа муддатда ўзгартириш (янгилаш) м
кин, аммо бошқарувга боғлиқ мафкурани, менталитетни, онгни
маданиятни дарҳол ўзгартиришнинг иложи йўқ.

Табиийки, давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва модернизац
қилиш Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган принцип
ҳамда талаблар асосида амалга оширилади. Шу билан бирга,
борада фуқароларнинг яна бир муҳим ҳуқуқига эътибор қарат
лозим. 2005 йилда Европа Иттифоқига тасдиқлаш учун тақд
этилган Европа Конституцияси лойиҳасида инсон ва фуқароларни
ижобий бошқарувга бўлган ҳуқуқи назарда тутилган. Унга кў
ҳокимият органлари фуқаронинг мурожаатларини холис ва а
латли, пайсалга солмай моҳияти бўйича кўриб чиқиши, сайл
қўйилган вакиллар ва маъмурият аҳоли манфаатлари йўлида ф
лият юритиши лозим.

Фуқароларнинг давлат бошқарувига кенг жалб этилиши, д
мократик давлат бошқаруви ғоялари бир қатор халқаро ҳуқуқи
ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлар
умумжаҳон декларациясида қуйидаги қоида эътироф этилган
«Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситас
орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга
Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим
(21-модда). Янги Европа учун Париж хартияси ЕХҲКнинг 1990 йил

[illegible] шундай сатрлар бор: «Демок-
[illegible] сайловлар пайтида мунтазам
[illegible] ҳоҳиш-иродасига асосланади.
[illegible] инсон шахсига бўлган ҳурмат ва қонун
[illegible]
[illegible] ҳозирги босқичида давлат
[illegible] нинг бир қатор йўналишлари
[illegible] стратегиясида белгилаб берилган. *Би-*
[illegible] бошқарув мезонларини белгиловчи
[illegible] ва жадаллик билан жорий
[illegible] инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг
[illegible] (шу жумладан, давлат
[illegible] органлар ўртасида ваколатларнинг
[illegible] қонун устуворлиги, давлат бошқарувига
[illegible] жамияти институтларини кенг жалб
[illegible] органлари фаолиятининг ошкоралиги ва
[illegible]

[illegible] бошқарув аппарати фаолиятининг
[illegible] замонавий талаблар асосида тако-
[illegible] тутилади.
[illegible] ҳокимияти тизимидаги бошқарув билан
[illegible] таркибий тузилмаси ва функциясла-
[illegible] маъмурий ислоҳотнинг муҳим вазифаси
[illegible] бошқарувида мувозий тузилмаларнинг
[illegible] вазифаларини такрорлашнинг мавжуд
[illegible] зарурлигини бартараф этиш зарурлиги талаб этилади.
[illegible] бошқаруви органлари фаолиятининг
[illegible] фуқаролик жамияти институт-
[illegible] таъминловчи самарали механизмларни
[illegible] жамоатчилик назоратини фаоллаш-
[illegible]

[illegible] бошқарувини модернизация қилиш ва
[illegible] самарасини оширишда тегишли ваколатли
[illegible] ҳуқуқий асосларини (регламентларини) из-
[illegible] аҳамият касб этади. Бундай ҳуқуқий
[illegible] Маъмурий процессуал кодекснинг, «Маъму-

Биз янгича мустақил фикрлай оладиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни танлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат хизматчилари ўртасида сансалорлик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун биз қатъий кураш олиб борамиз.

Раҳбарлар фаолиятига, уларга бўлган ишонч ва аҳолини ўйлантираётган муаммоларни самарали ҳал этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг ўзи баҳо беради.

Шавкат Мирзиёев

рини процедуралар тўғрисида»ги ва «Давлат хизмати тўғрисида»ги конунларининг кабул қилиниши Ҳаракатлар стратегиясида айтиб ўтилади.

Давлат хизмати – давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблағ билан таъминланувчи шахсларнинг фаолиятидир. Давлат хизмати давлат аппаратини бошқаришни ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, давлат олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига хизмат қилишдан иборатдир.

Фикримизча, давлат хизматининг умумий жиҳатларини тартибга солиш учун «Ўзбекистон Республикасининг давлат хизмати тўғрисида»ги қонунда давлат хизматини ўташ ҳақидаги боб киритилиб, алоҳида моддалар бўйича давлат хизматига кириш тартиби, давлат хизматчиларининг аттестацияси, уларни рағбатлантириш, давлат хизматчиларининг жавобгарлиги масалалари белгилаб қўйилиши лозим бўлади.

Давлат хизматчиларининг малака даражалари тегишли давлат хизмати лавозимлари бўйича татбиқ этилган малака талабларига, касбий тайёргарлик даражасига мувофиқлигини кўрсатади. Давлат хизматчиларига малака даражаларининг берилиши давлат хизматчиларининг профессионал тайёргарлик савияси малака талабларига

мувофиқлигига қараб белгиланади. Малака даражалари давлат малака имтиҳонлари ёки аттестация натижаларига кўра белгиланади. Малака имтиҳонларининг ўтказилиши, малака даражаларининг берилиши ҳамда ходимларнинг бошқа ишга ўтказилиши муносабати билан сақланиши қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.[1]

Мамлакатимизда давлат хизматчиларига малака даражалари ёки махсус унвонлар бериш тартиби алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Шунингдек, республикамиз қонунчилигида ҳам мартаба даражалари ижобий аттестация, малакасига мувофиқ олий маълумот мавжуд бўлган тақдирда, эгаллаб турган лавозими ва иш стажига, шунингдек, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонларни ҳисобга олган ҳолда изчил тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «Олдимизга қўйган максад-муддаоларга етиш учун кадрларнинг амалий заҳирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган максадли тизимни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарор қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва менеджер шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур»[2].

Профессионал кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш хизматчиларнинг хизмат поғоналари бўйлаб кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда кадрларни тайёрлаш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун кўпгина давлатларда марказлашган тайёргарлик билан биргаликда давлат хизматчиларининг юқори лавозим бўйича ҳаракатланишлари ҳамда менежерларнинг профессионал ривожланишлари учун кадрлар

Ю.Н. Старилов. Служебное право. – Москва, «БЕК», 1996, 413-бет.
«Ўзбекистон овози». 2016 йил 15 декабрь Т/150-сони.

захирасини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг қамровли курслар тизими амал қилади.

Давлат органларида хизмат бўйича ўсиш тартибида давлат хизмати лавозимларини эгаллаш мақсадида танлов асосида раҳбар лавозимларини эгаллаш учун кадрлар заҳираси шакллантирилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, Ҳаракатлар стратегиясида давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш давлат хизмати фаолиятининг тўғри ва самарали фаолият юритишида катта аҳамиятга эга экани таъкидлаб ўтилади.

Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда давлат – хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш. Фуқаролик жамияти қарор топишининг муҳим шартларидан бири давлат билан жамоатчилик тизимлари ҳамда хусусий секторнинг яқин ҳамкорлиги, улар ўртасида ижтимоий шерикликни амалда таъминлашга эришишдан иборат. Биз мустақил давлатчилик сари қадам қўйилган дастлабки йиллардаёқ Асосий қонунимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, иқтисодий фаолият эркинлиги ва хусусий ҳаёт дахлсизлиги кафолатланиши барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган тузилмалар ҳамда ташкилотларнинг кенг тармоқлари вужудга келиши, фаолият юритиши ва ривожланиши учун қулай муҳит яратди.

Ўтган чорак аср мобайнида жамоат ва нодавлат ташкилотларининг нуфузи ортди, ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди, жамият бошқарувидаги роли ошиб борди. Бугунги кунда мазкур тузилмалар давлат билан фуқаролик жамиятининг ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини аниқлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга муносабатини ойлишнинг муҳим воситаси сифатида майдонга чиқмоқда.

Демократик янгиланишлар жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 250 дан зиёд қонунлар, юзлаб фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ушбу кенг кўламли ҳуқуқий база бу ташкилотлар

давлат органлари билан тенг мулоқот олиб бориши, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатли иштирок этишининг замини бўлди.

Давлат-хусусий сектор тузилмалари ҳамкорлигининг марказий йўналиши фуқаронинг иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳадаги манфаатларини таъминлаш масаласи туради.

Масалан, касаба уюшмалари давлат органлари, иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорликда ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги шартномаларни ишлаб чиқиш ва меҳнат қилувчи ходимларнинг фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофазаси, иш ҳақи, дам олиш, ногиронлиги бўлган болаларнинг ёш болаларига парвариш бериши билан боғлиқ имтиёзлардан фойдаланиш, пенсияга расмийлаштириш борасидаги ва бошқа манфаатларини муҳофаза қилишда салмоқли фаолиятни амалга оширмоқда. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, ижтимоий таъминот тизимидан фойдаланиш, ер ҳуқуқларини тиклаш каби қатор соҳаларда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари билан бўладиган муносабатларга воситачи ва кўмакчи вазифасини ўтамоқда.

Бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий негизларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2014 йилда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, шунингдек, гуманитар муаммоларини ҳал этишга ҳамда турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашга нодавлат тузилмаларининг давлат идоралари билан ўзаро муносабатларининг аниқ чегараларини белгилаш бўйича ташкилий механизмларини яратади.

Ислоҳотларни амалга қила бошлаганимиздан буён ўтган қисқа даврда тўпланган ижобий тажриба гувоҳлик беришича, ҳали бу соҳада ташкилий-ҳуқуқий механизмлар янада такомиллаштирилиши лозим. Шу боис Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида давлат ва хусусий шериклик (давлат-хусусий шериклик) шаклларини кенгайтиришга йўналтирилган «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Унда давлат ва хусусий шерикликнинг тушунчаси, табиати (моҳияти), принциплари, вазифалари ва асосий йўналишлари, шакллари (воситалари), иштирокчилари

доираси, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, бу борада амалга ошириладиган устувор тадбирлар ва муносабатлар тартибга солинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш. Давлат бошқаруви идораларининг аҳоли билан алоқаларини кучайтириш, ҳамкорлик механизмларини яратиш муҳим. Бир томондан, аҳолини давлат бошқарув органлари фаолиятидан мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, иккинчи томондан, маҳаллий давлат бошқарув органлари қарорларини қабул қилишга (қарорлар лойиҳасининг муҳокамасига, маҳаллий референдумларга) кенг жалб этишни йўлга қўйиш – давр талаби. Шунингдек, давлат бошқаруви билан корпоратив бошқарувни яқинлаштириш, улар нисбатининг оқилона мезонларини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Инсон ва фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашнинг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 29-моддасига биноан: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасноди р».[1]

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари улар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши бугунги кунга келиб энг мақбул йўл сифатида баҳоланмоқда. Амалда мавжуд бўлган давлат хизматларини фуқароларга, юридик шахсларга ва давлат органларининг ўзига кўрсатишнинг янгича тизимини амалга ошириш ҳар қандай замонавий демократик давлатнинг асосий стратегик йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталарининг

[1] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. 8-бет.

қўшма йиғилишида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган таклифларнинг амалий ифодаси сифатида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлиги, очиқлигини таъминлаш, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг асосий йўналишларидан аҳолини мунтазам хабардор бўлиб боришига шароит яратиш, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада оширишдан иборатдир. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, давлат ҳокимияти органларига ўзлари қабул қиладиган қарорлар ва уларнинг мазмуни билан аҳолини, турли жамоат бирлашмаларини хабардор қилиш мажбуриятини юклаши билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши орқали фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг юқори даражада таъминланишига ва пировард натижада давлат ҳокимияти органларининг ўзлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар бўйича мажбуриятларининг ошишига эришилади.

Маълумки, 2014 йил 5 майда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади – давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг *асосий вазифалари* – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқни кафолатлаш; давлат органлари

ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг тарқатилиши тартибини белгилашдан иборат. Шунга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлиги, уларнинг устидан жамоатчилик назорати бу идораларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қабул қилиш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик ва ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, пировардида давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширишга, давлатнинг жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат қилувчи институтга айлантиришга қулай имконият яратади.

Ҳозирги даврда халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат-нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.[1]

Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳа тараққиёти учун қатор ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бугунги кунга келиб қарийб элликка яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари давлат ва хусусий сектор фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ривожи ва ислоҳотларнинг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халққа сифатли ва тезкорлик билан хизмат кўрсатиши, бу борада ўз фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ўз навбатида бу жараёнлардан кенг аҳолининг хабардорлиги, уларга дахлдорлигида намоён бўлади. Зеро, инсон ва фуқароларнинг юқори савиядаги ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари демократик жамият қуришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлик, қонун нормаларини ҳурмат қилиш ва уларга қатъий риоя қилиш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг, сиёсий ва ҳуқуқий институтлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биринчидан, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қиляпти, бундан тўла хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, айниқса инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. Учинчидан, тайёрланаётган қонунлардан аҳоли ҳам хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай қилиб амалга ошаётгани жамият назоратида туриши зарур».[1] Шу боис, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятдаги сиёсий фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг мамлакатда мавжуд қонунчиликдан хабардорлигига, яъни, ахборот билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Давлат бошқаруви соҳасини эркинлаштириш бу борадаги амалий фаолиятни фаоллаштириш билан бир қаторда жиддий илмий изланишлар олиб боришни, соҳадаги муаммоларнинг илмий-ҳуқуқий ечимларини топишни тақозо этмоқда. Фикримизча, бу борада давлат органлари тизимида марказлаштиришдан чиқариш масалалари, бошқарув идоралари (республика ва маҳаллий) функциялари ҳамда ваколатларини оқилона меъёрга солиш, уларнинг функцияларини қайта тақсимлаш, уларни марказдан маҳаллий бўғинларга ўтказиш муаммоларини илмий тадқиқ этиш – долзарб вазифа. Тобора авж олаётган *маъмурий ислоҳотлар* давлат бошқарувини оптималлаштириш, давлат аппаратини ихчам ва камхаражат қилиш, давлат

[1] «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

[1] **Ислом Каримов.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998. 28–29-бетлар.

хизмати, маъмурий судлов ва маъмурий-процессуал қонунчиликни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш муаммоларини долзарб мавзулар қаторига қўшмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида мамлакатимизда маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда бу ислоҳотларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар Дастурини яратиш белгиланган эътиборга молик. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси тайёрланиши кўзда тутилган. Бунда давлат бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва тузилмасини такомиллаштириш, давлат бошқарувини марказлаштирувдан холи қилиш, такрорланувчи функцияларни бажарадиган давлат органларининг турли комиссияларини бекор қилиш ёки бир-бирига қўшиш орқали давлат бошқаруви ни хизматини тубдан ислоҳ этиш назарда тутилади.

Яна бир муҳим вазифа – бу давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг усул ва шаклларини илмий таҳлил этиш, амалиётга таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Иккинчидан, давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, «электрон ҳукумат»ни шакллантириш, умуман, «Ахборот жамияти»ни қарор топтириш муаммоларини тадқиқ этиш, Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона тизими ҳаракатланишининг ҳуқуқий ва методологик базасини яратиш устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозим.

Албатта, бу борада *ахборот хавфсизлигини* таъминлаш, ахборот алмашинуви муносабатларининг ҳуқуқий режимини кафолатлаш алоҳида эътиборни талаб этади.

Ўзбекистонда ахборот эркинлигини таъминлаш борасида қуйидаги устувор йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ахборот тармоқларини ривожлантиришда глобал ҳамкорлик; 2) электрон кутубхоналарни шакллантириш; 3) электрон музейлар ва галереяларни яратиш; 4) атроф-муҳит ва табиий ресурслар электрон базасини яратиш; 5) фавқулодда ҳолатларни электрон бошқариш; 6) соғлиқни сақлашда информацион технологияларни қўллаш; 7) электрон ҳукуматни шакллантириш; 8) кичик ва ўрта бизнес учун виртуал бозорни яратиш.

Учинчидан, давлат қурилишини эркинлаштиришда давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар хусусий фаолиятига аралашувини чеклаш, унинг меъёр ва мезонларини аниқлаш ҳам жиддий аҳамиятга молик мавзудир.

Тўртинчидан, мамлакат миқёсида *«бошқарув маданияти»*, *«маъмурий маданият»*ни шакллантиришга ҳам устувор аҳамият бериш керак.

Бешинчидан, давлат бошқаруви органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигининг усул ва шаклларини такомиллаштириш муҳимдир.

Олтинчидан, давлат бошқаруви органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг *мурожаатларини кўриб чиқиш* тизимини такомиллаштириш лозим.

Еттинчидан, давлат бошқаруви органлари устидан *жамоатчилик назоратини* таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ўрганиш зарур.

Саккизинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига аҳолини кенг жалб этишда умумий йиғилишлар ва *маҳаллий референдум* институтини илмий таҳлил этиш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да қабул қилингани бежиз эмас. Чунки, унда мамлакатимизнинг ёруғ келажаги ҳамда истиқболини белгилаб берган устувор йўналишлар қамраб олинган.

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифати ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланиш имкониятини ошириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизация қилиш ва барча соҳаларни эркинлаштиришдан иборат экани ҳақидаги фикрлари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракатлар стратегияси давлат ҳокимиятини изчил демократлаштириш ва давлат бошқаруви тизимининг янада самарали ишлайдиган механизмларини яратиш борасида янги вазифаларни илгари сурмоқда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида маъқулланган Давлат дастурида давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало, давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий сектор ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шаклларини, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини рационал ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади».[1]

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида жамиятни ахборотлаштириш, фуқароларнинг ахборот олиш (ундан фойдаланиш, тарқатиш) эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва мезонларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни фуқароларга етказишга, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг мақсадли ва натижали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўндан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Давлат бошқарувига электрон ҳукумат тизимини янада кенгроқ жорий этиш лозим. *Бу тизим воситасида давлат миқёсида идо*

[1] **Ислом Каримов.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2010. 28-бет.

ракатлар стратегияси давлат бошқарув жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган ахборот маълумот тизими, Интерактив давлат хизматлари порталини яратиш ҳамда ахборот ресурс базаларидан самарали фойдаланишни амалга оширилади. Натижада давлат бошқаруви ишларида маъмурий тартиб-тамойиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилади. Электрон ҳукумат қуйидаги принциплар асосида фаолият юритадиган давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, давлат хизматларини кўрсатишнинг қулайлиги, ахборотнинг муҳофазаланганлиги, маъмурий ишларнинг электрон таҳлил этилиши, давлат органларининг ўзаро боғланган тарзда ҳаракатланиши, давлат органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан муттасил яхшиланиши ва ҳ.к.

Давлат органлари фаолиятидаги очиқликни таъминлашнинг, шунингдек, ҳар бир соҳада «ахборотлашган жамият» шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали усуллари сифатида «Электрон ҳукумат»дан бир қаторда «Электрон парламент» тизимини ҳам яратиш муҳим.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 18 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида «Электрон ҳукумат» тизими, шунингдек, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий ахборот ресурсларини интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим»[1] деб таъкидлаган эдилар.

Мамлакатимизда инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариш ва ушбу муносабатларни такомиллаштириш, бошқариш ва таҳлил этиш мақсадида Парламент томонидан 2015 йилнинг 9 декабрида «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

[1] **Ислом Каримов.** Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизацияни қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. 32-бет.

Ушбу Қонуннинг мақсади «Электрон ҳукумат» соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонуннинг 3 моддасига асосан «Электрон ҳукумат» – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, фуқаролар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда давлат хизматлари кўрсатишга қаратилган давлат бошқарувининг ташкилий шакли ҳамдир.

Мазкур қонун билан бирга давлат бошқарувида замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришга оид масалалар миллий қонунчилигимизда 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган бўлиб, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Эътиборлиси шундаки, Ҳаракатлар стратегияси таркибидаги давлат дастурида «Электрон парламент» тизимини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шунингдек, давлат бошқарувини ахборотлаштириш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни

ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари орқали ҳам бевосита тартибга солинади.

> ***Бизнинг навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифамиз – «Электрон ҳукумат» тизими самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Ҳозирча у тўлиқ ҳажмда ишламаяпти. Айрим идоралар эса бу тизимга ёки уланмаган, ёки очиқ айтадиган бўлсак, уни нима қилишни ҳам билмайди.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

«Электрон ҳукумат» тизимини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштириш ва бир вақтнинг ўзида ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур»[1], – деб таъкидлаган эди.

«Электрон ҳукумат» тизими Президентимизнинг юқоридаги фикрларини амалиётга самарали татбиқ этишда муҳим ўрин эгаллamoқда. Хусусан, у давлат бошқарув органлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларини фуқаролик жамияти субъектларига тез ва самарали, асосийси қулай етказишга хизмат қилади.

Электрон ҳукуматнинг яратилиши:

ҳукуматнинг қарор қабул қилишда очиқ-ойдинлиги ва ҳисобдорлигини таъминлайди ҳамда шу орқали коррупция хавфини пасайтиради;

ахборот олиш эркинлигини оширади (қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик ва бошқа ахборотлар);

---

[1] **Шавкат Мирзиёев.** Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. http://www.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8983.

Олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни самарали ҳал этиш, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиятининг учта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизомини талаб этади.

Ишимизни тўғри ташкил этиш, уни самарадорлигини таъминлаш бутун бошқарув тизими фаолияти сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шавкат Мирзиёев

– фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳаётидаги кенг иштирокини таъминлайди;

– кичик ва ўрта бизнеснинг турли чиқимлари (вақт, йўл ва бошқа харажатлар)ни камайтиради;

– халқнинг давлат бошқарув органларига мурожаатларини осонлаштиради ҳамда ушбу мурожаатларнинг кўриб чиқилишини автоматик равишда назорат қилиш имкониятини яратади;

– мурожаат жараёнида тақдим этиладиган ҳужжатларнинг максимал қисқариши орқали турли бюрократик тўсиқларга барҳам берилади;

– давлат хизматларидан фойдаланишда эскирган кўпбоскичлилик тизимидан эмас самарали ва тезкорликка асосланган механизмдан фойдаланилади;

– электрон кўринишда мурожаат қилувчи шахсга ўзига қулай бўлган жойдан мурожаат қилишдек қулайликлар яратади.

«Электрон ҳукумат» тизимининг Ўзбекистон Республикасида кенг жорий этилиши ва такомиллаштирилиши мамлакатимиз аҳолиси, бутун бир жамият ҳаётида катта ижобий ўзгариш ҳамда янгиланишларга хизмат қилади. Тизимнинг кенг йўналишларга нисбатан татбиқ этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юқори даражада ҳимоя қилинишига, фуқароларнинг давлат ишларидаги иштирокининг фаоллашувига, давлат органларининг эса мос равишда самарали фаолият олиб боришига шароит яратади. Пировард натижада эса ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг ҳар қандай йўналишида юқори самарадорликка эришиш мумкин.

«Электрон ҳукумат» инфратузилмасида Ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш портали амал қилади. Қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун «Электрон ҳукумат» билан

мулоқотга киришганда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини белгилайди.

Давр шиддат билан ўзгариб бормоқда. Эндиликда вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолият натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этаётгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай давлат бошқаруви тизими қарор топди?*
2. *Ўзбекистонда давлат ҳокимияти қандай тамойилларга таянади?*
3. *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими қандай номланади?*
4. *2002 йил 27 январда ўтказилган референдум қандай масалага бағишланган?*
5. *«Референдум якунлари давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қачон қабул қилинган?*
6. *2011 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қайси тизимни демократлаштириш учун ҳуқуқий асос бўлди?*
7. *Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми қандай ҳолларда билдирилади?*
8. *Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантиришни кўзда тутувчи норманинг аҳамияти қандай?*

1.3. ЖАМОАТЧИЛИК БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Халқ билан самарали мулоқот механизмларини жорий қилиш. Юртимизда мустақиллик йилларида ҳар бир йилни маълум бир мақсадда алоҳида ном билан аташ анъанаси шаклланди. Шу анъанани давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Ш. Мирзиёев 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди. Бундан мақсад – мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, муносиб турмуш тарзи ва манфаатларини таъминлаш, бунда давлат идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очиқ мулоқотларни йўлга қўйишда янги, самарали восита ва усулларни жорий этиш, «Инсон манфаатлари – барча нарсадан устун» шиори остида иш олиб бориш ҳисобланади. Президент Ш. Мирзиёев давлат ва бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутасаддилари фаолиятига нисбатан таъкидлаганидек, *«Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди».*[1] Халқ қабулхоналарининг барча ҳудудларда иш бошлагани, халқ билан кенг миқёсда мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

> ***Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

PM.gov.uz портали – Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрга қадар Бош вазир) виртуал қабулхонасига жами келиб тушган мурожаатлар 2017 йил 24 январь ҳолатига кўра

[1] **Шавкат Мирзиёев.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

409 мингни ташкил этгани порталнинг жамият ҳаётида ўз ўрни борлигидан далолатдир.[1]

Ҳукуматнинг виртуал портали иш бошлагани, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида халқ қабулхоналарининг очилиши, 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиниши жамоатчилик назоратини кенг миқёсда ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратди.

Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир **Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори** лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши, шунингдек, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиши, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Агар парламентнинг халқ иродаси ва манфаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда қонунлар қабул қилиши энг асосий демократик қадриятлардан бири эканига эътибор берсак, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулоқотлари, жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларининг жонланишига кўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишига янада қулай шарт-шароитлар яратади. Чунки олий вакиллик органи депутати аввалambор ўз сайлов округидаги фуқароларнинг

[1] https://pm.gov.uz/uz/news/view?id=36

вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтақа маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг халқ ичида кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли, фуқаролик жамиятининг энг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, давлатни бошқаришда ҳукумат билан халқ орасидаги мулоқотни ташкил этиш, фуқароларни ташвишга солаётган, муаммолар туғдираётган саволларни вақтида ўрганиш ва уларни ҳал қилиш мақсадида 2017 йилги Давлат дастурининг биринчи галдаги вазифаларида самарали мулоқот механизмларини ташкил қилиш режалаштирилди ва бир вақтнинг ўзида бу режалар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир туман (шаҳар)да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ҳаракатлар стратегияси, 45-банд

Жойларда Халқ қабулхоналарини жорий этишнинг ташкилий-амалий, ҳуқуқий, моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, фуқаро мурожаатлари энг кўп кузатиладиган соҳалардаги бюрократик тўсиқларни ва муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши таъминланмоқда. Аҳолига талаб катта бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича бир муассаса орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шунга кўра давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ўрнини кенгайтириш, «Электрон ҳукумат» тизимини самарали ривожлантириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш. Мамлакатимизда жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилган. Ўзбекистонда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, жумладан, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жамоатчилик назоратининг шаклланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бир томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти ривожланиб борган сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имконият ва истиқболлар пайдо бўлади. Ривожланган ва кенг қулоч ёйган жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги ва қанчалик кенг тармоқ ёйгани, айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасидан гувоҳлик берувчи энг муҳим мезонлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ... давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 32-модда

Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишининг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва холис назоратни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, модернизация шароитида жамоатчилик назорати мазмунида муҳим ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Бу эса, фаолият субъекти бўлган ҳар бир шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш билан бирга, бошқалардан, давлат ҳокимияти органларидан уларнинг зиммасидаги мажбуриятларни, вазифаларни бажаришларини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув субъектларининг фаолиятини

мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, ҳуқуқий андозалар ёрдамида назорат қилади.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг зарурлигини буюк файласуфлар ҳам асослаб беришган. Масалан, Аристотель ўзининг асарларида халқнинг мансабдор шахслар ва ҳукмдорлар устидан назоратини давлатнинг сиёсий барқарорлиги ҳамда гуллаб-яшнашининг энг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблаган.

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Жамоатчилик назоратининг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг мавжуд қонунларга мослигини текширишдан иборат. Жамоатчилик назоратининг субъектлари касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, маҳалла ва бошқа жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг 2016 йил кузидан бошланган янги босқичи жамоатчилик назоратини ривожлантиришга янги талаблар қўйди ва айни пайтда янги имкониятлар ҳам очди. Жамоатчилик назорати олдига янги талаблар қўйилиши шу билан изоҳланадики, белгиланган янги вазифалар, Ҳаракатлар стратегиясини тўла амалга ошириш жамоатчилик назоратини кескин кучайтиришни тақозо этади. Иккинчи томондан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини янада ошириб юбормоқда.

Жамоатчилик назоратининг энг муҳим шартларидан ҳисобланадиган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ошкоралиги тўғрисида»ги қонун 2013 йилда қабул қилинган ва уни бажариш бўйича 2013–2014 йилларда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ўтказилган эксперимент ижобий натижалар берган бўлса, **Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси** бундай ошкораликни бутун мамлакат миқёсида таъминлаш учун асос яратди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчидан, давлат ўзининг бош бошқарув субъекти мақомини сақлаган ҳолда, жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янги асосга ўтказмоқда. Энди давлат ўзининг муайян функцияларини, бир қатор ваколатларини, ҳуқуқ ва ресурсларни жамоат ташкилотларига ўтказмоқда. Шу йўл билан давлат жамоат ташкилотларининг ўзини ўзи бошқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Иккинчи томондан, жамият жамоат ташкилотларини ривожлантириш орқали уларнинг улкан салоҳиятини мамлакатни бошқариш йўналишида фаоллаштирмоқда. Энди давлат фуқаролар билан муносабатларни янгича асосга ўтказиш учун янги типдаги муносабатлар, яъни шартнома ва бошқа муносабатларни сиёсий, маъмурий-буйруқбозлик муносабатлари ўрнига татбиқ этмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати ёрдамида давлат органларига халақит бермаган ҳолда давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштиришга, коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга, фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатлари бир томондан фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат шаклида бўлса, иккинчи томондан, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижтимоий шериклик шаклида ҳам бўлади. Бу икки шаклни танганинг икки томонига ўхшатиш мумкин.

Ижтимоий шериклик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг янги шакли бўлиб, у ривожланган мамлакатларда XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келди. Инсоният тарихида қилинган энг улкан ижтимоий ихтиролардан бири ижтимоий шерикликдир. Бу ихтиро кашф этилгунига қадар инсоният тарихида инсён ва қўзғолонлар, ижтимоий таранглик ва қонли оқибатлар билан тугаган ларзалар тез-тез юз бериб турди. Ижтимоий шериклик назариясининг вужудга келиши ва ижтимоий амалиётга татбиқ этилиши ларзаларнинг кескин камайишини таъминлади. Инсони-

ят тарихида ана шундай буюк роль ўйнаган назария мустақиллик қўлга киритилганидан кейин Ўзбекистонда ҳам жамият ҳаётига кенг татбиқ этила бошлади. У ҳаётга нафақат татбиқ этилди, балки унинг назарий асослари бойитилди ва амалий жиҳатлари ривожлантирилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурати тўғрисида сўз юритилар экан, жумладан, шундай дейилади: «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади».

Ижтимоий шерикликнинг назарий масалалари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қатор асарлари, нутқ ва мақолалари, хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида чуқурлаштирилган бўлса, бу борадаги амалиётнинг ривожлантирилиши уни мамлакатимизда амалга ошириш жараёни Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида юз берди. Юқорида келтирилган иқтибосда ижтимоий шерикликнинг моҳияти, мақсадлари, вазифалари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунида ижтимоий шерикликнинг субъектлари ва мақсадлари қуйидагича таърифланган: «Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир».

Ижтимоий шериклик мафкураси синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафкура эди. Бу мафкуранинг келиб чиқишига асосий сабаб меҳнат

соҳасидаги муносабатлар бўлиб, бу мафкура биринчи навбатда, меҳнат муносабатларини тартибга солиш мақсадида яратилди. Ижтимоий шериклик йўлини танлаган мамлакатларда синфий зиддиятлар туфайли келиб чиқадиган ижтимоий ларзалар сони кескин камайди, жамият тараққиёти учун кенгроқ имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб тараққиётнинг инқилобий эмас, тадрижий тамойилини танлади. Бу йўл ҳаётга ижтимоий шерикликни татбиқ қилишни тақозо этар эди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатларда ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари акс этди.

Мустақил мамлакатимиз фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйган экан, бу ҳолат ҳам ижтимоий шерикликни ҳаётга кенг татбиқ қилишни тақозо этади. Чунки ижтимоий шерикликсиз фуқаролик жамиятини қуриш хомхаёл бўлиб қолади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш мамлакатдаги давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамда турли миллатлар ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги шерикликка таяниб амалга оширилади. Ижтимоий шерикликка турлича ёндашувларни амалга ошираётган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси унинг асосий мақсади турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва муҳофаза қилиш эканини, шунингдек, долзарб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш, демократияни чуқурлаштиришга, ҳуқуқий давлат, очиқ демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш эканини эътироф этишади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунида давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида белгилаб қўйилган.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартидир. «Демократия» сўзи «халқ ҳокимияти» деган маънони англатади. Айнан фуқаролик жамияти инсонга у ҳокимият эгаси, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи эканини

> ***Фуқаролик жамияти – бу ўзини ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу.***
>
> **Ислом Каримов**

ҳис қилиш имконини беради. Демак, демократиянинг ривожи фуқаролик жамиятининг ҳам тараққий этишини тақозо этади.

Фуқаролик жамияти эркин фуқароларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш соҳаси бўлиб, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилот ва бирлашмалардан ташкил топади ҳамда давлатнинг аралашувидан холи бўлади. Ижтимоий ҳаракатлар, ОАВ, партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижодий уюшмалар – фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг асосий мақсади – инсоннинг турли манфаат ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг салоҳиятини юзага чиқаришдан иборат. Зеро, фуқаролик жамияти институтлари жамиятдаги айрим муаммоларни мустақил равишда, қонуний йўл билан, давлатнинг аралашувисиз ҳал қилишга қодир бўлади. Ўзини ўзи бошқариш ва қатъий интизом – фуқаролик жамиятининг пойдеворини ҳосил қилади. Инсон, унинг манфаатлари, шаъни ва қадр-қиммати фуқаролик жамиятининг олий қадриятлари сифатида тан олинади.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унинг давлат билан ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш лозим. Давлат тузилмаларида бир марказдан бошқариш, вертикал бўйсуниш муносабатлари амал қилса, фуқаролик жамиятида ўзаро тенгликка, ихтиёрийликка, шахсий ташаббусга асосланган горизонтал муносабатлар устувордир. Айни пайтда давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирига қарама-қарши бўлмай, бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам демократик давлатларда фуқаролик жамияти институтлари қонун доирасида қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг стратегик вазифа сифатида илгари сурилиши жамоатчилик

бошқаруви тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

> ***Ҳаракатлар стратегияси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондлари ташкил этилади.***
>
> **Давлат дастури, 49-банд**

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 49-банди Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Унинг ижроси ҳудудларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклик лойиҳалари бўйича тадбирларни амалга ошириш кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти онгли, фаол фуқаролар томонидан барпо этилади. Фаол фуқаролик позициясига эга инсон жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатади, уларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида мушоҳада юритади, мавжуд муаммоларнинг ечимини излайди. Бундай инсон фуқаролик масъулияти туйғусининг кучлилиги билан ажралиб туради. Фуқаролик жамияти институтларига аъзолик шахсий даромадни кўпайтиришга хизмат қилмайди. Чунки ташкилотнинг даромади унинг аъзолари ўртасида тақсимланмасдан, шу ташкилот фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

Фаол фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашади, ўз кучига ишонади, мавжуд вазиятни ўзгартиришга қодирлигини англайди. Бундай кўнгиллилар фаолияти умумжамоа манфаатига хизмат қилади. Лекин бундай имкониятлардан кимдир фойдаланиши, яна кимдир фойдаланмаслиги мумкин. Чунки, фуқаролик жамияти институтларига аъзолик ҳар кимнинг ўз ихтиёридадир. Шундай экан, нима инсонни жамоат ташкилотларига аъзо бўлишга ундайди, деган ҳақли савол туғилади. Булар – мавжуд вазиятни ўзгартириш истаги, жамиятдаги муаммоларни бартараф этишга бел боғлаш, бошқаларга наф келтириш хоҳиши, ватандошларга кўмаклашиш ҳиссидир. Бундан ташқари, ўз салоҳиятини намоён қилиш, бошқалар билан мулоқотга киришиш истаги, ижтимоий эътирофга эҳтиёж, профессионал ва ҳаётий тажрибани қўллаш хоҳиши, ўз ғояларини татбиқ этишга интилиш ҳам бундай кўнгилли фаолиятга чорлаши

Ҳаракатлар стратегиясининг ажралмас бир қисми бўлган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да Давлат дастури лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасида 1310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

мумкин. Бунда инсон ўз шахсий манфаатлари билан жамият манфаатларини уйғунлаштира олади. Бундай фаоллик инсоннинг ўзи учун ҳам, давлат учун ҳам улкан кўмак бўлади. Чунки инсон юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида пайқашда, уларнинг ечимини топишда, уларни ҳал қилишда давлатга ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик фикрини ифодалайди, жамоатчилик назоратини амалга оширади. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик давлатнинг асосий белгиси саналади. Бир томондан, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларни давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизми вазифасини ўтайди.

Жамоатчилик назорати қуйидагиларда намоён бўлади:

– давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш (ҳар бир фуқаро давлат идорасининг ҳужжати билан бемалол танишиши мумкин, фуқароларнинг мурожаатлари дарҳол кўриб чиқилиши ва уларга зудлик билан жавоб берилиши лозим);

– давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига юбориладиган петициялар;

– давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг бевосита қатнашиши (асосан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти орқали амалга оширилади);

– давлат сиёсатига таъсир ўтказувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий экспертизани амалга ошириш, таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш, публицистик асарлар чоп этиш, ижтимоий аудит);

– журналистик текширув;

– қонун лойиҳалари ва давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни ошкора муҳокама қилиш;

– қонунчилик ташаббуси билан чиқиш (унга кўра фуқаролар қонун лойиҳасини тегишли субъектларга тавсия этиш ҳуқуқига эга).

Жамоатчилик назорати жамиятдаги иллатларни бартараф этишда муҳим ўрин тутади, мавжуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали хизмат қилади. Жамоатчилик назоратида фаолиятнинг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, амалга оширилган назорат амалиётининг таъсирчанлиги муҳим ўрин тутади. Бу жиҳатдан жамоатчилик назорати жамиятда мавжуд муаммолар ва ўз ечимини кутаётган зиддиятлар ҳақида объектив маълумот олиш ҳамда уларнинг мақбул ечимини топишга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш. Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. 100дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Биргина сўнгги беш йилда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га

яқин низом қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ҳамда «Маҳалла» маърифий телерадиоканали ташкил этилди.

Ҳозирги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида охирги беш йил мобайнида фуқаролар йиғинларининг 1600 га яқин хизмат бинолари жорий, 367 таси капитал таъмирланди ва 350 дан зиёди реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар асосида 216 та бино янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 3 февралда имзоланган Фармонида маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш;

– жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

– ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

– жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига юридик шахс мақомини берган ҳолда уни фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклида ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тузилган кенгашларни эса Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этиш белгиланди.

Кенгашларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари эътиборига етказиш ва мазкур масалаларни ҳал этиш бўйича уларнинг бевосита иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишинча Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Кенгашлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида «Маҳалла» фондининг тегишинча республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига раислик қилишлари ҳақидаги ташаббус қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Фармонда ёшларни она Ватанга муҳаббат, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эса жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш назарда тутилди.

Бундан ташқари, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш

мақсадида кенгашлар коллегиал органлари таркибига тегишинча давлат ҳокимияти вакиллик органлари вакиллари, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбар ходимларини киритиш мўлжалланмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), ҳудуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳисобот тақдим қилишлари амалиётини жорий этиш белгилаб қўйилди.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш борасида 37 та аниқ тадбирни амалга оширишни назарда тутадиган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фармонни ижро этиш доирасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Шунингдек, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ҳамда молия ва соғлиқни сақлаш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини назарда тутадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимида ортиқча бўғинлардан воз кечиш мақсадида таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини маҳалла фуқаролар йиғинларига бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш мақсадида 2017–2021 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар асосида барпо этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилмоқда.

Фармонда ҳамда у билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш. Оммавий ахборот воситалари демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди. Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўғрисидаги ҳақиқат ифода этилиши мумкин. Бинобарин,

оммавий ахборот воситалари эркинлигини кафолатлаш ва шу орқали муаммоларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, одамларнинг эркин фикр билдиришлари учун кенг йўл очиб бериш жамиятни эркинлаштиришнинг асосий тамойилларидан ошидир. Оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилмас экан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари каби таъсирчан кучга айланмас экан, демократик ислоҳотларнинг кечиши қийинлашади.

> ***«Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир».***
>
> **Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни**

Шўролар даврида оммавий ахборот воситалари якка мафкурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилган. Оммавий ахборот воситалари яккаю ягона партия, яккаю ягона мафкура ва яккафикрлаш сиёсатининг тарғиботчиси эди. Чунки, «қизил империя» ҳар қандай плюрализмни, фикрлар хилма-хиллигини ва, айниқса, ғоялар хилма-хиллигини мутлако инкор қилар эди. Барча журналистлар «мутасадди раҳбарлар»нинг оғзини пойлаб, буйруғини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди.

Таъкидлаш жоизки, сўз эркинлигини бўғаётган давлат ўз илдизига болта ураётган, хавф-хатардан огоҳ этадиган жарчининг овозини бўғаётган, ўзини фикрсизлик, турғунлик ўпқонига – таназзулга судраётган бўлади. Демократик тузум эса халқнинг фикрига таянади, халқдан ҳимоя топади. Демократик давлатларда оммавий ахборот воситаларига кўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини «кўрикловчи кўппак», деб нисбат берадилар. Етакчи демократик давлатларда улар жамиятнинг «кўзлари», «қулоқлари» вазифасини бажаради. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган. Бу ўринда оммавий ахборот воситалари, бир томондан, мунозаралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан, фуқаролар учун холис ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар қилинди. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида», «Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Миллий матбуот маркази, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Бошқача айтганда, республикамизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг зарур ҳуқуқий базаси ва уларни эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш долзарб вазифага айланмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш – ислоҳотлар талаби бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқ. Булар: биринчидан, махсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитининг амал қилиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

Демак, аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши керак. Бу – улар давлатдан мутлақо мустақил бўлиб, алоҳида шахслар қўлига ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Гап мустақилликнинг энг юксак даражаси – ички мустақиллик ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллиги журналистлар ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришдаги мустақилликда намоён бўлади. Бунда журналистнинг маъмурий иммунитетга эга бўлиши назарда тутилади. Яъни, журналистнинг материал тайёрлашда ўз раҳбариятидан мустақил бўлиши ҳамда ўз ижод намуналари учун фақатгина унинг ўзи масъулиятли ва жавобгар бўлиши талаб этилади. Шундагина журналистнинг ижодий фаолиятини фақатгина оммавий ахборот воситалари

фаолиятига дахлдор қонунларгина чеклайди, холос. Иш жойида журналистларни фақатгина ижодий жараёнга алоқаси бўлмаган хатолари учунгина жазолаш мумкин бўлади. Ижодидаги хатолари – кимнингдир қадр-қимматини, шаънини поймол қилгани учун, бузғунчи ғояларни тарғиб қилгани ёки воқеа-ҳодисаларни бузиб талқин қилгани учун эса у фақат суд олдида жавоб беради. Шундагина журналистнинг ижодий салоҳияти тўла рўёбга чиқишига шароит яратилади, у профессионал мустақилликка эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократия тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти «ғоялар бозори»да ҳали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу «бозор» ҳар қандай ғоялар учун ҳам очиқ бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, ғайриинсоний табиатга эга фикрлар ва қўпорувчиликка чақирувчи ғояларга бу «бозор»да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровон қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу «бозор»да бемалол рақобат қила олади. Шундагина жамият ҳаётининг турли йўналишларида қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчилик механизмларини такомиллаштиришга, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва тўла-тўкис хабардор қилишга, давлат ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ишининг такомиллашишига, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиб, бу органлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда барча зарур шароитлар яратилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Халқ билан самарали мулоқот механизмлари Ҳаракатлар стратегиясининг қайси бандида ўз аксини топган?*
2. *«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилиши лозим?*
3. *«Жамоатчилик назорати»нинг зарурати нималарда кўрина ди?*
4. *Жамоатчилик назоратининг мақсади ва вазифалари нималар дан иборат?*
5. *Жамоатчилик назоратининг субъектлари тўғрисида нима ларни биласиз?*
6. *Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги жамоатчилик назорати самарадорлигининг муҳим шарти экани ҳақида нималарни биласиз?*
7. *2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиниши жамоатчилик назоратини кенг миқёсда ривожлантириш учун қандай имкониятлар яра тади?*
8. *Фуқаролик жамияти институтларига қандай жамоат таш килотлари ёки бирлашмалари киради?*

II боб.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СУДЛАРНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ, СУД ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Судьялар фаолиятининг тамойили «Судлар тўғрисида»ги қонун, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодексларида ўз ифодасини топган. Қайд этиш керакки, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳеч ким судьялар ва халқ маслаҳатчиларига тазйиқ ўтказиш ва маълум бир иш қандай ҳал қилиниши лозимлиги бўйича кўрсатма бериш ҳуқуқига эга эмас. Ишнинг холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш ёки ноқонуний қарор чиқаришга эришиш мақсадида судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ҳар қандай таъсир ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида судьялар мавқеини ошириш бўйича судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин эса умрбоқий муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш ҳамда суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатишга оид ваколатини тугатиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармонига кўра, амалдаги судья лавозими тугатилиб, судларнинг тузилмаларига судья ёрдамчиси, судья ёрдамчиси лавозимларининг киритили-

> ***Судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини, яъни туман ва вилоят судлари судья лавозимларини 65 ёшгача, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари судья лавозимларини – 70 ёшгача белгилаш кўзда тутилади.***
>
> **Ҳаракатлар стратегияси, 60-банд**

ши келгусида судьяларни одил судлов билан бевосита боғлиқ бўлмаган вазифалардан озод қилишга ҳамда судьялар захирасининг шаклланишига хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу фармонга асосан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг олий органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг асосий вазифалари сифатида судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, раҳбарлик даражасидаги судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар бериш ва бошқа муҳим вазифалар белгиланди.[1]

Шунингдек, судьяларнинг алоҳида мақомини инобатга олган ҳолда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормалари ва пенсия таъминоти механизмини белгилаш, шу жумладан, судлар фаолиятини фақат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини, ҳар йили республика бюджетида конунчилик ва ижро ҳокимияти органларидан ажратилган ҳолда алоҳида қаторда белгилаш тизими жорий этилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сони.

Суд ҳокимияти – суд томонидан процессуал қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда, процессуал ва моддий ҳуқуқни қўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган ҳокимият ваколатидир.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд ҳимоясининг самарадорлигини ошириш мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, судларни ҳар томонлама мустақил, ўзини ўзи моддий-техник жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш даражасига кўтаришни назарда тутади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди тасарруфига ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди, уларнинг штат бирликлари тасдиқланди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Умумий юрисдикция судларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича судлар учун хоналар ёки алоҳида суд зали биноларини ажратиш ва сотиб олиш, капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш, умумий юрисдикция судларини мебель жиҳозлари (столлар, стуллар, шкафлар, сейфлар, видео-камера), оргтехника (шахсий компьютерлар, факслар, нусха кўчирувчи машиналар, принтер – кўп функцияли қурилма, телекоммуникация ва алоқа воситалари) билан таъминлаш, судьялар учун автотранспорт сотиб олиш назарда тутилади.

Судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш. Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Шавкат Мирзиёев

мустақиллигини мустаҳкамлаш, судни ҳокимиятнинг холис, мустақил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида 2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасидан келиб чиққан ҳолда, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳуқуқ Ўзбекистон қўшилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини кучайтириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш

борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850 сон ҳамда 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966 сон Фармонларининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик принципи судларга ҳуқуқ бериш билан бирга улардан суд муҳокамасини адолатли ўтказишни ҳамда тарафларнинг ҳуқуқларига риоя қилишни талаб этади.

Ҳалқаро қонунчиликка асосан судьяларнинг дахлсизлиги суд мустақиллигининг муҳим кафолатидир, дахлсизлик қонунга мувофиқ уларнинг тураржойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли нарсалар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилинишининг тақиқланиши судьялар мустақиллиги, уларнинг беғаразлиги ва холислигининг энг муҳим кафолатидир.

Бундан ташқари, судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари «Судлар тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган. Қонуннинг 67-моддасига кўра:

уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

уларнинг дахлсизлиги;

карор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш таъминланади.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 69-моддасига мувофиқ судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир ўтказиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар берилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Халқаро ҳужжатларда суд мустақиллигининг асосан тўртта элементи – ваколат муддати, ташқи таъсирга қарши кафолатларнинг мавжудлиги (хусусан, бюджет масалаларида), суд органларининг мустақил ва холис орган сифатида қабул қилиниши ажратиб кўрсатилади.

Хусусан, ГФРда судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, асосан, 1961 йили кучга кирган, 1972 йили ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган «Судьялар тўғрисида»ги Федерал қонун билан тартибга солинган. Мазкур қонунга мувофиқ судья оддий амалдорлар қаторига кирмайди, балки давлат билан ўзига хос муносабатда бўладиган шахс ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий мақомга эга бўлиш уларнинг мустақиллигини давлат амалдорларининг ғайриҳуқуқий таъсиридан муайян даражада кафолатлайди.

Судья суд ҳокимиятининг шаъни ва мустақиллигини мўътабар тутиши, ҳалол ва беғараз бўлиши, қонунга риоя этиши ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ҳар қандай ноҳўя ҳаракатлар ёки шундай бўлиб кўриниши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши, ўзининг судьялик лавозими нуфузидан шахсий манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланишдан ўзини сақлаши, ҳуқуқ соҳасида ўзининг касб малакасини ошириб бориши, суд жараёнида тарафларга сабр-тоқатлилигини ва обрўсини кўрсатиши, шахсий ҳаётда юксак ахлоқий қоидаларга амал қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими самарадорлигини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармонига мувофиқ судьялар ҳамжамиятининг олий органи ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашилган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга хизмат қилди. Суд тизимини демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, судларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга оширишга қаратилган зарурий ҳуқуқий база яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–2682-сон Фармонига мувофиқ 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб мавжуд умумий юрисдикция судларининг ўрнида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилинди.

Умумий юрисдикция судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–3400-сон фармони қабул қилиниб, умумий юрисдикция судларининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг янгиланган тузилиши тасдиқланди.

Шунингдек, 2013 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4570-сон Фармони асосида қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) суди тузилиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди.

Бундан ташқари, хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва уларнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–4214-сон Фармони қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг тузилмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди ҳамда бюджет ҳисобидан таъминланадиган 124 та судья (раис ва раис ўринбосарлари билан бирга) штат бирлиги ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасида давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, судларни янада ихтисослаштириш, шу жумладан илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш бўйича зарур вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Давлат дастурининг 58-бандида судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш бўйича хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш, судлар тизимида судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш бўйича таклифлар тайёрлаш (асосан умумий штат бирлиги доирасида) билан боғлиқ зарур вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармони қабул қилингани суд тизими тузилмасини тубдан ислоҳ этишга, улар фаолияти самарадорлигини оширишга, судларни ихтисослаштиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш; оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни

кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг кўриқлаш взводини тугатиш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликларини судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми, шу жумладан ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва афзалликлар сақланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъатини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартириш; ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларини ташкил этиш; амалдаги суд мажлиси котиби лавозимини тугатиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимларини киритиш маъқулланди.

Бу, ўз навбатида, келгусида фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ихтисослаштирилган судлар томонидан ҳимоя қилинишига, уларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишда қулайликлар яратилишига, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини янада ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш. Ўзбекистон Республикасининг «Суд лар тўғрисида»ги Қонунининг 67-моддасига кўра судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда, уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш тартиб

масаласи алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ бу тартиб-тамойилни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингунга қадар вилоят судьялари ва уларга тенглаштирилган судларнинг судьялари ҳамда туман судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири тақдимига асосан тегишли вилоят халқ депутатлари кенгашлари томонидан сайланар эди. Конституция қабул қилинганидан сўнг бу тартиб ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳозирги вақтда эса Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши тартиби жорий этилди. Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Барча судьяларнинг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган.

Судьяларнинг ваколат муддати нисбатан қисқа эканлиги амалиётда судьяларнинг мустақиллигига зарар етказиш эҳтимолини кучайтиради. Шундай ҳолатлар бўладики, судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажаришга принципиал ёндашуви субъектив баҳоланиши учун помзодининг кейинги муддатга кўрсатилмай қолишига олиб келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили — Давлат дастурининг 2.1-бандида бошқа масалалар қатори судьяларнинг мустақиллиги ва беғаразлиги принципининг сўзсиз амал қилишини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусан, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 2.1-йўналишида судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба 5 йиллик, кейин 10 йиллик

муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш назарда тутилган. Бу тадбирнинг амалга оширилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида етук, ўз бурчига садоқатли профессионал судьялар корпусини шакллантириш ва судьялар фаолиятини ҳокимиятнинг бошқа органлари таъсиридан холи қилиш манфаатларига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, суд ишларининг мустақил ва беғараз судья томонидан кўриб чиқилишини, ишларнинг адолатли ва холисона ҳал қилинишини таъминлайди.

Давлат дастурида назарда тутилганидек, судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини белгилаш суд тизимида катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга бўлган судьяларни сақлаб қолиш ва уларнинг салоҳиятидан ёш судьяларни тарбиялаш ҳамда касбга ўргатиш жараёнида кенг фойдаланиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини янада кўтариш ва суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси негизида суд ҳокимияти органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил қилиш бу кенгаш фаолиятида судьяларнинг фаол иштирок этиши, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш манфаатларига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш борасидаги суд раислари ваколатларининг бекор қилинишига олиб келиб, натижада судьянинг суд раислари тазйиқисиз ишларни ҳал қилиши ва муайян ишларни мазмунан кўриб чиқишда чинакам мустақил бўлишига олиб келади.

Қисқача айтганда, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши судьяларнинг мустақиллиги ва беғаразлигини таъминлаш баробарида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради, одил судловни амалга оширишдан кўзланган мақсадларга эришиш имкониятларини кенгайтиради.

Одил судловнинг энг долзарб масалаларидан бири суд процессида иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги ва тортишув при

ципининг амал қилишини таъминлашдир. Бу борада ҳам Давлат дастурида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Хусусан, адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг барча босқичида кенгайтириш, шу жумладан, адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ташаббуси механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Дарҳақиқат, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг қатор нормаларига кўра, жиноят ишини кўришда процессда иштирок этаётган прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаролик даъвогари ҳамда жавобгарининг вакилларидан фарқли равишда адвокат далил тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас. Адвокат фақат далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни тўплашга ва тақдим этишга ҳақли. Адвокатга далил тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқининг берилиши унинг ҳуқуқларини ишда иштирок этувчи бошқа тарафлар билан тенглаштириш баробарида унга ўз ҳимоясида бўлган шахснинг ҳуқуқий эркинлиги ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш имконини беради.

Суриштирув ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органларидан ва ташкилотлардан маълумотлар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот ва маслаҳатларини олиш тартибининг такомиллашуви адвокатга ўзига юклатилган вазифани самарали амалга ошириш, ўз ҳимоясида бўлган шахс ёки ишонч билдирувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган барча воситаларидан фойдаланиши учун шарт-шароит яратади.

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш. «Хабеас корпус акт» юридик қоидаси дастлаб XV асрда Буюк Британияда шакллантирилган бўлиб, кейинчалик ўз тараққиёти жараёнида Англия Парламенти томонидан 1679 йил 26 майда қабул қилинган қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Шуни айтиш керакки, «Хабеас корпус» институти инсон ҳуқуқи билан боғлиқ қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 9-моддасида «ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали

берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга» эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

«Хабеас корпус» институтининг Ўзбекистон Республикаси жиноятларни кўриб чиқиш процессига босқичма-босқич жорий қилиниши судга қадар иш юритишда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини мустаҳкамловчи конституциявий принципни тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

Кейинги 10 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги мажбурлов чораларини қўллашнинг суд тартиби жорий қилинди. Кўрсатилган процессуал мажбурлов чораларини суд тартибида қўллаш белгиланиши суриштирув ва дастлабки тергов ишларини юритиш устидан суд назоратини кучайтирди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди»[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан

[1] **Ислом Каримов.** Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 24-бет.

белгиланган комплекс чора-тадбирлар дастурида «Хабеас корпус» институтини қўллаш доирасини кенгайтириш ва тергов иши юритишни устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун сабабни асосли ҳуқуқини судларга ўтказиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ёзишмалар сирини ошкор қилиши мумкин эмас». Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш процессуал мажбурлов чорасини қўллашнинг суд тартиби ўрнатилиши фуқароларнинг кўрсатилган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириб, судга қадар иш юритиш босқичида қонунда назарда тутилмаган асослар бўйича фуқароларнинг ёзишмаларини сирини ошкор қилинишининг олдини олади. Хатлаб қўйилиши мумкин бўлган почта-телеграф жўнатмаларига барча турдаги хат-хабар, телеграммалар, радиограммалар, бандероллар, посилкалар, почта контейнерлари киради.

Мурдани эксгумация қилиш энг нозик ҳаракатлардан бири бўлиб, у мурдани кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган тақдирда ўтказилади. Бу ҳаракатни ўтказишга асосланган марҳумнинг яқинлари рози бўлмаслиги, эксгумация қилишга розилигисиз ўтказилганда уларга сезиларли маънавий зарар етказилиб, турли низоли ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Бу тергов ҳаракатини суднинг рухсати билан ўтказилиш тартиби белгиланиши эксгумация фақат зарур ҳоллардагина ўтказилишини таъминлаш билан бир қаторда марҳумнинг яқинлари ҳуқуқларини кафолатлайди ва турли низоларнинг олдини олади.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш. Ҳозирги кунда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш очиқ судлов кафолати ҳисобланади.

Дарҳақиқат, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд

тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони[1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 346-сон Қарори[2] қабул қилиниши суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этишда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб хўжалик судларига ҳамда 2015 йилдан эътиборан фуқаролик судларига мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилди.

Бироқ, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишларни етарли деб бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон[1], 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон фармонларининг қабул

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4459-сон Фармони // «Халқ сўзи», 2012 йил 3 август, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 31-сон, 355-модда.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 346-сон Қарори // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 50-сон, 560-модда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й., 209 (6644)-сон.

[illegible]ишини[1] судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий этишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам 2017 йил 3-чоракда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди:

– Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш. Бу, ўз навбатида, ишларнинг судьялар ўртасида тенг ва холисона тақсимланиши, айни пайтда ушбу ишга сарфланадиган вақтини сарфловчи суд раисининг вақтини тежаш имконини беради. Ушбу тизим айни вақтда Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳрида Зангиота туманлараро судида йўлга қўйилган бўлиб, унинг ижобий самарасини бермоқда. Олдимизда турган асосий вазифалардан бири эса ушбу тизимни республикамиз миқёсида жорий қилишдан иборат.

– Судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш. Сўнгги йилларда фуқаролик ва хўжалик судларига ахборот тизими орқали электрон шаклда мурожаат қилиш ва хўжалик судлари мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имкони яратилгани бу борада ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин замонавий ахборот-коммуникацион технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани ҳамда рақобатбардошлик ҳажмининг юқорилиги судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини янда кенг жорий этишни талаб этмоқда. Бу ҳолатда судга мурожаат келиб тушганидан токи ҳужжат асосида қарор қабул қилиниб ижрога етиб боргунча бўлган барча жараёнларни автоматлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса суд-

[illegible]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ларда электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш орқали амалга оширилади.

3. Суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилган ишлардан ташқари). Ушбу ишлар, табиийки, барча суд қарорларининг электрон базаси шаклланишига, йиллар давомида унинг тўлиқ сақланишига, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан суд қарорларининг чоп этилиши эса аҳолининг суд қарорлари билан танишиб боришида, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, турли қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишда, айниқса, жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармонида белгиланган вазифалар бўйича келгусида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш:

1) судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди;

2) судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради;

3) судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

4) фуқаролар ва ташкилотларнинг электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятини яратиб, уларга ортиқча харажатлар сарфлашнинг олдини олади;

5) электрон воситалар орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-харбарларни юбориш имкониятини яратади;

6) суд ишини юритуви билан боғлиқ почта харажатлари ва бошқа харажатларни қисқартиради;

7) суд ишини юритувини электрон шаклда олиб бориш суд қарорлари ва бошқа керакли ҳужжатларни дарҳол қабул қилиш ёки олиш имконини беради, шунингдек, судларда қоғозсиз ҳужжат айланишини жорий этишга олиб келади.

8) суд ишини юритувида электрон архивлаш тизимини йўлга қўйиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш нафақат суд органлари фаолияти самарадорлигининг ошишига, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган одил судловнинг ошкоралиги ва ҳамма учун очиқлиги принципларини ҳамда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлигини амалда таъминлашга, фуқароларнинг судлар томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотларни хабардор бўлиб боришига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари қисқа муддатларда судлар томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ихтисослашувини янада такомиллаштиришнинг янги босқичида қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда?*
2. *Суд тизимида бўғин ва инстанция тушунчаларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади?*
3. *Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципини судьяларнинг мустақиллиги билан боғлаб тушунтиринг.*
4. *Судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказганлик учун жавобгарликнинг мазмунини ёритиб беринг.*
5. *Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иқтисодий судларнинг ташкил этилиши қандай аҳамиятга эга.*
6. *Маъмурий судларни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб беринг.*

2.2. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш. Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш борасида салмоқли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ушбу ҳаракатларнинг муҳим йўналиши сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди ва ушбу йилнинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди[1].

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йилнинг 24 сентябридан бошлаб дастлаб Бош вазир, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур қабулхонага қилинган мурожаатлар ва уларнинг тезкор ва сифатли ҳал этилиши жамиятимизда шу пайтгача учраб турган мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига кескин чек қўйилди, десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Чунки, қисқа давр ичида мамлакатимиз ҳудудининг энг олис жойларидан тортиб, пойтахтимиз Тошкент шаҳригача турли-туман масалаларда йиғилиб қолган муаммолар тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Фикримизни қуйидаги рақамлар ҳам

[1] **Шавкат Мирзиёев**. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

тасдиқлайди, хусусан, 2017 йилнинг 20 февралига қадар Виртуал қабулхонага жами 509122 та мурожаат қилинган ва бугунги кунда ушбу мурожаатлардан 436408 таси кўриб чиқилган.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ана шундай масалаларни ҳал этишнинг замонавий усулларини ҳаётимизга татбиқ этишни назарда тутиши билан аҳамиятли.[2]

Шу мақсадда фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, бу аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини беради, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимликлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмини яратишга асос бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя этиш имкониятлари кенгаяди. Мурожаатлар билан ишлаш сифати янги боскичга кўтарилади. Мурожаатларни эътиборсиз қолдириш, уларнинг «йўқолиб» қолиши, сансалорлик, мурожаатни куйи идораларга қайтариб юбориш ва бошқа шу каби ҳолатларнинг олди олинади.

Жойларда, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Президент девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратишда

[1] https://pm.gov.uz/uz

[2] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда.

> ***Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчаларда қуйидагилар назарда тутилади:***
>
> ***мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг интерактив усулларини кенгайтириш;***
>
> ***мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини нашр этиб бориш;***
>
> ***такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, фуқароларни сайёр қабул қилиш хусусиятлари;***
>
> ***видеоконференцалоқа ёрдамида фуқароларни масофавий қабул қилишни ташкил этиш;***
>
> ***«Халқ қабулхонаси» институтининг умумий қоидаларини белгилаш;***
>
> ***«Ишонч телефонлари» орқали мурожаатни қабул қилиш, кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари.***
>
> **Ҳаракатлар стратегияси, 66-банд**

муҳим аҳамият касб этади. Бунда мурожаатларни қонунчилик доирасида тўлиқ кўриб чиқиш, холисликка амал қилиш ва ўз вақтида қаноатлантириш белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралидаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам фуқароларнинг мурожаатларига катта эътибор қаратилган бўлиб, ушбу масала бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

Биринчидан, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш мақсадида 2017 йилнинг II чорагидаёқ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Иккинчидан, 2017 йилнинг I чорагида барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш назарда тутилган. Ҳозирда уларнинг аксарияти виртуал қабулхоналар ташкил этиб, аллақачон ўз фаолиятини бошлаб юборган.

Учинчидан, ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мурожаатлар билан

ишлаш бўйича алоҳида бўлим (бўлинма, гуруҳ) ташкил этиш ва давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутадиган Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Тўртинчидан, мурожаатларнинг келиб тушиш манзили, қуйи тизимларга юборилганлиги, уларнинг мазмуни, тури ва кўтарилган масалалар классификацияси ҳамда такрорий ва аноним мурожаатлар ҳисоби, кўриб чиқиш натижаси, белгиланган тартиб ва муддатларга риоя қилиниши, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари бўйича таҳлиллар олиб бориш мақсадида **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари масъул ижрочилар ва соҳалар бўйича тақсимланиши ҳамда тизимлаштирилишини назарда тутувчи мурожаатларнинг ягона классификатори»**ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, мурожаатларни рўйхатга олиш тизими бўйича ягона электрон дастурни татбиқ этиш кўзда тутилган.

Бешинчидан, аҳолига ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб боришни фаоллаштириш, ҳуқуқий маслаҳатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кенг тарғиб қилиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари веб-сайтлари орқали ўз соҳа фаолиятининг йўналишлари бўйича «Онлайн маслаҳат» рукнини ташкил этиш белгиланган.

Олтинчидан, фуқароларнинг мурожаатлари энг кўп тушадиган соҳалар, улардаги тўсиқлар, фуқароларни ўйлантирадиган бошқа эҳтиёжларни аниқлаш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органларида мурожаатлар билан ишлаш аҳволини ҳар чоракда умумлаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти бўйича аҳолининг фикрини ўрганиш, ижтимоий сўров ўтказиш, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш тартибини киритиш назарда тутилган.

Юқоридаги чора-тадбирлар фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шу-

нингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий асосларнинг яратилиши мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтиради, аҳолининг адолат қарор топишига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, амалдаги қонунчиликка ҳурмати ошишига хизмат қилади.

Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш демократик давлатни барпо этишдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйган ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44-моддасида фуқароларнинг одил судловга бўлган ажралмас конституциявий ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир шахс учун ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги Қонунлар ҳамда суд ишларини юритишга доир янги процессуал қонунчиликнинг қабул қилингани фуқароларнинг юқорида қайд этилган ҳуқуқининг рўёбга чиқишида катта аҳамият касб этиб келмоқда.

Бугун замоннинг ўзи давлатимиз олдига нафақат суд, шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар фаолиятида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада самарали таъминлаш вазифасини кучайтириш талабини қўймоқда.

Жумладан, давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида жисмоний ва

юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш белгиланган.[1]

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба бундай кенг кўламда, янги форматда жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

Биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи миқдорини камайтириш.

Маълумки, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар адолат кутиб фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қиладилар. Аммо ўрнатилган давлат божи ставкалари даъвогар жисмоний ва юридик шахслардан катта миқдордаги давлат божини тўлашни талаб этади. Улар бундай имкониятга эга бўлмаган тақдирда кўпинча одил судга мурожаат этишда муайян қийинчиликларга дуч келишади. Бу борада давлат божини камайтиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарорининг истиқболда қабул қилиниши фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат қилиш имконини янада кенгайтиради. Пировард натижада низоларнинг суд жараёнига қадар етиб бориши уларнинг адолатли ҳал этилишига хизмат қилади ҳамда давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигининг амалда таъминланишига эришилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й., 209 (6644)-сон.

> ***«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси.***
>
> ***Электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.***
>
> **Ҳаракатлар стратегияси, 77-банд**

Иккинчидан, электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва глобал интернет тармоғининг кун сайин такомиллашиб ҳамда оммалашиб бориши одил судловни юритишнинг электрон шаклларидан кенг тарзда фойдаланиш суд процесси тарафлари учун ҳар томонлама қулайликларни яратади.

Бу орқали одил судловни олиб боришда самарадорликнинг ортишига ва процессуал иштирокчилар ўртасида сансалорлик натижасида ортиқча харажатларнинг бартараф этилишига эришилади.

Учинчидан, судлар фаолиятига оид маълумот билан фуқароларни таъминлашни назарда тутувчи «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Қонунчиликка киритиладиган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар орқали суд органлари фаолияти тизимига оид маълумотлар ҳамда суд ҳужжатларининг ошкоралигини таъминлаш орқали судлар фаолиятининг шаффофлиги таъминланади. Бунинг натижасида халқнинг судларга бўлган ишончи ва ҳурмати ортади. Судларга нисбатан жазоловчи орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида муносабатда бўлинишига эришилади.

Шунингдек, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-моддасида мустаҳкамланган фуқароларнинг ўзлари истаган

ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш сингари конституциявий ҳуқуқларидан суд органлари фаолиятига нисбатан фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 30-моддасида назарда тутилган фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқларидан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг иккинчи йўналишида Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам назарда тутилганидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», – деб белгиланган.

Хусусий мулк бозор иқтисодиётининг таянчи экан, Асосий қонунимизда назарда тутилган мазкур нормани амалиётга самарали татбиқ этиш мақсадида мамлакатимизда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг яратилишига катта эътибор қаратилди. Бу борада мулкчиликнинг турли шаклларини ўзида белгилаб берган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид асосий ғояларни ўзида акс эттирган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун, мулкчилик муносабатларини турли жиҳатдан тавсифлаб берилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Конституцияси, 53-модда

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда хусусий мулк ҳимоясига оид қонунчиликни янги босқичга кўтарди. Хусусан, қонуннинг 17-моддасида «Хусусий мулк бўлган молмулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади», 24-моддага кўра эса «Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди», деб белгилаб қўйилиши хусусий мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда муҳим роль ўйнади.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4725-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–391-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4848-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар кабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–418-сон Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айни мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Ислом Каримов

Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хусусий мулкдан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиши, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирги пайтда ўз ечимини топаётган масалаларни ҳал этишимиз лозим. Дастурда бу борада бир қатор масалаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Хусусан, қонунчилигимизга мувофиқ, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилганида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предметининг мусодара этилиши билан боғлиқ қоидалар мавжуд. Мазкур қоидани амалиётда қўллаш жараёнида айрим ҳолатларда жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка алоқадор бўлмаган ёки айби бўлмаган мулкдорнинг мулклари мусодара этилиши ҳоллари учрамоқда. Бунда фуқароларнинг хусусий мулкка нисбатан ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳоллари юзага келмоқда.

Шу жиҳатдан Дастурда, жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вактинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлашга оид нормаларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида «жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади» деган қоида мавжуд.

Мазкур кодекснинг 203[1]-моддасига асосан, «Ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек, жиноий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят куролидир».

Бу жиноят қуролига берилган кенг таъриф бўлиб, ҳар қандай жиноят қуролини мусодара қилиш шартлиги ҳақидаги жиноят ва жиноят-процессуал қоидалар хусусий мулкка оид қоидаларга номутаносибдир. Хусусан, шахс бошқа шахслар мулкидан фойдаланишини назарда тутувчи битимлар тузган (ижара, текин фойдаланишга оид битимлар) ҳолда мулкка эгалик қилаётган ва ушбу мулкни жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик қуроли сифатида ишлатган вазиятларда мазкур мулкнинг мусодара қилиниш ҳоллари учрамоқда. Бундай вазиятда жиноятга ёки ҳуқуқбузарликка мутлақо алоқаси бўлмаган шахснинг мулкий ҳуқуқлари бузилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вақтинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида жиноятга ёки ҳуқуқбузарликка алоқаси бўлмаган шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари поймол этилиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Дастурнинг мазкур йўналишида назарда тутилган масалалардан яна бири Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ айрим ҳолатларга бағишланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2 минг баробаридан кам бўлмаган, норезидентлар томонидан қиймати 100 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган янги қурилган кўчмас мулкни Тошкент шаҳри ва вилоятида сотиб олганлик учун 5–10 фоиз миқдорда давлат божи тўлаган ҳолда кўчмас мулкни эркин сотиб олиш ва эгалик қилишга оид нормаларнинг ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтишнинг алоҳида тартиби мавжудлиги ҳам мазкур ҳудудларда фуқароларимизнинг кўчмас мулк сотиб олишларида сунъий тўсиқларни юзага келтирмоқда. Аҳолининг мазкур

ҳудудлардан кўчмас мулк сотиб олишга қобилиятли қатлами учун қарор шароитларни яратиш лозим.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири шуки, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмаган шахсларнинг кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга эмаслиги сабабли бундай шахслар томонидан кўчмас мулк олди-сотди шартномасида назарда тутилган мулкнинг ҳақи аслида улар томонидан тўланса-да, шартномада сотиб олувчи сифатида доимий рўйхатда турган бошқа шахслар расмийлаштирилиши ҳоллари учрамоқда. Бу амалда сотиб олинган кўчмас мулкнинг ҳақини тўлаган шахс бошқа-ю, ушбу мулкка бошқа шахс қонуний эга, мулкдор бўлиб қолишига олиб келяпти. Келажакда низо келиб чиққан тақдирда эса кўчмас мулкка оид ҳужжатларда номи қайд этилган шахсга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмоқда. Шунингдек, кўчмас мулкнинг қонуний эгалари томонидан мулкнинг ҳақиқий эгаларига ошкормасдан мулкнинг сотиб юборилиши, ижарага берилиши ва гаровга қўйилиши амалиётда катта муаммо ва низоларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, кўчмас мулк билан боғлиқ турли тўловларнинг тўланишига оид тушунмовчиликларнинг юзага келаётгани ҳам маълум. Амалда «мулкдорлик ҳисси»га эга бўлмаган, фақатгина ҳужжатда мавжуд «эга» томонидан кўчмас мулкка оид тўловларнинг тўланмаслиги ёки мулкнинг қаровсиз қолдирилиши давлат бюджетига ва жамиятга зарар етказмоқда.

Дастурга мувофиқ, санаб ўтилган масалаларни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлашга, Тошкент шаҳри ва вилоятида уй-жой қуриш соҳасининг жадал ривожланишига хизмат қилади.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар натижасида суд қарорларини ижро этиш соҳаси ривожлангани ва янада такомиллашиб бораётганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бу борада 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун-

нинг қабул қилиниши мамлакатимизда суд тизимини янада ислоҳ қилиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда суд қарорларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида 2009 йил 15 январдаги «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга асосан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1900-сон қарори қабул қилиниши ўз навбатида суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш тизими такомиллаштирилишига олиб келди.

Бироқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини оширишда ушбу қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етарли деб бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон[1] фармонининг қабул қилиниши, суд

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й., 209 (6644)-сон.

ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллади. Мазкур фармон билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг еттинчи устувор йўналиши «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш»га бағишланиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг *Фуқаролик процессуал* ва *Хўжалик процессуал кодексларига* келгусида:

давлат фойдасига мулкий ундирувлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда судьяларнинг даъвони таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини;

суд ҳал қилув қарорининг ижро этиш тартиби ва усулини белгилаш қисмида суд ҳал қилув қарорига қўйиладиган, унинг тўғридан тўғри амал қилишини таъминлайдиган талабларни;

судлар томонидан ижро ҳужжатларини юбориш муддатларини;

давлат бюджетига ундирувлар бўйича ижро варақаларини фақат суд ижрочиларига беришни назарда тутадиган ягона тартибни;

суд ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини тушунтириш, ўзгартириш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, иш юритишни тўхтатиб туриш, ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш тартибини белгилаш йўли билан ижро ишини юритиш устидан суд назорати механизмларини (кўриб чиқиш муддатлари, суд таркиби, суд муҳокамаси тартиби, чиқариладиган ҳал қилув қарорининг шакли);

суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб ижро этиш асослари ва уларнинг энг кўп муддатларини;

коммунал қарздорлик бўйича суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг кенгайтирилган рўйхатини (қарзни узиш тўғрисидаги талаб, коммунал тармоқдан узиб қўйиш далолатномаси, истеъмолчи билан тузилган шартнома, қарздор томонидан эътироф этилган қарздорлик ҳисоб-китоби, кўчмас мулк эгаси тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар);

хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорларини эътироф этиш ва ижро этишнинг аниқ процессуал тартибини (судловга тегишлилик, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, суд муҳокамаси

тартиби, қарорни эътироф этиш ва унинг ижросини рад этиш асослари) назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур комплекс чора-тадбирларда суд ижрочиларининг штат бирлигини кўпайтириш ва эришган натижаларини ҳисобга олган ҳолда шахсий мукофотлаш тартибини жорий қилиш орқали уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш даражасини ошириш, суд ижрочилари учун хизмат кийими ва транспорт намуналарини тасдиқлаш каби муҳим вазифалар амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони[1] ҳамда ушбу фармон билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб қўйилди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегияси асосида келгусида суд ижрочиларининг штат бирлигини кўпайтириш ва суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада суд ижрочилари сонини ошириш ва уларни эришган натижаларини ҳисобга олган ҳолда шахсий мукофотлаш тартибини жорий қилиш орқали уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш жорий этилади.

Чунки, суд ижрочиси касбининг нуфузи, обрўси кўтарилмас экан, бошқа ҳеч қандай чора-тадбир суд ва бошқа орган ҳужжатларининг тўлиқ ва самарали ижро этилишига ҳисса қўшолмайди. Юридик адабиётларда ҳам суд ҳужжатларини лозим даражада ижро этилмаслигининг асосий сабабларидан бири сифатида суд ижрочиларининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ижтимоий ва иқтисодий таъминоти яхши йўлга қўйилмаганлиги, рағбатлантирувчи омилнинг мавжуд эмаслиги ҳамда ваколатларининг чекланганлиги ҳамда бунинг натижасида суд ижрочиларининг ўртача ишлаш муддати, яъни бир иш жойидан иккинчи жойга кўчиб юриш ҳолатлари тез-тез кузатилаётганлиги кўрсатилади[1].

Таъкидлаш керакки, юқорида таъкидланганидек, суд қарорларининг ўз вақтида самарали ижро этилишида суд ижрочилари ўзига хос ўринга эга. Шунинг учун ҳам суд ижрочиларининг мавқеини кўтариш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давр талабига айланмоқда. Келгусида суд ижрочилари суд ҳужжатларининг ўз вақтида, тезкор ва сифатли ижро этилишидан тўлиқ манфаатдор бўлишини таъминлаш мақсадида уларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, ижро ишларининг тезкорлигини таъминлаш мақсадида Ижро департаменти тизимларида штат бирлигини кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга уларни ижрога юбориш муддатларини ҳам аниқлаштириш катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш давр талабидир.

Ҳозирги вақтда суд ҳужжатлари ижрога юборилганидан сўнг унинг ижроси қандай бўлди, ижро этилганми ёки йўқми, ижро ишлаб чиқаришдими ёки тўхтатилдими, деган масала ҳам долзарб ҳисобланади. Шу сабабли суд қарорларининг ижросини таъминлаш, ҳосил қилинган ишончни мустаҳкамлаш мақсадида келгусида ижро ишлари устидан қаттиқ суд назорати амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, судьяларнинг ҳам ўзлари чиқарган қарорлари ижроси таъминланишини устидан масъулиятини оширади.

Фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

[1] **М. Мусин.** Вопросы совершенствования исполнительного производства в Республике Казахстан // http://www. supcourt.kz/site/supcourt.nsf/.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Демак, судлар манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Судлар тўғрисида»ги қонунда ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш учун уларга қуйидаги имкониятлар берилиши керак:

суд харажатларининг кўп бўлмаслиги;

суд томонидан давлат божи тўлашдан озод қилиниши ёки уларни тўлашнинг кечиктирилиши;

малакали юридик ёрдам олишга йўл қўйилиши;

фуқароларга суд ҳимоясидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида суд идоралари халқнинг яшаш жойларига мумкин қадар яқинлаштирилиб жойлаштирилган бўлиши.

Бу имкониятларнинг айримлари бўйича мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4570 сон Фармони[1] қабул қилиниши муносабати билан айрим вилоятларнинг узоқ, чекка туманларида фуқаролик ишлари бўйича туман судлари *(масалан, Жиззах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Фориш тумани суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Амударё туман суди, Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйи*

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4570 сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 42-сон, 556-модда; 2014 й., 37-сон, 464-модда.

...Фориш тумани суди) ташкил этилди. Фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига, «Адвокатура тўғрисида»ги қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Бироқ ҳозирги кунда қонунчиликдаги айрим тўсиқларнинг мавжудлиги фуқароларнинг тўғридан-тўғри суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини чеклаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон[1], 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармонларининг қабул қилиниши[2] муносабатлари билан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ушбу фармонларда белгиланган чора-тадбирлар, ўз навбатида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида халқимиз билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини қабул қилишни тақозо этди.

Ҳозирги вақтда жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида давлат божларининг юқори миқдорда белгиланган фуқароларнинг судга мурожаат амалга оширишларида қайсидир маънода тўсқинлик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 22 октябрь (6611) сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари»га кўра, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилинганида давлат божи қуйидаги миқдорда тўланади:

Даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг:	
20 баробаригача бўлганда	даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида
20 дан 40 баробаригача бўлганда	даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида
40 дан 80 баробаригача бўлганда	даъво баҳосининг 15 фоизи миқдорида
80 баробаридан кўп бўлганда	даъво баҳосининг 20 фоизи миқдорида

Юқоридаги давлат божи ставкаларидан кўриниб турибдики, жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилганида тўлайдиган давлат божи миқдори даъво баҳосига қараб ошиб бормоқда. Бу эса, уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам келгусида давлат божи миқдорининг камайтирилиши ушбу тўсиқларнинг бартараф этилишига, фуқароларнинг ўз ҳуқукларини ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат қилиш имконини оширишга олиб келади.

Шунингдек, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида 2017 йил 4-чоракда судлар фаолиятига оид маълумот билан фуқароларни таъминлашни назарда тутувчи «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бу эса фуқароларга суд тизими ва жараёнига оид маълумотлар билан танишиб чиқишга, очиқ суд мажлисларида фуқаролар иштирокининг таъминланишига, суд мажлисларининг «онлайн» тарзда трансляция қилинишига, суд ҳужжатлари ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар, ўз навбатида, судлар фаолиятига оид маълумотлар билан

фуқароларни таъминлашга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда виртуал қабулхоналарнинг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади?*
2. *«Мурожаатларнинг ягона классификатори» ва «Онлайн маслаҳат» каби тузилмаларнинг вазифа ва аҳамияти нимада?*
3. *Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этишдан қандай мақсад кўзланмоқда?*
4. *Электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга қаратилган қандай чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда?*
5. *Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини қайси орган амалга оширади?*
6. *Қонунчилигимизга мувофиқ, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилганида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети мусодара этилиши мумкинми?*
7. *Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмаган шахслар кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эгами? Ушбу масала Ҳаракатлар стратегиясининг Давлат дастурида қандай ҳал қилиниши белгиланган?*
8. *Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича мамлакатимизда келгусида қандай ишлар амалга оширилиши кутилмоқда?*

2.3. МАЪМУРИЙ, ЖИНОЯТ, ФУҚАРОЛИК ВА ХЎЖАЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш. «Ҳаракатлар стратегияси»нинг 2.3. бандида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, унда ушбу қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Жумладан, Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифа доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган ҳолда, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 2018–2021 йилларга мўлжалланган Концепция» лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унда:

биринчидан, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имкониятини кенгайтириш назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, уни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ахлоқий-тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турини киритиш белгиланган. Ушбу ўзгартиришлар жиноят содир этган кўплаб инсонларни жамиятдан, уларнинг оиласидан ажратмаган ҳолда, содир этган жинояти учун инсонпарварлик тамойилларига асосланган жазо турларини кенгроқ қўллаш имконини беради;

иккинчидан, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини янада кенгайтириш ўз ифодасини топган бўлиб, унда асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ушбу институтга киритиш назарда тутилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасига мувофиқ, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Бугунги кунда ярашув институтига 50 дан ортиқ жиноятлар киритилган бўлиб, минглаб инсонлар жиноятни содир этгандан сўнг етказилган зарарни қоплаб, жабрланувчилар билан ярашиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни давом эттириш ва ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўладиган жиноятлар сонини кенгайтириш мамлакатимизда янада кўпроқ шахсларни судланганлик ҳолатидан сақлаб қолади;

учинчидан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, бозор муносабатлари асосларига мувофиқ келмайдиган ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишини ва иқтисодий айланмани тўхтатиб турувчи айрим иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликни бекор қилиш ҳам ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мантиқий давоми бўлади. Ушбу йўналишда иқтисодиёт соҳасидаги, жумладан, хўжалик фаолияти соҳасидаги айрим ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан батамом чиқариб ташлаш, бунинг эвазига мазкур соҳада биринчи марта жиноят содир этган шахслар тўғри йўлга қайтса, уларнинг қонун бузиш ҳолатлари ва унинг натижасида етказилган зарар бартараф этилса ҳамда улар тадбиркорлик фаолиятини қонуний амалга оширишни бошласа, бундай тоифадаги шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилади;

тўртинчидан, вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга доир бир қатор ўзгартиришлар киритиш белгиланган. Бунда диққат-эътибор вояга етмаган шахсларни ўқиш ва ишдан, энг асосийси, уларни оиласидан ажратмаган ҳолда, уларнинг таълим-тарбиясига ижобий таъсир

қилувчи, хорижий мамлакатларда ўзини ижобий томондан оқлаган жазо ва мажбурлов чораларини кенгроқ қўллашга қаратилади. Шунингдек, нафақат вояга етмаган айбланувчи ва судланувчи шахсларни, балки жиноятлардан жабр кўрган ва у ёки бу жиноятнинг гувоҳи бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим ўзгартиришлар киритилиши белгиланган. Бунда вояга етмаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларни адвокат, ота-оналари ёки яқин қариндошлари билан иштирокини таъминлаш, ушбу жараёнларнинг муддатларини қисқартириш ва бошқа шу каби ўзгартиришлар назарда тутилади;

бешинчидан, қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартибини белгилаш назарда тутилган. Бунда қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатларни кенгайтириш, жиноят содир этилиши натижасида келтирилган зарар қопланган тақдирда, шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи алоҳида рағбатлантирувчи нормалар киритилиши белгиланган. Шунингдек, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартиби юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорини қабул қилиш ва унда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, етказилган зарарни қоплаган, чин кўнгилдан амалда пушаймон бўлган шахсларга нисбатан жиноят қонуни нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашга оид тушунтиришлар беришга алоҳида эътибор қаратилади;

олтинчидан, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланишининг амалдаги муддатларини қисқартириш белгиланган. Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликнинг олиб ташланиши муддатларини ярмига қисқартириш, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахслар учун судланганлик муддатини белгиламаслик тўғрисидаги қоидалар

назарда тутилади. Судланганлик муддатининг қисқартирилиши, унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг ҳуқуқий ҳолатини енгиллаштириш, ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш билан бирга, шахсга нисбатан давлат томонидан ишонч билдирилаётганлигининг амалий ифодаси ҳисобланади;

еттинчидан, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган «мажбурий жамоат ишлари» жазосини киритиш назарда тутилган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар учун жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш, унинг жиноий фаолиятига тўсқинлик қилиш, янги жиноят содир этилишининг олдини олиш, келгусида Конституция ва қонунларга оғишмай риоя қилишга олиб келади. Шу билан бирга, мазкур жазо нафақат жиноий жазоларни либераллаштиришга, балки жиноий жазоларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Эътиборли томони шундаки, мазкур жазо шахснинг асосий иш вақтидан ташқари вақтда ижро этилиб, кунига тўрт соатдан ошмаслиги белгиланади.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, мазкур қонун натижасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлаштиришга эришилади.

Одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг суд томонидан ишончли ҳимоясини таъминлаш ва маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани амалда татбиқ этиш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги ПФ–4966-сон Фармонига кўра, илк маротаба 2017 йил 1 июндан бошлаб маъмурий судлар фаолият олиб бориши белгиланди. Маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар деганда, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тушунилса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ кўриб чиқиладиган, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши фуқароларнинг судга шикоят қилиш каби конституциявий кафолатини амалда таъминлаш, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини ошириш, профессионал суд корпусини шакллантириш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини таъминлаш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, «Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида»ги ва «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади. Мазкур ҳужжатлар давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегиясида жиноят суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштиришга оид «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши назарда тутилган бўлиб, унга кўра:

– жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилади. Бундай қадам албатта жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, жиноят ишлари юритуви муддатларини оқилона қисқаришига ва энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар талабларининг бажарилишига хизмат қилади.

> ***Одил судловнинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечиш вақти келди. Суд ёки оқлов ёки қоралов ҳукмини чиқариши керак.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

– қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилади. Мазкур муддатларнинг қисқариши, энг аввало, қамоққа олиш ва уй қамоғи чоралари қўлланилаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилиб, шу билан бирга, дастлабки тергов органларига янада жиддий масъулият юклайди.

– почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади. Мазкур тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши орқали жиноят процессида Хабеас корпус институти янада кенгайтирилади, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқларининг чекланиши фақатгина суд қарори билан амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги халқаро ва конституциявий талаблар таъминланади.

– судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганида муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилади. Мазкур ҳуқуқнинг судга берилиши суднинг қарор қабул қилишда мустақиллигини ва масъулиятини янада оширади. Бунда муқобил эҳтиёт чорасини суднинг ўзи қўллаши унинг иши кўрилаётган инсоннинг тақдирига бефарқ эмаслигини англатиб, ишнинг ҳолатлари ва айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларга қараб оқилона эҳтиёт чорасини қўллашга имкон беради.

– терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинади. Қўшимча терговнинг бекор қилиниши жиноят процессининг асосий принциплари: айбсизлик презумпцияси, тортишув ва тарафлар тенглиги, ҳақиқатни аниқлаш принципларининг реал таъминланишини кафолатлайди. Энг муҳими, суд зиммасига кўриб чиқилаётган иш юзасидан якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклайди. Яъни, суд ё айблов, ё оқлов ҳукмини чиқариши зарур, учинчи вариант бўлиши мумкин эмас.

1. Судгача фуқаролик ва хўжалик низоларини ҳал этишнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи «Яраштирув жараёнлари (медиация) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Мазкур қонуннинг ишлаб чиқилиши жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро низоларни суддан ташқари, муқобил ҳал этиш имконини беради. Ҳозирги вақтда фуқаролар ва ташкилотлар низоларни ҳал этиш мақсадида ҳакамлик судларига ҳам мурожаат этишмоқда. Кўплаб хорижий давлатларда низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа шакллари, хусусан, медиация институтлари ишламоқда ва ижобий натижа бермоқда. Масалан, Хитойда 30 фоиз, Словакияда 40 фоиз низолар судга бормасдан ҳал этилса, АҚШда низоли ҳолатларда низолашувчиларнинг 75–85 фоизи медиация институтига мурожаат қилади ва уларнинг 90–95 фоизи ижобий ҳал этилади. Медиация институтининг яна бир ижобий хусусияти шундаки, унда тарафлар судга мурожаат қилишдан кўра камроқ харажат қилиб, низони ҳал этиш имкониятига эга бўлади. Англияда низони медиация жараёнида ҳал этиш судга мурожаат қилишдан 5 баробар арзонга тушади. Ҳиндистонда медиаторнинг қарори суднинг қарори билан бир хил кучга эга экани ҳам эътиборга молик жиҳат ҳисобланади.

Шу сабабли мамлакатимизда ҳам келгусида **«Яраштирув жараёни (медиация) тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши, низоларни қисқа муддатларда ҳал этилиши билан бирга, ортиқча харажатлар сарфланишига чек қўйиш ва турли оворагарчиликларнинг олдини олиш ҳамда тарафлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишбилармонлик муносабатлари сақланиб қолишига хизмат қилади.

> ***Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усулларини жорий этиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

2. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низолар бўйича судга мурожаат қилишдан аввал эътирозни мажбурий тақдим этиш тартибини ўрнатиш.

Низоларни судгача ҳал этиш тартибини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш учун зарур бўлган шартлардан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур масала **Хўжалик процессуал кодекси 6-моддасининг иккинчи қисми**да агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкинлиги белгиланган. **Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни**да талабнома билдириш тартиби ва уни кўриб чиқиш муддатлари тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса, иш юритиш тугатилиши (86-модда биринчи қисмининг 8-банди), даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилиши (88-модда биринчи қисмининг 5-банди) белгиланган. Демак, **низони судгача ҳал қилиш** – талабнома юбориш тартибига риоя қилмаслик, **судда даъвони кўрмасдан қолдиришга ёки иш юритишни тугатишга асос** бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни 17-моддасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Эндиликда мазкур қонун ва Хўжалик процессуал кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низолар бўйича судга мурожаат қилишдан аввал эътирозни **мажбурий** тақдим этиш тартибини ўрнатиш назарда тутилмоқда. Бу эса хўжалик юритувчи субъектлар судга мурожаат қилишидан олдин албатта низони судгача ҳал этиш чорасини кўриши шартлигини билдиради.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, масалан, **Бельгия**да суд тарафларга келишмовчиликни судгача ҳал этиш механизми ёрдамида бартараф этишни таклиф қилиши шартлиги, **Испания** ва **Италия**да эса судья тарафларни ярашув тартиб-таомилига мурожаат қилишга қаратилган барча чораларни кўришга мажбур эканлиги белгиланган. **Греция** қонунчилиги бўйича ҳам агар тарафлар низони ўзаро ҳал этиш бўйича яраштирув тартиб-таомилини қўлламаган бўлсалар, суд даъвони қабул қилмайди.

Таҳлилларга кўра, низоларни ҳал қилишнинг суд тартиби нисбатан узоқ вақт талаб қилади. Баъзида шартнома томонлар учун самарасиз якунланиши, низолашаётган тарафлар учун жиддий муаммолар (давлат божи, қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш ва ҳ.к.) туғдириши ҳам мумкин. Низо турли ваколатли судларда ёки суд инстанцияларида кўрилишини эътиборга олсак, суд ижро варақалари билан эришадиган натижага қараганда, низони судгача ҳал қилиш – талабнома тартиби орқали тезроқ ҳамда осонроқ натижага эришиш мумкин.

3. Фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш. Ҳозирги вақтда фуқаролик ва хўжалик судларида йилдан-йилга кўрилаётган ишлар сони ортиб бормоқда. Шу сабабли, тарафларнинг вақтини

тежаш, уларни ортиқча овора қилмаслик, низоларни келишув йўли билан ҳал этиш мақсадида, судгача ҳал этиш бўйича механизмлар (музокара, талабнома юбориш ва бошқалар)ни процессуал қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда. Хўжалик судлари шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, Хўжалик процессуал кодексининг 118-моддасига асосан, даъво аризасини қайтаради. Лекин ушбу қоидалар фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланмаган. Шу сабабли ҳозирги кунда, фуқаролар меҳнат низолари бўйича меҳнат низолари комиссиясига ёки оилавий низолар бўйича ўзини ўзи бошқариш органларидаги ярашув комиссияларига мурожаат қилиши мумкин бўлса-да, фуқаролар судга мурожаат қилмоқда. Лекин, ушбу низоларнинг айримларини судгача ҳал этиш имконияти мавжуд. Шу сабабли, келгусида фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам низоларни судгача ҳал этишнинг процессуал механизмлари аниқ белгилаб қўйилади.

Натижада Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасига **даъвогар томонидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган бўлса, агар қонун ёки шартномада мазкур тоифадаги низолар учун бундай тартиб назарда тутилган бўлса, даъвони қабул қилишни рад этиш бўйича** янги асос киритилади.

4. Ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил қилишнинг қонуний асосларини ва улар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни такомиллаштириш, ҳакамлик судларига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонунини янги таҳрирда қабул қилиш ва уни тубдан, замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш масаласи қўйилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ушбу қонундан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳакамлик суди судьялари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, ҳакамлик судига судьяларни тизимли

равишда тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи, ҳакамлик судлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи, улар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан марказлаштирилган назоратни амалга оширувчи, уларнинг номидан ҳаракат қилувчи ягона ташкилот – Палата ташкил этиш, унинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ташкилий-ҳуқуқий механизмларини қонунда аниқ белгилаш, ҳакамлик судларининг асосий вазифаларини белгилаш, ҳакамлик суди судьялигига номзодларга қўйиладиган, уларнинг малака ва билим савиясига бўлган талабни кучайтириш ушбу қонунга киритилиши лозим бўлган асосий вазифалардан биридир. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, ҳам ҳакамлик судларининг нуфузи, ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳакамлик судларига бўлган ишончи ва ҳурмати ошишига хизмат қилади.

Жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш.

Жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш йўналишида жиноят процессига ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш энг асосий вазифалардан биридир. Судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибининг жорий қилиниши, биринчи навбатда, ишларга дифференциал ёндашувни таъминлаб, шахсларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқларини кенгайтириш эвазига дастлабки тергов ва судда ишларнинг кўриб чиқилиши тезкорлиги ва самарадорлигига эришилади. Яъни, ишларнинг соддалаштирган тартибда кўрилиши натижасида процесс иштирокчиларининг вақти тежалади, суд сансалорлигининг олди олинади, дастлабки тергов органларида ва судларда иш ҳажми жиддий камаяди, бу эса бевосита тергов органлари ва судлар фаолияти сифатини таъминлайди.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинади.** Яъни, ишни назорат тартибида кўриб чиқадиган суднинг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанцияси суд

ишга янгидан кўриб чиқиш учун юборишга оид ваколатлари аниқлаштирилади. Жумладан, моддий ва процессуал қонун нормаларини бузганлик ҳолатларини аниқлашдан ташқари, қуйи инстанция судлари томонидан тайинланган жазоларни қайта кўриб чиқиш бўйича кассация ва назорат суд инстанциялари ваколатларини чеклаш назарда тутилмоқда.

> ***Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари қуйи турувчи судининг қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган тақдирда, ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан туриб, якуний қарор чиқариш бўйича ваколатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ва киритилишини таъминлаш вазифаси белгиланган.

Келгусида фуқаролик ва хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишни процессуал механизмларини такомиллаштириш ва бир-бирини такрорловчи ваколат ва инстанцияларни қисқартириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида кайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади. Бу эса фуқароларга қисқа муддатда низоларни ҳал этиш, судларда ишлаб овора бўлиб юришнинг олдини олиш, ўз навбатида, суд қарорларининг барқарорлигига эришиш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга олиб келади.

2. Вилоят миқёсидаги судлар томонидан фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтини тугатиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш.

Вилоят миқёсидаги судлар ўзлари биринчи инстанцияда ёки апелляция (кассация) тартибида кўрган ишларни яна назорат тартибида кўриши ёки ушбу назорат тартибида кўрилган фуқаролик ишларининг назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилиб, яна ушбу инстанцияларга кўриш учун юборилиши, ўз навбатида, судьяларнинг холислигига, уларни шу ишни тўғри, асосли, адолатли ҳал этишига шубҳа уйғотади. Шунинг учун ҳам назорат инстанциясининг мустақиллигини таъминлаш, суд қарорларига холис баҳо бериш мақсадида келгусида фуқаролик ишларининг назорат тартибида фақат Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилиши белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатларини бекор қилиш. Ушбу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, раёсати ва Пленумига тегишли. Ушбу инстанциялар ишни назорат тартибида кўрганида ушбу ваколатларни амалга оширади. Назорат тартибида кўрадиган инстанцияларнинг ваколатлари ўртасида умуман фарқ йўқ. Қолаверса, суд амалиётида Олий суд Пленуми назорат тартибида иш кўрган ҳолатлар деярли учрамайди. Шунинг учун ҳам келгусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриш бўйича ваколати чиқариб ташланади. Бу каби амалиёт хўжалик судларида мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 195-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

4. Ишни назорат тартибида кўриб чиқадиган суднинг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанцияси судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга оид ваколатларини аниқлаштириш. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 361-моддасига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб, ўзининг ажрими ёки

қарори билан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли. Бироқ, ушбу инстанцияларга қайси асосларга кўра юбориши фуқаролик процессуал қонунчиликда кўрсатилмаган. Шу боисдан келгусида ушбу масала юзасидан ҳам фуқаролик процессуал қонунчиликка аниқлик киритилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг сарсонгарчилигининг олдини олади ҳамда назорат инстанцияси судининг ваколатларини аниқлаштиришга олиб келади.

5. Хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриб чиқиш асослари тартибини такомиллаштириш, шу жумладан, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари бўйича янги очилган ҳолатлар юзасидан қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бериш мумкин бўлган энг кўп муддатни аниқлаштириш ва қисқартириш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддасига кўра, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 364-моддасига кўра, янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида беришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 204-моддасига кўра, хўжалик суди ўзи қабул қилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 205-моддасига кўра, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда

иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Процессуал қонун ҳужжатларига кўра, ушбу ишлар бўйича ариза бериш муддати ишда иштирок этувчи шахсларга ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар бир неча йиллардан кейин маълум бўлиши ва ушбу масаланинг суд томонидан кўриб чиқилиши самарасиз ва натижасиз бўлиши мумкин (масалан, мулкнинг йўқ бўлиб кетиши, фуқаронинг ўлими ва бошқалар). Шунинг учун ҳам мазкур масала бўйича бир қатор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, келгусида ариза беришнинг энг кўп муддати ва унинг энг қисқа муддати аниқ белгилаб қўйилиши ҳамда энг асосийси, қачондан бошлаб ушбу муддат ҳисобланиши белгилаб берилади.

Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Фуқаролик судларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва шу асосда фуқаролик судлов тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йилда «E-SUD» Электрон судлов ахборот тизими (ЭСАТ) ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Айни пайтда яратилган миллий электрон ахборот тизимининг суд буйруғини чиқариш қисми фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг туманлараро судларида самарали қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, тизим орқали судлар даъво аризалари, шикоятлар, илтимосномалар ва бошқа ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахслардан электрон равишда қабул қилишлари, уларни қайта ишлашлари ва процесс иштирокчиларига турли хатлар, чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни электрон равишда юборишлари, суд фаолиятига доир турли ҳисоботлар ва маълумотларни автоматик равишда шакллантиришлари мумкин. Ўз навбатида фуқаролар шахсан суд органларига бормасдан, судларга электрон равишда мурожаат юборишлари, суд процессини кузатиб боришлари ва

суд ёки турли ҳужжатлар ва маълумотларни электрон тарзда олишлари мумкин.

Ҳозирги вақтда суд мажлисларида видеоконференцалоқадан фойдаланиш тизими фақатгина хўжалик судларида йўлга қўйилган бўлиб, бу хўжалик судлари иштирокчиси сифатида тадбиркорларга анча қулайликлар яратмоқда ва ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу эса ушбу тизимни бошқа судларда ҳам йўлга қўйиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Асосий вазифалардан яна бири – барча бўғиндаги судларда суд мажлисларига аудио ёки видео қайд этиш механизмларини жорий этишдан иборат. Хусусан, суд мажлисини аудиоёзув шаклида ёзиб олиш, DVD форматда иш ҳужжатлари орасида сақлаш таклифи ишлаб чиқилмоқда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишнинг мақсади ва афзалликлари қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, судларга мурожаат қилиш соддалаштирилади;

иккинчидан, судларда электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилади ва техник ишларга сарфланадиган вақт тежалади;

учинчидан, тарафларнинг судга ташриф буюрмасдан туриб, блокчейн тизими орқали ариза, шикоят ва даъво аризаларини ва бошқа мурожаатларни электрон тизим орқали судга топшириш ва унинг натижасидан хабардор бўлиш имконияти яратилади;

тўртинчидан, тарафлар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида электрон шаклда хабардор қилинади;

бешинчидан, суд мажлиси баённомаси ва бошқа процессуал ҳужжатларни тайёрлашда қулайликлар туғдиради.

олтинчидан, судларда ҳисоботларни юритишда қулайлик яратилади, шунингдек, унинг аниқлиги таъминланади;

еттинчидан, суд қарорларини тарафларга ва ижро департаментларига электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Шунингдек, республикамизда Суд ижро департаменти томонидан «E-IJROVARAQA» тизими ҳам ишга тушурилиши кутилмоқда. Бунда қабул қилинган суд қарорлари электрон тизим орқали ижро иш юритувига келиб тушади. Бу, ўз навбатида, суд иш юритуви ва

ижро иш юритуви ўртасида ҳужжат айланишини автоматлаштириш ҳамда ижро иш юритувини тез ва самарали якунлаш имконини беради.

Судлар фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланиш самарадорлигининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий баҳосини келажак кўрсатади. Лекин, суд тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида олинган дастлабки хулосалар ижобий эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу, ўз навбатида, ушбу ислоҳотларни жадал суръатларда давом эттириш лозимлигини англатади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини санаб беринг.*
2. *Жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.*
3. *Жиноят қонунчилигининг либераллаштирилишини амалий мисоллар орқали баён этинг.*
4. *Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш йўналиши доирасида белгиланган вазифалар нималардан иборат?*
5. *Ҳаракатлар стратегиясида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш йўналиши доирасида амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида сўзлаб беринг.*
6. *Фуқаролик ва хўжалик суд ишларини юритишда келишув битими тузишнинг ижобий жиҳатлари нималардан иборат?*
7. *Низоларни судгача ҳал этиш тартиби ва ушбу институтни такомиллаштириш механизмлари қандай?*
8. *Назорат тартибида келтирилган протестларни кўрадиган судлар ҳақида нималарни биласиз?*
9. *Фуқаролик ва хўжалик низоларини суддан ташқари ҳал этиш деганда нимани тушунасиз?*
10. *Суд тизимига қандай ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши кутилмоқда?*

2.4. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари»га бағишланган бўлиб, унинг 2.4-бандида «Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» масаласи назарда тутилган. Унда қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш субъектларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармонига кўра, фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-

шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш масаласи белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул органлар ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишиш асосида таъминлаш мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш деганда тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш назарда тутилади.

Шу маънода, мазкур вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизмлари аниқ белгилаб берилади.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг моҳияти, мақсади нималардан иборат? Унинг қандай шакллари мавжуд? Мувофиқлаштириш билан ҳамкорликнинг фарқи борми?

• **Мувофиқлаштиришнинг моҳияти.** Умумий мақсадга эришиш йўлида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини тартибга солиш, самарадорлигини янада ошириш йўлида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш мувофиқлаштиришнинг моҳиятини белгилайди. Модомики, мақсад умумий, яъни жиноятчиликка қарши курашиш экан, демак, шу фаолиятни амалга оширадиган органлар ишини мувофиқлаштириш шартми? Ҳаммаси ҳам ягона ва умумий мақсадга хизмат қилади-ку? Тўғри, лекин уларнинг ҳар бири мустақил ҳолда ўз ваколати доирасидагина ўзларига хос шакл ва усуллар билан жиноятчиликка қарши курашади. Афсуски, жиноят турлари шу даражада хилма-хилки, уларга қарши самарали

курашиш, олдини олиш ва йўл қўймаслик мавжуд бутун имкониятни ишга солишни, барча кучларни бирлаштиришни талаб қилади. Айнан ана шу талабни жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Ана шу тамойилларга ва асосий йўналишларга риоя қилган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ҳамда дастлабки терговни амалга ошириш органларининг фаолияти мувофиқлаштирилиб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва назорат органлари ҳамкорлиги йўлга қўйилади, даврий ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастурлари, аниқ йўналтирилган режалар тизими ишлаб чиқилади, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган мувофиқлаштирувчи кенгаш қабул қилган қарорлар ижросига жиддий эътибор қаратилади ва ижроси таъминланади. Ҳар олти ойда тезкор-қидирув ва излов ишларининг аҳволи, натижалари мувофиқлаштириш кенгашларида муҳокама қилиниб, фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминлаб борилади.

• **Мувофиқлаштиришнинг мақсади** – жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишдир. Бу умумий мақсад, табиий равишда, барча кучларни бирлаштиришни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида бир бирини такрорламасликни, бири бошқасининг функциясини олмаслигини, муайян аниқ мақсад йўлида куч ҳамда имкониятларни бирлаштиришни, айни пайтда ҳар бири қонунчиликка қатъиқ риоя этгани ҳолда қонун доирасида ўз вазифасини малакали бажаришини тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, **мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади** жиноятчиликка қарши курашувчи тузилмаларнинг ўзаро бошқиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла ва ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, жиноятни очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларининг олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мувофиқлаштириш, ўз навбатида, жиноятчиликка қарши ҳамкорликка киришган ҳар бир органдан, унинг раҳбари ва ходимларидан (ҳамкорлик иштирокчиларидан) юксак касбий-профессионал малакани ва амалий теран тажрибани талаб қилади. Бу, аввало, содир этилган жиноятнинг, унинг сабаблари ва бошқа ҳолатларни муфассал ўрганиш, таҳлил қила билишда, содир этилиши мумкин жиноятларни олдиндан билиш, қайси жиноят қай даражада содир этилиши мумкинлигини башорат қилиш, бу борада тўпланган барча тажрибаларни ишга солиш, жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, очиш, улар ҳақида огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ ташкилий жараёнлар механизмини пухта ўзлаштириш, уларни тергов-қидирув амалиётида самарали қўллаш маҳоратига боғлиқ, албатта. Ана шундагина жиноятчиликка қарши кураш кутилган натижани беради. Агар мазкур фаолият бошқа давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилса, шубҳасиз, жиноятларнинг олди тез олинади, огоҳлантириш кутилган натижани беради, энг муҳими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишини, шунингдек, жиноий хатти-ҳаракатларга қарши кураш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини янада такомиллаштиришга қаратилган янги-янги таклифлар юзага келади. Уларни тергов-қидирув фаолиятида ижодий қўллаш, ҳеч шубҳасиз, умумий мақсадга хизмат қилади.

• жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва улар раҳбарларининг биргаликда мувофиқлаштирув кенгашларини ташкил этишлари;

2. Қайд этилган органларнинг жиноятчиликка ва айрим турдаги жиноятларга қарши кураш масалалари бўйича ўзаро ахборотлар алмашинуви;

3. Ўзаро келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорликда минтақаларга чиқиш, куйи бўғиндаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноятчиликка қарши курашда ёрдам бериш, мавжуд ижобий тажрибаларни ўрганиш ва бошқа ҳудудларда амалиётга татбиқ этиш;

4. Кўп эпизодли ва жамоатчилик эътиборида бўлган аниқ жиноятларни тергов қилиш учун тергов-тезкор гуруҳлар тузиш ва терговни ташкил этиш;

5. Жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ҳамкорликдаги мақсадли тадбирлар ўтказиш, шунингдек, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш;

6. Ходимларнинг малакасини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг имкониятларидан фойдаланиш, ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ўтказиш;

7. Жиноятчиликка қарши кураш фаолияти жараёнида иштирок этаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзаро ёрдам кўрсатиш;

8. Ҳамкорликда буйруқлар, қўшма кўрсатмалар чиқариш, ахборот хатларини ва бошқа ташкилий-фармойиш ҳужжатларини тайёрлаш, ҳамкорликда қўлланмалар, бюллетенлар (тўпламлар) ҳамда бошқа ахборот нашрларини чиқариш;

9. Мувофиқлаштирув фаолиятининг ўзаро келишилган режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш;

10. Мамлакатда амалда бўлган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишга оид қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг ижро этилиш аҳволи бўйича ҳамкорликда ҳудудларга чиқиб текширишлар ташкил этиш;

11. Минтақаларда жиноятчиликка қарши кураш дастурларига киритиш учун ҳамкорликда таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Жиноятчилик ва судланганлик ҳолати ҳақида ўзаро ахборот алмашув;

13. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда суд статистикаси маълумотларидан ва суд амалиёти материалларидан фойдаланиш;

14. Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ҳамкорликда тайёрлаш;

15. Ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ўтказиш, тегишли мутахассисларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини оширишдаги иштироки;

16. Ҳамкорликда ахборот хатларини, маълумотномаларни, шарҳларни жўнатиш ва бошқалар.

Суд раислари, судьялар жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар раҳбарларининг мувофиқлаштирув кенгашларида кузатувчи сифатида ёки кенгаш иштирокчиларини ўз органи фаолияти билан таништириш мақсадида қатнашиши мумкин.

Албатта, мувофиқлаштиришнинг ушбу шакллари тўлиқ эмас. Амалиётда ходимларнинг иш тажрибаси, ташаббуси ва изланувчанлигидан келиб чиқиб, ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг яна бошқа қатор усулларидан фойдаланиш мумкин.

• Мувофиқлаштиришнинг қайд этилган шакллари жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашишнинг бошқа шакллари каби бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини янада чуқурлаштиришга, мувофиқлаштириш шаклларини такомиллаштиришга, жиноятчиликка қарши курашда тегишли органларнинг ҳуқуқий мақомини ривожлантиришга йўналтирилган. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш.

Ҳозирги кунда терроризм ва диний экстремизм хавфидан ҳеч қайси давлат, жумладан, энг ривожланган давлатлар ҳам кафолатланмаган. Жаҳонда юз бераётган турли кўнгилсиз воқеалар, қон тўкишлар, жумладан, Ироқ ва Сурияда фаолият юритаётган террорчи гуруҳ 2014 йилда ўзини ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати) деб атаб, ислом динидан ниқоб сифатида фойдаланиб, сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадларда турли оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этмоқда. Сир эмаски, ИШИД терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ бир қанча жиноятлар содир этаётган диний экстремистик,

террористик жиноий уюшмадир. ИШИД Марказий Осиё мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринмоқда. Африка, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёдаги 15 дан ортиқ диний экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ИШИДнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, уларга ёрдам бериб келмоқда.

Сўнгги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида, хусусан, Франция, Бельгия, Германия, Туркия, Покистонда юз берган террорчилик ҳаракатлари диний экстремизм, терроризм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётганидан далолат беради. Марказий Осиё минтақасида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш, бу турдаги жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш тобора долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса бизга қўшни бўлган Афғонистонда террорчи гуруҳларнинг тинчлик ва хавфсизликка реал таҳдид туғдириб келаётгани масаланинг нақадар жиддий эканини англатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш борасида етарли тажриба ва ҳуқуқий база шаклланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» ги қонуни, 2004 йил 26 августдаги 660–II-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди, шунингдек, мамлакатимизда БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ратификация қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва қатор хорижий давлатлар ҳукуматлари ўртасида имзоланган уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қатор ҳамкорлик меморандумлари диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

2017 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ИИВ, МХХ, ДБҚ, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар иштирокида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш амалиётини

Ҳеч кимда заррача ҳам шубҳа бўлмаслиги керак – мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига хавф туғдирадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига, ҳар қандай уринишларига қатъий ва муносиб зарба берилади.

Шавкат Мирзиёев

ўрганиб, ушбу йўналишда ташкилий-амалий тадбирларни янада кучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш назарда тутилган.

Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу соҳадаги жиноятчиликка қарши кураш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқиш имконини беради. Давлат органлари ходимлари, таълим муассасалари ўқувчилари ва жамоатчилик ўртасида терроризм, экстремизм ва бошқа жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган комплекс профилактик-тушунтириш тадбирларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари бир қатор радио ва теледастурлар ташкил этиш орқали аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш, жамиятда терроризм, экстремизм ва жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган бошқа ишларнинг самарали тизими яратилишига, ушбу соҳада давлат органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштиришга имкон беради.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан огоҳлантириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шу жумладан, таълим муассасалари доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада такомиллаштирилади;

терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётганини эътиборга олиб, терроризм ва диний экстремизмга қарши самарали курашиш мақсадида миллий интернет сегментини муҳофаза қилиш, Интернет орқали террористик ва диний экстремистик ташвиқот олиб боришни чеклашни назарда тутувчи қонун ҳужжати ишлаб чиқилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш.

Жиноятчиликка қарши кураш тизимини ва инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини янада такомиллаштириш, халқнинг давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш қонунийликни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини ташкил этиш зарурлигини намоён этади.

Мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг амалга оширилишида миллий қонунчиликка халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади, буни биз 2008 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашш конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишида яққол кўришимиз мумкин.

Мазкур Конвенциянинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашга унинг олдини олиш бўйича янада самарали ва таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

2010 йили Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) Коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимини Истанбул ҳаракат дастурига қўшилди. ОЭСР халқаро экспертлари ўзининг бир неча бор амалга оширган ташрифлари натижасидаги ҳисоботларида охирги йилларда юртимизда ушбу соҳада амалга оширилган ва татбиқ этилган ислоҳотларга ижобий баҳо беришди.

Ўзбекистон томонидан ташланган яна бир муҳим қадам – бу 2016–2017 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар комплекс режаси тасдиқланганидир.

Ушбу Комплекс дастур турли давлат идоралари ва ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва илмий соҳа вакилларининг иштирокида ишлаб чиқилган. Режа коррупцияга қарши курашиш сиёсат ва коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралларнинг айрим жиҳатларини ўз ичига олади.

Жамият ривожига гов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир.

Шавкат Мирзиёев

Комплекс режа стратегик ҳужжат ҳисобланиб, ушбу масалада манфаатдор бўлган барча тарафларнинг мажбуриятлари ва бу борадаги вазифаларни ижро этиш босқичлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, коррупцияга қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва институционал асосларни келгусида такомиллаштириш мақсадида 2017 йилнинг 4 январь санасида Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли давлат органлари тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалалари акс этган.

Қонун билан қамраб олинган чора-тадбирлар доираси Ўзбекистоннинг сиёсий хоҳиш-иродаси ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг жиддийлигини тасдиқлайди. Қонун ягона бир бутунлигича барча коррупцияга қарши курашиш элементларини ўзида қамраб олган.

Қонунга кўра коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

– қонунийлик;

– фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

– очиқлик ва шаффофлик;

– тизимлилик;

– давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

– коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

– жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг

фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

– коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

– коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

– коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифаларининг амалга оширилишига эришиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

– коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий ва норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини доимий ва самарали таъминлаш;

– унинг зарурий мустақиллигини таъминлаш;

– уни тегишли моддий ресурслар билан таъминлаш.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди[1].

Шундай қилиб, Ўзбекистон антикоррупцион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш учун институционал базани мустаҳкамлаш мақсадида муҳим қадамларни ташлаган, десак, адашмаймиз.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида:

– қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;

– давлат хизмати органларининг фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш;

– жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақ муросасизлик маданиятига эришиш;

– халқнинг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.

ва бошқаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ошириш.

Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий мунозабати, демократик ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишининг муҳим омилидир.

> ***Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда фуқароларнинг қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бунда ғоят муҳим жиҳат – жамоатчиликка давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти ҳақида маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлардан, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига доир қарорлардан аҳолини кенг хабардор қилиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ.

Бугунги глобаллашув замонида жаҳон жамоатчилигини, халқимизни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотлар олишини кенг таъминлаш, шу йўл билан давлат ва жамиятга бўлган ўзаро муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш талаб этилади.

Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги ахборот тизимлари сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун қулайлиги масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш ва омма онгига сингдириш ва энг муҳими фуқароларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, ҳуқуқий масалалар доирасида ҳам фаоллигини ошириш вазифасига сафарбар этишлари лозим.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини жорий «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да ва кейинги йилларда амалга оширишга оид Давлат дастурида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш борасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

Биринчидан, қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ва ижрочиларга ўз вақтида етказишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида **«Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда қуйидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилади:

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг амалий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари;

– ҳуқуқий ахборотни тарқатишга масъул бўлган давлат органлари ва уларнинг ваколатлари;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг уларни фойдаланувчигача етказиш босқичлари;

– қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг концепциялари, тушунтириш хатларини эълон қилиш тартиби ва бошқалар.

Иккинчидан, фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини беришга қаратилган **Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури** лойиҳаси тайёрланади ва қабул қилинади.

Учинчидан, ҳуқуқий ахборотни ўз вақтида ҳамда сифатли етказиш мазкур вазифа юклатилган давлат органлари ахборот хизматларининг ҳамкорликда фаолият юритишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда ушбу фаолиятни режа асосида, мувофиқлаштирилган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аҳолининг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада юксалтириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Тўртинчидан, тарғибот тадбирларининг самарадор шакли бўлиб, бевосита жойларга чиққан ҳолда аҳолининг турли қатламлари билан ўтказиладиган жонли мулоқот ҳисобланади. Шу сабабли давлат органлари ОАВдан қилинадиган чиқишлардан ташқари асосий эътиборни мазкур турдаги тарғибот тадбирларига каратишлари мақсадга мувофиқдир. Барча давлат органлари томонидан маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхона, ташкилот ва идораларда жамият ҳаётидаги долзарб муаммолар муҳокамаси, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида тизимли равишда учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Бешинчидан, қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан Адлия вазирлиги тузилмаси қайта кўриб чиқилади, қонун ҳужжатлари миллий электрон базасини қўшимча маълумотлар билан тўлдириш ва аҳолига эркин фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш масалаларини назарда тутадиган **«Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республи-

каси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2761-сон қарори қабул қилинди. Унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгилаб берилди.

Олтинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизмларини белгилаб беришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Еттинчидан, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш механизмини ўз ичига олган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг ишлаб чиқилишини назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси тайёрланади. Қарор асосида ҳуқуқий таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади; узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида ҳуқуқий таълим модели ишлаб чиқилади; оила, мактабгача таълимдан бошлаб ҳуқуқий таълим-тарбия тизимининг сифати яхшиланади.

Саккизинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш даражасини оширишга қаратилган **«Мен ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашда фаол иштирок этаман»**, **«Маҳалламиз жиноятчиликка қарши туради»** акциялари ўтказилади. Бунда, биринчи навбатда, маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш амалиётини кенг жорий

этиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида жамиятда қонунларга хурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш борасида фуқаролик позициясининг кучайишига ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади.

Тўққизинчидан, аҳолини, айниқса, ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ҳаракатлар таъсиридан асраш мақсадида маҳаллаларда ва таълим муассасаларида **«Ислом маърифати ақидапарастликни қоралайди»**, **«Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид»** мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилади. Ушбу дастурнинг жорий этилиши асносида ёшларда ишлар бўйича тўғри ва ҳаққоний маълумотлар шаклланишига, уларнинг саволларига мутахассислар томонидан ҳаққоний фактлар асосидаги жавоблар берилишига, миллий анъаналарга, бой маданий меросига таянган ҳолда маънавий ва маърифий ишларни тизимли олиб боришга эришилади.

Ўнинчидан, кўрик танловлар ўтказиш режаси асосида таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган **«Ҳуқуқ билимдонлари»**, **«Сиз қонунни биласизми?»**, **«Тафаккур сиповлари»**, **«Конституция – бахтимиз пойдевори»** республика кўрик танловлари ўтказилади. Танловлар орқали ўқувчи ва талабаларда ҳуқуқий билимларни янада ошириш ва мустаҳкамлашга эришилади ҳамда бу соҳада иқтидорли ёшлар аниқланади. Шунингдек, танлов ва иштирок этган жамоалар билан бирга, тингловчи сифатида жалб қилинган кенг ёшлар қатламининг ҳуқуқий онгини оширишга ҳам эришилади.

Ўн биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳаётий мисолларга асосланган, ҳуқуқий-маърифий йўналишдаги **«Жиноятдан сақланинг!»** рукнида оммабоп рисолалар тайёрланади ва нашр этилади, уларнинг тақдимотлари ўтказилади. Мазкур адабиётлар «Камолот» ЁИҲ орқали ёшларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эса кенг аҳоли оммасига етказилади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини оширишга эришилади.

Ўн иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида маҳаллаларда ҳафтада бир марта **«Ҳуқуқий билимлар»** ўқув машғулоти жорий этилади ва доимий ўтказиб борилади. Бунинг натижасида аҳолига амалдаги қонун ҳужжатларининг, айниқса янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мақсади, мазмун-моҳиятини ўз вақтида етказишга эришилади.

Қабул қилиниши кўзда тутилаётган ҳужжатлар ва чора-тадбирлар, аввалambор, олдимизда турган буюк мақсадларимизга босқичма-босқич эришиш, бу йўлда дуч келадиган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳар бир ўзбекистонлик учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч – бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, одамлар қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришга хизмат қилади.

Айни вақтда ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланишини назарда тутадиган бўлсак, дастурда белгиланган чора-тадбирлар қонунларимизни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилишининг мониторингини кучайтиришга олиб келади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳуқуқий саводхонликнинг мукаммал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Дарҳақиқат ушбу тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳуқуқий давлатчиликни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши муқаррар. Умуман олганда, ушбу давлат дастури мамлакатимиздаги барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш борасидаги ишларини янада жадал, кенг миқёсда ва тартибли ташкил этишлари учун асос бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг моҳияти, мақсади нималарда намоён бўлади?*
2. *Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар сифатида нималарни айта оласиз?*
3. *Жиноятчилик ва судланганлик ҳолатининг жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда қандай аҳамият касб этишини изоҳланг.*
4. *Қонунийликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом қабул қилинишида қандай мақсадлар назарда тутилган?*
5. *Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича қандай ташкилий-амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ?*
6. *Сўнгги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида, хусусан, Франция, Бельгия, Германия, Туркия, Покистонда юз берган террорчилик ҳаракатлари диний экстремизм, терроризм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани ҳолатини диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш нуқтаи назаридан қандай баҳолайсиз?*
7. *Бугунги кунда мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари хусусида фикр билдиринг.*
8. *Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишга оид комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари ва уларни амалга оширишнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилинг.*

2.5. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ

Ҳокимиятлар тизимида суд ҳокимиятининг самарали фаолиятини ташкил қилиш ва ўрнини белгилаш масалаларининг долзарблиги ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг мазкур бўғини зиммасига юклатилган надиган вазифа билан белгиланади. Суд ҳокимияти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва «умуман ҳуқуқ»ни ҳокимият ваколатларига эга мансабдор шахслар ҳамда давлат идораларининг ҳуқуққа хилоф бўлган ҳар қандай қарорлари, хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиши ва шу тарика ҳуқуқнинг ҳукмронлигини таъминлаши жиҳатдан зим. Ўзбекистонда мана шундай ҳокимиятни вужудга келтириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва ислоҳ этишнинг асосий вазифасидир.

Бунда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада оширишда давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзига хос ривожланишнинг янги концепциясини таклиф этди.

Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Шавкат Мирзиёев

Ҳаракатлар стратегиясининг 2.5-банди айнан суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органларнинг самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларнинг аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш кераклиги кўрсатилиб, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўришдангина иборат бўлмай, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олди олиниши, профилактика қилинишини та

Тергов ва айблаш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларини ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарур.

Шавкат Мирзиёев

...ларнинг ...ўлиш услуб... ...ларнинг такомиллаштириш... ...Бунда энг асосий... ...сифатида ...ини муҳофаза ...ва назорат органлари ...ини талабини кучайтириш... ...фаолиятини ...ва манфаатлари йўлида ...ар томонидан халқнинг ишончини қозонишини ...ида, биринчи навбатда, ушбу органларнинг ўз ...ини мустаҳкамлаш, фақатгина шундай ...ва адолатли инсонларнинг ишлашини ...ида қўйилган.

...ва мақсадларга эришишдаги асосий қадам сифатида ...Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ...«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, ...ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ...кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–...Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу Фармон билан ...суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, ҳуқуқни ...органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр...ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ...чора-тадбирлар белгилаб берилди.

...ўзбекистон Республикаси Президентининг ...Фармонидан давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиш...ини ...ириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ...органларининг муҳим вазифалари сифатида бир қатор ...белгиланишлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Жумладан, фармонга ...суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат ...муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилган:

...ларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур ...ириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш ва ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқлик муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий ва интизомий жавобгарликка тортиш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча чораларни кўриш;

фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш;

фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг иш якунларининг комплекс таҳлили асосида лаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш;

ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юқори малакали ва вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш.

Мазкур вазифаларни амалга оширишнинг долзарб аҳамиятига ва уларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш масалаларига **Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш**нинг долзарблигига тўхталиб ўтилган.

Бу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларининг фаолияти ва профессионаллик даражасини баҳолашнинг мезонларига қўйилаётган янги талаблар ва улар фаолиятини самарали режалаштириш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича самарали тизимни жорий қилиш назарда тутилмоқда. Чунки

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Шавкат Мирзиёев

муҳофаза
ҳолатларининг
фаолиятини
мавзу-
ташкил
асосида
ошириладиган
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат
фаолиятининг иш якунларининг комплекс таҳлили асосида
ва ташкил этиш, бунда асосий эътиборни, аввало,
амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини та-
орқали тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва
шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган
чора-тадбирлар таклиф қилинмоқда. Бунинг натижасида
муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси қонун
ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, бал-
ҳолатларининг барвақт олди олиниши, профилактика
таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини ташкил этиш
тубдан ўзгартиришга оид аниқ натижаларга эришиш

Амалга ошириш режалаштирилаётган чора-тадбирлар доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига баҳо бериш фош этилган жиноятларнинг сони ва кўрилган чораларнинг эмас, балки маълум бир ҳудуддаги қонунийликнинг ҳолати, ҳуқуқбузарликни ўз вақтида бартараф ва оширилган профилактик чора-тадбирларнинг яратилган янги иш ўринларининг миқдори, бу ҳолатларни тиклаш ва ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган чоралар миқдори билан баҳолаш тизимига ўтиш назарда

Бундан кўзланган асосий мақсад, ўз вақтида ички ишлар органларининг ҳудудий тизимида профилактика инспекторлари ташкил этилишидир. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яъни

> ***Фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни, аввало, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш.***
>
> **Ҳаракатлар стратегияси, 104-банд**

жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўй хатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев тўғри таъкидлаб ўтганларидек, мазкур масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, маҳалладаги участка нозирларига самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш, шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этиш, уларнинг асосий вазифаси маҳаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этиш долзарб аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясида ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш; фаолиятнинг шаффофлигини, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни, иш натижалари тўғрисида аҳолини хабардор қилишни таъминлаш; ахборот-таҳлилий ишларни ташкил этиш ва фаолиятни норматив-ҳуқуқий таъминлаш; ижтимоий фойдаланиш каби масалаларда тегишли таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси мутасадди давлат органларига юклатилган.

Бу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ўзларининг асосий вазифаси бу қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ёки жазолаш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бош максад эканини англаб етишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Ҳаракатлар стратегиясида

судлар фаолиятини самарали режалаштириш ва ташкил этишни ҳуқуқан такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти самарадорлигига ва халқ манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг 2.5-бандида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш ва тизимни ислоҳ қилиш таклиф қилинмоқда. Маълумки, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш масаласи суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида энг долзарб масалалардан бири саналади.

Шуни қайд этиш лозимки, бугунги кунда ходимларни ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тартиблари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича қамраб олинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва миллий ва хорижий стандартларни мослаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш бугунги кун талабларидан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатларнинг назарий ва амалий тажрибаларини ўрганиш, ижобий томонларини амалиётга татбиқ этиш, таълим соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида вазифаларни амалга оширишнинг долзарб эканлиги ва уларни изчил амалга ошириш борасида Ҳаракатлар стратегиясида ҳам тегишли чоралар белгилаб ўтилган. Хусусан, унда хорижий тажрибаларни ўрганиш, умумэътироф этилган халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилишни таҳлил қилиш ва ривожлантириш масалалари

Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

Шавкат Мирзиёев

муҳим мақсадлардан бири [illegible] тида илгари сурилмоқда. Бунинг учун суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, малакасини тайёрлаш, қайта тайёрлаш малакасини ошириш борасида чет эл олий таълим муассасалари ва идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни ўқитиш борасида ўзаро алмашинувни амалга ошириш, энг илғор ўқитиш технологияларини жалб этиш ҳамда илмий адабиётларни ҳаммуаллифликда нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай натижага суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган ходимларни танлаш ва тайёрлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш режаси белгилаб олинган. Қабул қилинадиган ҳужжатлар ва амалга ошириладиган ишлар доирасида биринчи ўринда юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассалари фаолиятини янада такомиллаштириш орқали Ватанимизга ва халқимизга, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай вазиятда ва ҳар ерда ҳимоя қила оладиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Маълумки, юридик кадрлар тайёрлашдан кейинги босқичда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш босқичи бўлиб ҳисобланади. Мазкур соҳада мутлақ янги шакл ва мазмунга эришиш вазифаси белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари фаолиятини танқидий равишда кўриб чиқилган ҳолда, халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад давлат органларида ишлайдиган юридик кадрларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўлиб, бунда давлат соҳаларида ишлайдиган ходимларни инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз вазифаларига масъулият билан

[illegible] юклатилган вазифалар ечимини топиш ҳамда тўғри [illegible], доимий равишда ўз устида ишлаш каби кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб ҳисобланади.

[illegible] учун юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талаблари ва тартибини янгитдан [illegible] тасдиқлаш, ўқитишнинг янги технологияларини, [illegible] ўқитиш тизимини жорий этиш, янги ўқитиш [illegible] каби ишларни амалга ошириш режалаштирилган. [illegible] бир қаторда, кўриб чиқилаётган энг муҳим масалалардан [illegible] судьяликка номзодларни тайёрлаш ҳамда судьялар [illegible] ошириш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалада [illegible] ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, [illegible] номзодларни кўпроқ ва самаралирок ўқитиш, яъни ўқиш [illegible] таврини узайтириш орқали судьяликка номзодларни [illegible] янги талаблар қўйиш режаси шакллантирилган. Бу [illegible] тайёрлаш жараёни бўлиб, уни ўтаган шахс, ўз [illegible] мустақил фикрлаб, ҳар қандай вазиятга тўғри ва одил [illegible], қонунга қатъий итоат этадиган, давлат ноз[illegible] таъминлайдиган ва фуқароларнинг чинакам адолат [illegible] мустақил судьяларни тайёрлашни англатади. [illegible] қонунларни амалиётда қўллаш, уларнинг мазмунини [illegible] фуқароларга тўлиқ ва тўғри етказиш, фуқароларнинг [illegible] манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш, аҳоли [illegible] ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш бўйича [illegible] ишларни жорий этиш Ҳаракатлар стратегиясида [illegible].

[illegible] кадрларнинг иш фаолияти жараёни ҳам ўта муҳим [illegible] жараёнда уларнинг бир даргоҳда ёки бир фаолият [illegible] ишламаслигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда [illegible] ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг [illegible] ривожланиши, ўз устида ишлашини таъминлаш [illegible] идоралараро ротация қилиш тартибини янада [illegible] ошириш, ушбу жараённинг ягона механизмини шакллантириш вазифаси белгилаб олинган.

[illegible] ишларнинг амалга оширилиши суд, ҳуқуқни муҳофаза [illegible] назорат органлари тизимида сифатли, ҳалол, халқ

манфаати йўлида ишлайдиган, конун устуворлиги ва адолат
натъминлайдиган ходимлар ишлашига олиб келади, деб хисоблаш
асос бўлади. Амалга ошириш режалаштирилаётган чора-тад
лар доирасида юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
оширишни тубдан ислоҳ қилиш, бу борада янги тизимни жо
этиш назарда тутилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, юридик кадрларнинг малакасини
оширишда илғор ўқитиш технологияларидан тўлиқ фойдаланиш,
ривожланган давлатларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
борасидаги ютуқларини жалб этиш асосий мақсадлардан бири
дир. Айниқса, суд ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш долзарбдир. Чунончи, суд
профессионаллик қобилиятини юксалтириш, қонунларни тўғри
аниқ талқин этиш, судьяликка номзодларни тайёрлаш, касб этикаси
ва маҳоратини шакллантириш зарур.

Бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– қонунларни тўғри талқин қилиш қобилиятини шакллантириш,
қонун ва адолат устуворлиги тамойилларини қўллаш;

– ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбияни юқори даражада
шакллантириш;

– қарор қабул қилиш жараёнида судьяларнинг мустақиллиги, ошкора
латпарварлиги, ишончлилигини таъминлаш ҳамда адолатли, қонуний
мувофиқ қарорларни қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Мазкур вазифаларни шакллантириш суд, ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи ва назорат идоралари ходимлари фаолиятида муҳим аҳа
миятга эга. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси янги йўналишларни
белгилаб берди. Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари
ходимларини ротация қилиш механизми ривожланган мамлакатлар
лар тажрибасида ҳам мавжуд бўлиб, амалиётда ижобий натижаларни
берган. Хусусан, Германия юридик тизимида суд, ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи ва назорат идоралари ходимлари икки йил давомида ўқиш
кадрлар алмашуви натижасида ротацияни амалга оширадилар. Бу
эса, ўз навбатида, кадрларнинг ўзаро билим алмашишига, юридик
малакаларининг янада юксалишига олиб келади. Ротация жараёни
суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларининг
унвони, лавозими, иш ҳақи сақланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳаракатлар стратегияси суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва на-
ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта
малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини тако-
тадбирларни асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашнинг яна
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари
ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, про-
филактика ишини ва бартараф этиш бўйича идоравий назорат-
мониторинги механизмларини жорий этиш масаласидир.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари
ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профи-
лактика ишини ва бартараф этишга доир идоравий назорат қилиш,
ўз ўрнида, кутилган даражада самара бермаяпти. Бу соҳа илмий-техника-
ахборот-коммуникация технологияларини жорий
этишни тақозо этмоқда. Бу каби
технологияларнинг жорий этилиши соҳадаги камчиликларни ўз
вақтида аниқлаш ҳамда давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини
виждонан бажаришга масъулият билан ёндашишларини рағбатлантиради.

Ўтган йилнинг шундаги, давлатимиз раҳбари ва давлат бошқарув
органларининг виртуал қабулхонасига халқимиз томонидан кўплаб
мурожаатлар тушмоқда. Хусусан, биргина ўтган йилнинг
ўзида виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар таҳлили
шуни кўрсатмоқдаки, аксарият мурожаатлар тегишли мансабдор
шахслар, давлат хизматчиларининг ўз вазифаларига локайдлиги
натижасида келган. Булар шундан далолат берадики, ол-
ган режалар стратегиясида назарда тутилган идоравий
назоратнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор норматив-
ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек,
ходимлари ўртасида уларнинг шахсий масъу-
лиятини оширишга эришишга қаратилган турли тадбирларни
изчил равишда ташкил этиш вазифалари турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, идоравий назоратнинг та-
мойилларини ишлаб чиқишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идо-
ралари ходимларининг касб-этика қоидаларига оғишмай риоя
қилишга катта аҳамиятга эга. Бунинг учун давлат органлари инсон

Барчамиз ўзимизга бир савол берайлик: одамларда нима учун муаммолар бунчалик кўпайиб кетди, уларнинг дардини ким эшитади? Мурожаатларнинг аксарияти адолатсизликдан, уларни ҳеч ким эшитмаганидан бўлмоқда. Агар прокуратура органларининг эшиги аҳоли учун очиқ бўлганида, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бу қадар кўп мурожаат тушмас эди.

Шавкат Мирзиёев

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
айниқса бирор-бир муаммо
ечими юзасидан мурожаат қ
шахсларнинг ҳуқуқ ва
кларини ҳимоя қилишни
минлашга хизмат қилувчи
хизматчиларининг қаср
қоидаларининг қабул қилиш
ва унга амал қилинишини
лаши зарур.

Ҳаракатлар стратегиясида
қуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ҳақ
ичида бўлишлари, уларнинг ўй-ташвишлари билан яшашлари
албатта халқимизни давлатдан рози бўлиб яшашини ўзларин
бирламчи вазифалари деб билишлари лозим. Ҳар бир давлат
матчиси шуни англаб етиши лозимки, улар фақатгина ҳалқ
учун фаолият юритмоқда ва унинг муаммолари ечилишида
жавобгардир ва буни ўз фаолиятларининг асосий мақсади деб
лишлари лозим. Шу сабабли ҳар бир давлат идораси раҳбари
бир мурожаат қилган фуқарони шахсан қабул қилиши, жамият
ичига кириб бориши ва ўз қўл остидаги хизматчиларини
қилиб боришлари талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда
оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини, аввалambor, маҳ
ҳотларнинг ижросига бевосита масъул бўлган давлат ташкилот
ва уларнинг хизматчиларига ўз вақтида етказиб бориши таъмин
ҳамда тўғри тушунтириш, ислоҳотларнинг пировард мақсади
тида уларнинг тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш зарур.

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларни
ошириш мақсадида қатор идоравий ҳужжатларни қабул қилиш
профилактика ишларини мунтазам равишда амалга ошириш,
нингдек, йил давомида давлат ташкилоти хизматчилари ўртас
уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган
семинарлари ташкил этиш даркор.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат
ри ходимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини

фаолиятини сарҳисоб қилиб, рейтингини шакллантириш,
ишга ҳисобдорлигини таъминлаш муҳим аҳамият

Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил
Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир
вакиллари билан учрашувида «2017 йилдан бошлаб
ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари
аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий эти-
ларда, вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб
тузиш борилади. Уларнинг фаолиятига рейтинг
асосида баҳо берилади», деб таъкидлаган эди.

Юқорида қайд этилган қонунлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг
кафолатини кучайтиришни, халқимизни давлатга, хусусан, ҳо-
ва ҳокимларига ишончи мустаҳкамланишига, фуқаролар
ҳуқуқий онгида новаторлик руҳининг мустаҳкамланишига ва
органлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини тўлиқ
таъминлайди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини
белгиланган тартибда ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда
холис ва ўзаро ҳурмат муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйиш
органлари ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш
назоратини кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига
таъминлаш, юксак ахлоқий-иродавий
фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга ошириладиган
ишларнинг самарали бажарилишини таъминлашга
ходимларини шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш
механизмларини такомиллаштиришни талаб этади.

Давлат бошқаруви тизимида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
ва назорат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг
ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини
ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, улар
раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига
вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш,
коррупцияга қарши курашиш соҳасида назорат органларининг
ва Олий Мажлис палаталари парламент ва жамоатчилик назоратини амалга

ошириш, ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳукукбузарликларга йўл қўймаслик, шунингдек, ҳукукни муҳофаза қилувчи органлари ва назорат идоралари мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш талаб этилади.

Ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳукуклари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни янада кучайтириш, шу билан бирга, ушбу соҳа вакилларининг хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматга қабул қилиш тизимини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 январь куни бўлиб ўтган, Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодиётдастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида 2017 йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазифаларни амалга ошириш куйидаги учта энг муҳим талабга жавоб этувчи даражада боғлиқ экани таъкидланди:

биринчидан – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалари учун шахсий жавобгарлиги;

иккинчидан – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлаш, ишни биргаликда бажариш, натижа учун эса ҳар бир ходим шахсан жавоб бериши;

учинчидан – каторларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай нохуш холатнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини куритиш тўғрисида айтган эди.

Албатта, Президентимизнинг бундай сўзлари ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда назорат идораларида ҳам аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашда, ушбу идоралардаги кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай нохуш холатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳукукни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида тўхталиб ўтилган масала саналади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг жамиятда демократик ҳукукий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш олий мақсад қилиб қўйилди. Ҳукукий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири эса, жамият ва давлат ҳаётида қонун устуворлигининг сўзсиз тан олиниши, жамият аъзолари ўртасида юзага келадиган барча муносабатларда қонунларга бўлган ҳурматнинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси таъкидлаганидек, «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» деб белгилаб қўйилган. Шу боис ҳам, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг ўрни қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаб борилиши ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида қилинган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ҳам ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим

> ***Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукукига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.***
>
> **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 32-модда**

пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, жумладан, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз», деб таъкидлаган эди.

Кейинчалик эса бу масала, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди. Унда, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш лозимлиги белгиланди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдан кўзланган мақсад, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари) шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратни таъминлашдан иборатдир. Чунки, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Жамоатчилик назоратининг муайян жиҳатлари, одатда, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини назарда тутадиган, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинади. Давлат ўз фаолиятининг очиқлигини аҳолини хабардор қилиш ва у билан мунтазам мулоқот

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз.

Шавкат Мирзиёев

[illegible] жамоатчилик [illegible] жамоат кенгашлари ва фуқаролик жамияти [illegible] органларини ташкил [illegible] таъминлайди.

[illegible] стратегиясида жамоатчилик назорати механизмини [illegible] масъулиятли шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини [illegible], уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш [illegible] тутилади. Бунинг натижасида жамоатчилик [illegible] давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида ўзаро мулоқотни [illegible], жамиятда манфаатлар мувозанатини [illegible]. Бошқа томондан, жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари [illegible] фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг янада ривожланиши [illegible] оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга ҳамда [illegible] фуқаролик жамияти институтларининг мавқеини оширишга, [illegible] сиёсий ва ҳуқуқий онги юксалишига, демократик [illegible] ҳокимлик онги ва ҳаётига сингдиришга асос бўлади.

[illegible] стратегиясида мазкур соҳада амалга оширилиши [illegible] вазифалардан бири бугунги кунда ҳуқуқни [illegible] қилувчи ва назорат органлари олдида турган муҳим [illegible] фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган [illegible] мустаҳкамлаш ҳисобланади.

[illegible] ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат [illegible] фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, [illegible] институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш [illegible] назарда тутилган. Айниқса, маҳаллаларда мазкур органлар [illegible] аҳоли билан мунтазам равишда учрашиб туриш [illegible] кучайтириш лозимлиги назарда тутилган.

[illegible] ўрнига, Ҳаракатлар стратегияси жамоатчилик назоратини [illegible] ошириш механизмини жорий этади, масалан, [illegible] прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг [illegible] тизимини татбиқ этиш шулар жумласи-

дандир. Шу билан бирга, прокуратура ходимлари фаолиятини рейтингли баҳолаш тизимининг жорий этилиши орқали келажакда уларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш масаласи белгиланади.

Шунингдек, жойлардаги маҳаллаларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш орқали давлат органлари олдида ва жамоат бошқарувида уларнинг нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида очиқликни рўёбга чиқариш, жамоатчиликнинг иштирокини ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тизимни яратишда давлат органлари фаолияти юзасидан бўлгани каби, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам ҳар томонлама ва танқидий қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Шу билан бирга, давлат органлари ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида стратегик ҳужжатлар ҳажмини қисқартириши ва уларни аҳолининг кенг қатламларига етказиши лозим. Шундай қилиб, давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг тармоқ-ҳудудий бўлинмалари ўз фаолияти ва маҳаллий ҳужжатлари юзасидан маълумотларни тегишли веб-сайтларда эълон қилиб боради.

Шунга асосан, Ҳаракатлар стратегияси давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш механизми қуйидагиларни йўналтирилган бўлиши лозимлигини белгилайди:

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юқори турувчи жадаги очиқлигини таъминлаш;

– давлат ҳокимияти ва органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

– давлат ҳокимияти ва органларининг фаолияти юзасидан жамоат назоратини кучайтириш;

– шунингдек, фуқароларнинг ишончини ошириш.

Жамоатчилик назорати механизмини жорий этиш ва ривожлантириш халқнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига бўлган ишонч даражасини оширади, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, бу эса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи энг асосий ҳимоячисига айлантиради.

Белгиланган чора-тадбирларнинг, хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни мустаҳкамлашга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда қонун устуворлигини, шунингдек, халқимизнинг онгини ва осойишталиги, жамият ҳаётида қонунийлик ва адолат тамойиллари қарор топишини таъминлашга хизмат қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади нимадан иборат, деб ҳисоблайсиз?*
2. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини самарали режалаштириш деганда нимани тушунасиз? Режалаштиришнинг аҳамияти қандай?*
3. *Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва омилларини бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига қандай энг асосий вазифалар юклатилади?*
4. *Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни аниқлашда профилактик тадбирларнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?*
5. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари билан жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги қандай шаклда йўлга қўйилиши лозим деб ҳисоблайсиз?*
6. *Ҳокимлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятига қандай таъсир қилади?*
7. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар ресурсини режалаштириш деганда нимани тушунасиз?*
8. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар деганда нимани тушунасиз?*
9. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?*
10. *Прокурорлик назорати деганда нимани тушунасиз?*
11. *Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоатчилик назорати бўйича қандай нормалар мустаҳкамланган?*
12. *Прокурорлик назорати институтининг ривожланишида жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли нималарда намоён бўлади, деб ўйлайсиз?*

2.6. ЮРИДИК ЁРДАМ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар – давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш яққол мисолдир. Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда юридик хизмат муҳим роль ўйнайди.

> ***Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча хўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш маъданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир.***
>
> **Ислом Каримов**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, бир қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Республикамизда бугунги кунга келиб, тегишли равишда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари 600 000 дан ортиқни ташкил этади. Шундан якка тартибдаги тадбиркорлар 230 000 га яқин, микрофирма ва кичик корхоналар 190 000 дан зиёд, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар 4 900 дан кўп, фермер хўжаликлари 160 000 дан ортиқ, бошқа корхоналар 74 000 яқиндир. Юртимизда шунча тадбиркорлик субъектлари фаолият юритар экан, улар фаолиятида юридик хизмат қай даражада таъминланган, деган савол туғилади?

Бизга маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда улар у ёки бу соҳада албатта юридик хизмат ходимининг масалаҳатига ёки унинг ёрдамига муҳтож бўлиши табиий ҳол.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги ***«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»***ги Қонунида белгилаб қўйилган.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ***2007 йил 24 августдаги 182-сон қарори*** қабул қилинди ва мазкур қарор билан ***«Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги*** ва ***«Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги низомлар*** тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ***2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори*** билан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини беш йилда бир марта аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш мустаҳкамлаб қўйилди. Юридик хизматга ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 июндаги ***«Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари фаолиятининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*** 149-сон қарорининг қабул қилиниши бу соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва

ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жамиятда қонунчиликка риоя этилишида давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари доимий кўмаклашиб келмоқда.

Шу билан бирга, юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишининг олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани, юридик хизматларни ташкил этишнинг тартиби, уларнинг штат бирликларини белгилаш меъёр ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон бермаяпти.

Юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаган. Мазкур соҳадаги ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан аниқланган камчилик ва қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш, салбий ҳолатларнинг тўғри қонуний ечимини топиш мақсадида **Ҳаракатлар стратегиясида** бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, юридик хизмат соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 19 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***«Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»***ги ПҚ–2733-сон Қарори қабул қилинди. Қарорда юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишларини самарали ташкил этиш, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси, мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юқори малакали кадрларни жалб қилиш, юридик

хизматлар ишининг сифатини оширишга қаратилган ишларни ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш каби масалалар белгилаб қўйилди.

Ушбу Қарорга асосан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимлари учун белгиланган ***мартаба даражаларини бериш***, кўп йиллик хизмат учун ***устамаларни тўлаш*** тартибини татбиқ этиш, юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганида мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобга олиниши, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича ***уч йиллик стажига*** эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун ***адвокат мақомига*** эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли ***стажировка ўтмасдан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши***, юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган ***маблағнинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари***дан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланиши каби масалалар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланиб, вазирлик тизимида қўшимча 5 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан ***Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси*** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса, қўшимча 14 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш нуқтаи билан тегишли ***шўъбалар ташкил этилиши*** мустаҳкамлаб қўйилди. Бошқарма давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги ягона, ҳамма эркин

Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»
Давлат дастури, 115-банд

фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар базасини яратиш, уни мунтазам равишда янгилаб туриш, юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш масалалари билан шуғулланади.

Лекин, шунга қарамай, бугунги кунда юридик хизмат соҳасида бир қатор камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Биргина мисол, мавжуд юридик хизмат ходими штат бирликларининг қарийб **20 фоиздан ортиғи вакант**, яъни бўш, кўпгина юридик хизмат ходимлари олий маълумотга эга эмас.

Шу мақсадда Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш учун адлия органлари тизимида уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилмалар ташкил қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда амалда бўлган юридик хизмат, ҳуқуқий ишлар ва уларга услубий раҳбарлик қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришга давлатимизнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлари томонидан катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, ушбу қарорнинг мазмунидан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантириш учун бир қанча ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, юридик хизмат фаолиятини тартибга солиш мақсадида **«Ўзбекистонда юридик хизмат тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш, бу барча мулк шаклидаги юридик хизмат фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади;

Иккинчидан, адлия органлари ходимлари, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматининг малакали ходимлари томонидан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ёш ходимларига, тадбиркорлик субъектларига уларнинг малакасини ошириш мақсадида тренинг машғулотлари олиб боришни (видеоконференция ёки бошқа усулларда) ҳамда Ўзбекистон юристлар ассоциациясини ташкил этиш;

Учинчидан, юридик хизмат ходимларини жаҳоннинг ҳуқуқ соҳасидаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш ва юридик хизмат тузилмаларига тажриба алмашиш учун юбориш амалиётини кенгайтириш;

Тўртинчидан, юридик хизмат ходимларининг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш мақсадида имтиёзли (ипотека, истеъмол, автотранспорт ва бошқалар) кредитларни бериш йўли билан уларни рағбатлантириш лозим.

Адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатнинг ўрнини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатура институти такомиллаштирилиши назарда тутилган.

Жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларининг юритилишида адвокатнинг ролини кучайтириш мақсадида қуйидаги ишлар кўзда тутилмоқда:

1. Адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизми такомиллаштирилади. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида, «Адвокатура тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида адвокатлар судларда, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳуқуқи эгадирлар, деб белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 87-моддасида исботловчи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган

маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли» экани қайд этилган. Эндиликда Ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатларнинг далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш тартиби такомиллаштирилади.

2. Судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартиби аниқлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида адвокатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари келтирилган бўлиб, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида аниқ берилмаган. Масалан, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида «Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади» деб келтирилади. Адвокатлар сўровнома билан давлат органлари, ташкилотлари ёки муассасаларига мурожаат қилганида сўровномага адвокатлик ордери илова қилинмаганлиги важи билан юқорида келтирилган қоидага асосланиб, сўровномага жавобсиз қолдириш ҳолатлари учраб туради. Шу каби тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси асосида судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифнома ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартиби аниқлаштирилади.

3. Фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек, жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштироки кенгайтирилади. Фуқаролик ва хўжалик ҳуқуқий муносабатларда низонинг судга қадар ҳал этилиши шартнома тарафларининг низодан кейинги ҳуқуқларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Шу сабабли низоларнинг судга қадар ҳал этилишидан тарафлар манфаатдор бўлади. Қонун ҳужжатларимизда адвокатнинг ишга кириб келишига чеклов қўйилмаган бўлса-да, одатда адвокатлар низо бошланганидан кейин ишга кириб келади. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 6-моддасида хўжалик ишини қўзғатиш асослари келтирилган бўлиб, унда айрим тоифадаги низолар учун низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган. Агар тегишли тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўришларидан сўнггина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкинлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 5-моддасида фуқаролик ишини қўзғатиш асослари келтирилган бўлиб, фуқаролик ишини қўзғатишда низони судгача ҳал қилиш тартиби белгиланмаган. Ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатларнинг низони судгача ҳал қилиш жараёнидаги иштироки ва тартиби қонун ҳужжатларига асосан белгиланади.

Шунингдек, жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат кузатувчи позициясида туриши, яъни, ярашув йўли билан ишлар бўйича суд муҳокамасида фикр билдириш ҳуқуқи чекланиши белгиланган. Эндиликда Ҳаракатлар стратегияси асосида жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокатнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда адвокатнинг роли оширилади.

4. Судда иш юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби қайта кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида «Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади» деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 9 апрелдаги 91-мх рақамли буйруғи асосида Адвокат томонидан

иш олиб бориш учун ордер шакли тасдиқланган. Эндиликда суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби, замон талабидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилади.

Адвокатура институтини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

1. Адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бериш. Адвокатларни низолашувчи тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, низони ҳакамлик судида кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди судьяси сифатида танлаш имкони берилмоқда. Натижада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларга давлат аралашуви минималлашади, низоларни судгача ҳал қилиш тартиби кенг қўлланилишига эришилади.

2. Адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш. «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида адвокатларга юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1971-моддасида адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилгани учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган. Унга кўра, адвокат сўровига жавоб тақдим этмаслик адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш сифатида баҳоланади. Аммо, қонун ҳужжатларимизда адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари белгиланмаган. Адвокатнинг сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларининг қонун ҳужжатларида қатъий белгиланиши ваколатли давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа корхоналар масъул ходимларининг адвокат сўровини кўриб чиқишдаги масъулиятини оширади.

3. Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари нодавлат-нотижорат ташкилотлари сифатида фаолиятнинг адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилган бўлиб, қонунда белгиланган истиснолар мавжуд. Шунингдек, адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган гонорарлар миқдорига ушбу моддада белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Бугунги кунда адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларини солиққа тортиш тизимидаги нокулайликларнинг бартараф этилиши адвокатларнинг реал даромадларининг ошишига, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

4. Адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириш. Адвокатлик фаолияти лицензияланадиган фаолият туридир. Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 60-сон қарорида адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг қарорлари асосида берилиши белгиланган. Шунингдек, зарур билимлар ва касбий малакаларга эга бўлган шахсларга лицензиялар бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек, адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишни олиб бориш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

Малака комиссиялари Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш, малака комиссияларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комисси-

ясининг таркиби Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда тасдиқланади.

Малака комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 68-мҳ-сон буйруғи асосида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида»ги низомга ва «Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 69-мҳ-сон буйруғи асосида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида»ги низомга асосан амалга оширади.

Шу тариқа адвокатлик лицензияси беришда малака комиссияси йиғилишларида адлия органларининг иштирокини қисқартириш орқали адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтиришга эришилади.

5. Адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатишнинг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш. «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда адвокат мақомини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатиш борасида суд тартибининг босқичма-босқич жорий этилиши, шахс ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган қарорларнинг суд тартибида қабул

қилинишини таъминлаб, адвокатларнинг ҳуқуқлари кафолатланишига олиб келади.

6. Адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш. «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида адвокат тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Демак, қонунда фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокат мақомига эга бўлиши белгилаб берилган. Шунингдек, қонун адвокатлик тузилмаларини адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ёхуд юридик маслаҳатхона шаклларини назарда тутади.

> ***Адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатнинг ўрнини ошириш.***
>
> **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»**

Адвокатлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, адвокатларга қулай шароит яратиш мақсадида адвокатлик тузилмаларининг янги шаклларининг ҳуқуқий асоси яратилиб, адвокатларга янада кенг имкониятлар берилиши зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, тор доирадаги малакали хорижий давлат фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратиб беришни таъминлаш йўлида, халқаро-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва хўжалик-ҳуқуқий масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида хорижий фуқароларга адвокатлик лицензияларини бериш тартиби жорий этилади.

7. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни

ривожлантириш. «Адвокатура тўғрисида»ги қонун адвокатлик тузилмаларининг адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ёхуд юридик маслаҳатхона шаклларини назарда тутади. Юридик маслаҳатни ривожлантириш мақсадида, қонун асосида уларнинг ваколат ва ҳуқуқлари кенгайтирилади. Юридик маслаҳатхоналар ва юридик консалтинглар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларга солиқ имтиёзлари берилади.

Нотариат ва ФҲДЁ органлари тизимини ислоҳ қилиш. Мамлакатимизда нотариал фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, ***1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги қонун*** ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. ***Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони*** бу соҳадаги ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди. Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигининг қатор буйруқлари қабул қилинди ва нотариат соҳасига оид деярли барча норматив ҳужжатларга ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони***, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига кўра, нотариал идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича келгусида қонунчиликка қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилмоқда. Жумладан:

Нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва тадбиркорларга нотариат соҳасида интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури, 38-банд

Нотариус лавозимига номзодлар учун стажировка муддатини қисқартириш. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига асосан нотариус лавозимига номзодлар учун стажировка муддати икки йил қилиб белгиланган. Лекин айрим шахсларга жумладан, судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкани ўташ муддати бир йилни ташкил этади. Келгусида ушбу муддатлар янада қисқартирилиши назарда тутилмоқда.

Нотариус ёрдамчисига ҳужжат нусхалари тўғрилигини тасдиқлаш ваколатини бериш. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига кўра, юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин. Нотариус ёрдамчиси, нотариусининг топшириғига кўра, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишга, битимлар, аризалар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тузишга, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ва тўшкатларини, улардан кўчирмаларни тайёрлашга, шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга ҳақли. Ўзгартиришга асосан эндиликда нотариус ёрдамчисига ҳужжат нусхалари тўғрилигини тасдиқлаш ваколати берилмоқда. Бу нотариус ёрдамчиларига ўзига тегишли бўлган нотариал ҳаракат юзасидан фуқароларни шахсан қабул қилиш имкониятини беради.

Нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва уларни даврий ротация қилиш тартибини жорий этиш. Бошқа давлат органларида бўлгани каби нотариусларни ҳам ҳар беш йилда аттестациядан ўтказиш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки нотариусларни аттестациядан ўтказиш уларнинг билим даражасининг ошишига, қонунчиликдаги ўзгаришларни билишларига, бу соҳада зарур кўникмани шакллантиришларига, халқ билан мулоқотда адашмасликка олиб келади. Нотариусларни ***даврий ротация қилиш тартибини жорий этиш*** эса ҳар бир нотариус учун янада масъулиятни ошириш, халқ билан мулоқотни янада яхшилаш, барчанинг тенглигини таъминлаш, қайси ҳудудда

нотариус бўлишидан қатъи назар, шу ҳудуд фуқароларини
билиш кўникмасини шакллантиришга сабаб бўлади. Шу
энг асосий жиҳатлардан яна бири – коррупциянинг олди
Чунки ҳудуд, жой ўзгариши нотариусларнинг бошбошдоқ
чек қўяди. Таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик асосида
тириш ҳолатларининг йўқ бўлишига сабаб бўлади. Нотариус
барчага тенглик, адолат ва қонунийлик принципларига амал
ҳолда муносабатда бўлади.

**Нотариал идораларга электрон шаклда мурожаат
тартибини белгилаш.** Бу ўзгартириш суд-ҳуқуқ ислоҳотлари
энг асосийларидан бири бўлиб, бунда фуқаролар
қизиқтирган айрим масалалар юзасидан электрон тарзда мур
қилиши, нотариуслар билан уйида туриб ўзини қизиқтирган
тариал ҳаракатлар бўйича маслаҳатлар олишини назарда
Шу билан бирга, электрон мурожаатларга бериладиган
ҳам электрон ҳамда ёзма шаклда бўлади. Бу борада фуқаро
лаш имконияти берилади. Агар истаса, электрон мурожаат
ҳолда почта орқали жавоб олиши ҳам мумкин. Лекин амал
фойдаланувчиларнинг 85 фоизи ўз мурожаатларига электрон
орқали жавоб олишни маъқул кўрада. Электрон тарзда мур
йўллаш нафақат осон ва қулай, балки ишончли ҳамдир. Чун
йўл билан айрим бюрократик тўсиқлар бартараф этилади
навбатида, аҳолининг ҳуқуқий онгини янада ривожлантир
нотариал идоралар ишида замонавий ахборот технологи
жорий этишни кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

**Давлат божини электрон тўлов тизимидан фойдал
ҳолда қабул қилиш тартибини жорий этиш.** Ўзбекистон
публикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 21 модд
нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун
ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи
риши, нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун
жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки
шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт харажатларини
ўрнини қоплашлари, нотариусга мурожаат қилган жисмоний
юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга му
нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва

ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган
белгиланган. Эндиликда давлат божлари

**аҳсаткиз деб топилган фуқаролар тўғрисида
бор базасини шакллантириш.** Ўзбекистон Республ-
«Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддасига кўра,
берилаётганида уларда иштирок этаётган
муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади
ҳуқуқий лаёқати текширилади. Эндилик-
нотариуслар муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларни
аниқлаб, уларга нисбатан нотариал ҳаракатни
масаласини ҳал қилишда енгиллик киритилади.
орқали нотариал идорага мурожаат қилган
муомалага лаёқати текширилади ва бу ҳақдаги
китобларига киритиб қўйилади. Шу билан
амалиётнинг жорий қилиниши нотариал идоралар
ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

**уч йиллик стажга эга бўлган нотариус ёрдам-
стажировкани ўтамасдан туриб нотариус
лаш учун танловда иштирок этиш имконини**
тизимида кадрларнинг барқарор захираси-
учун замин яратади. Бунда нотариус ёрдамчиси
талаблар ўзгартирилиб, ёрдамчилардан ҳам олий
киришишини билдиради. Лавозимда уч йиллик
ҳар қандай шахс ушбу соҳада озгина бўлса ҳам
Нотариус ёрдамчиларининг ҳам уч йиллик
давомида албатта нотариал ҳаракатларни амалга
кўникмалар шаклланади. Шундай экан, нотариал
юритаётган, олий юридик маълумотга эга бўлган,
ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси
нотариус ёрдамчиларига нотариус лавозимини
танловда иштирок этиш имконияти берилди.

**органлари фаолиятига замонавий ахборот техноло-
жорий этиш.** Фуқаролар иштирок этадиган фуқаролик,
бошқа ижтимоий муносабатларда ҳуқуқларни амалга
қилишни таъминлашда фуқаролик ҳолати да-

лолатномаларини қайд этиш ўзига хос ўрин эгаллайди. Қонун фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар ҳаётидаги муҳим воқеалар – туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатилишига сабаб бўладиган бошқа ҳолатларнинг ваколатли органларда қайд этилишини белгилайди. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари пайдо бўлишига сабаб бўлиб хизмат қилувчи ҳужжат (гербли гувоҳнома) бериш учун асос бўлади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг аҳамияти шундаки, унга асосан ФҲДЁ органи томонидан берилган гувоҳнома ва унда кўрсатилган фактнинг тўғрилигини тасдиқловчи шаксиз далил ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланади, икки нусхада тузилади ва ФҲДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади. Масалан, никоҳ қайд этилган ҳақидаги гувоҳнома бу никоҳдан ўтган шахсларнинг эр-хотинлигини тасдиқловчи ва улар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келганини ифодаловчи ҳужжат бўлса, никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома никоҳда бўлган шахсларнинг никоҳи тугатилганини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларидан бири бўлган никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш бўйича статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда 2016 йилда ФҲДЁ томонидан 275 мингта никоҳ ва 29,4 мингта никоҳдан ажралиш ҳолатлари қайд этилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларига тааллуқли бўлгани боис мазкур фуқаролик ҳолати ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри қайд этилишини талаб қилади.

Никоҳ тузиш ихтиёрий бўлиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Бунинг учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳдан ажралиш юридик факт бўлиб, эр-хотинлик муносабатларининг тугатилишини англатади ва суд тартибида ҳамда қонун

ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

> ***Кун тартибида ўта жиддий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, «ноу-хау» намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдир.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

Мавжуд воқелик фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этишда ФҲДЁ органлари фаолиятини такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Бугунги кунда ФҲДЁ органлари тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўта долзарб масалалардан биридир. Чунки, ҳозирги кунда фуқаролик ҳолати ҳужжатларига доир маълумотлар нафақат бир тизим доирасида, балки бир неча давлат органлари, идоралар, ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, маълумотлар алмашишга эҳтиёж мавжуд. Бугунги кунда фуқаролик ҳолати ҳужжатларини нафақат қоғоз шаклда, айни вақтда электрон ҳужжат кўринишида маълум муддат (айрим ҳолларда узоқ муддат) сақлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турли тузилмалар билан тез ахборот алмашиш ва қулайликка эришиш учун ФҲДЁ органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш белгиланди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, масалан, никоҳни қайд этишни сўраб фуқаро ФҲДЁ органига ариза билан мурожаат қилади. Бунда ФҲДЁ органи томонидан Оила кодекси 16-моддасида белгиланган қоидалар асосида никоҳланувчи шахсларнинг лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс бўлса, улар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги лозим. Никоҳланувчи шахс эса бошқа ҳудудда яшайдиган бўлса, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлиши мумкин. ФҲДЁ органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ушбу масалани самарали ҳал қилишга имкон беради.

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари тизимини ислоҳ

этиш, бу борада қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фуқаролик-ҳуқуқий ва хўжалик низоларини ҳал этишга қаратилган институт сифатида нотариал идораларнинг ролини ривожлантиришга, аҳолига қулай ва сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишига, нотариал идораларни малакали мутахассислар билан тўлдиришга, нотариал идоралар ва ФҲДЁ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Ҳаракатлар стратегиясида давлат органларининг нотариал хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган?*
2. *Ҳаракатлар стратегиясида адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатнинг ўрнини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот беринг.*
3. *Адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иш олиб бориш этиш ҳуқуқининг берилиш зарурати ҳақида фикр юритинг.*
4. *Адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш зарурати ҳақида гапириб беринг.*
5. *Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиққа тортиш тизимини мақбуллаштиришдан кўзланган мақсад ҳақида гапириб беринг.*
6. *Адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини кучайтиришнинг ижтимоий зарурати ҳақида гапиринг.*
7. *Адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатиш ишларини суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш зарурати ҳақида гапиринг.*
8. *Ҳаракатлар стратегиясида нотариат ва ФҲДЁ органлари фаолияти тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида гапиринг.*

III боб.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

Ўтган йиллик мустақил тараққиёт даврида иқтисодиётда бозорга асосланган структурага асосланган бошқарув тизимидан босқичма-босқичлик билан воз кечилиши, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилиши ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани натижасида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида пасайишини таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз. Бу тамойиллар Ўзбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев

Айни вақтда мамлакатимиз иқтисодиётида тараққиёт йўлининг мураккаблиги бугунги кунда ташқи бозордаги конъюнктураси ноаниқлигининг ошиши, ташқи савдода протекционизм шаклларининг кучайиши тобора кучайиб бораётганини инобатга олишимизни янада мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан янги суръатлар билан ривожланишни таъминлаш учун мутлақо янгича ёндашувларни ҳамда тамойилларни танлаш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шу нарсани эътиборга олиб, **Ҳаракатлар стратегиясининг** биринчи йўналиши доирасида **макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг устувор вазифалари белгилаб олинди:**

иқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган дастурлар асосида таркибий ва институционал ўз-

гаришларни чукурлаштириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

– харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

– солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини содда-лаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

– илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

– банк тизимини ислоҳ қилишни чукурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

– суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

– халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли

мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ушбу масалаларни амалга ошириш асносида Ҳаракатлар стратегиясида таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш, унда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, шунингдек, миллий валюта ва нархлар даражасининг барқарорлигини таъминлаш назарда тутилган. Иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигига боғлиқдир. Бунинг учун товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) ўзгаришини кузатиш методикасини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Марказий банк томонидан белгиланадиган қайта молиялаш ставкаси молия бозорини тартибга солишнинг асосий кўрсаткичидир. Шу борада, яъни молия бозорларини ва тижорат банкларининг инвестициявий имкониятларини барқарорлаштириш учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаларини белгилаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясида ушбу соҳани янада ривожлантириш ва Марказий банкнинг асосий регулятори бўлмиш қайта молиялаш ставкасини ўрнатишнинг халқаро методикасидан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг очиқлиги ва молия бозорларининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ўтган йилларда амалга оширилган банк-молия соҳаларидаги тизимли тадбирлар натижасида, яъни 2016 йил давомида ўтказилган стерилизация операцияларининг ўртача ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 мартага ошди. Бу эса банк тизимидаги ликвидликни самарали бошқаришга, пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан ортиқча ошишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Айни дамда, товар ва хизматларни харид қилишда нақд пулсиз, нақд пул кўринишидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Аммо неъматларни нақд пулсиз кўринишда айрибошлаш амалга оширилганда сотувчилар томонидан сунъий равишда нархларнинг ошириб кўрсатиш ҳолатлари юзага келмоқда. Мазкур ҳолат икки хил кўринишдаги тўловлар ўртасидаги тафовутнинг бир-биридан кескин фарқланишига ва натижада истеъмолчиларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, нархларнинг бозор конунларига зид бўлган ҳолатда ўсишига олиб келмоқда.

Юзага келаётган ноиқтисодий камчиликларни бартараф этиш бўйича 2017–2021 йиллар давомида нақд пулсиз кўринишда товар ва хизматлар сотишда сунъий юқори нархлар ўрнатганлик учун жавобгарликни ошириш ҳамда бозор механизмларини жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланган. Иккинчидан, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга нархларни декларация қилиш тартибини босқичма-босқич қисқартириш ҳамда кейинчалик 2020 йилда уни бекор қилиш вазифаси белгиланган.

Учинчидан, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шаклларини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш лозим. Бунинг учун аҳолига муайян вакт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш; банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкинг», «Интернет-банкинг», «Мобил-банкинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб ракамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш; тўлов терминалларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини икки мартага қисқартириш; пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш; валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни қайтаришнинг тартиб-таомиллари ва технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, ички ва халқаро савдони амалга оширишда валюта курси асосий таъсир кўрсатадиган омил сифатида қаралади. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси валюта тизимида валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги намоён бўлмоқда. Жумладан, валютавий назорат жараёнига аслида назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларининг фаол тарзда жалб этилганлиги валютавий назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига, жорий валюта бозори ликвидлилик даражасининг паст даражада эканлиги эса, миллий валютанинг номинал алмашув курсини талаб ва таклиф асосида шакллантириш жараёнига салбий таъсир қилмоқда.

Чунончи, валюта курси ва паритети ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, валюта курси нақд ва нақдсиз пул айланмаларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Аммо пул тизимининг айрим элементлари ривожланишда давом этиб, тизимнинг ўзига, иқтисодиётнинг ҳолатига, айрим даврий оралиқларда, бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Масалан, пуллар таклифининг кескин ошиши инфляция даражасининг ўсишига ва шунинг асосида пул қийматининг пасайишига олиб келади. Ёки миллий валютанинг расмий алмашув курсининг ошиши мамлакат экспорт салоҳиятининг пасайишига ва шу тарика хорижий валюталар таклифининг камайишига олиб келиши мумкин.

2016 йилда сўмнинг ҳамкор давлатлар ва бошқа асосий хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсининг қадрсизланиши мамлакатимиз экспорт қилувчи корхоналари рақобатдошлигининг кучайишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валюталар ва олтин билан амалга ошириладиган своп операциялари

ҳажмини ошириш ва миллий валютанинг номинал алмашув курси-
ни АҚШ доллари, евро ва Япония иенидан ташкил топган «валюта
савати»га нисбатан аниқлашни жорий қилиш йўли билан миллий
валюта – сўмнинг девальвация суръатини пасайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АҚШ Федерал за-
хира тизими, Европа Марказий банки ва Япония Марказий банки
билан валютавий своп операцияларини узлуксиз равишда амалга
оширишни йўлга қўйиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан,
жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлаш билан
боғлиқ бўлган муаммолар барҳам топади; иккинчидан, Марказий
банкнинг расмий халқаро валюта захираларини бошқариш имко-
нияти кенгаяди.

Шу борада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш
учун валютани тартибга солишнинг илғор бозор механизмлари-
рини босқичма-босқич жорий этиш кун тартибидаги бирламчи
масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам валютани тар-
тибга солишнинг янгича механизмларини ишлаб чиқиш бўйича
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини тайёрлаш
Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилди. Қарор лойиҳасида
қуйидагиларнинг акс этиши назарда тутилган:

– валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор механизмини ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини таъминловчи ва қўллаб-қувватловчи валюта курси сиёсатини такомиллаштириш;

– тадбиркорлик субъектларининг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;

– ҳар қандай манипуляцияларнинг олдини оладиган механизмларни жорий этган ҳолда, хорижий валютанинг биржада эркин муомалада бўлишини таъминлаш;

– тижорат банклари томонидан жалб қилинган ва ўз ресурслари ҳисобидан хорижий валютани тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда эркин сотиш тизимини жорий қилиш;

– бюджетга қўшимча тушумлар, тижорат банкларининг жорий кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг тармоқларини вақтинчалик молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

> ***Тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш.***
>
> **Ҳаракатлар стратегияси, 126-банд**

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлида Ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат инвестицияларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджетининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти у бажараётган функцияларда намоён бўлади. Унинг асосан иккита функцияси мавжуд: тақсимлаш; назорат. Давлат айнан бюджетнинг тақсимлаш функциясига таяниб, ихтиёридаги марказлашган молия ресурсларини шакллантиради ва уларнинг ёрдамида умумдавлат эҳтиёжларини пул ресурслари билан таъминлайди.

Молиявий назорат тизими субъектлар (назорат қилувчилар), объектлар (назорат қилинувчилар), назоратнинг усул ва воситаларини оптималикда жамлаб, ўз ичига олади. Молиявий назоратнинг муҳим шаклларидан бири – бу давлат бюджет-молия назорати ҳисобланади. Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари учун мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир этувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун вақтлик билан зарур чора-тадбирларни белгилаш имкониятига эга бўлинади.

Давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш уларнинг самарадорлигини ошириш, нақд пул муомаласи механизмларини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бугунги воқелик талабларидан долзарб бўлиб қолмоқда. Бунинг учун давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларни давлат секторида ҳисобга олишнинг халқаро стандартларига мослаштириш орқали уларнинг

шаффофлигини таъминлаш ҳамда пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш, шу жумладан, иқтисодиётнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қайта молиялаштириш ставкасини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Халқаро глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бораётгани мамлакатларнинг валюта сиёсатига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва қатор давлатларда «голланд касали»нинг юзага келишига туртки бермоқда. «Голланд касаллиги» табиий ресурс манбаларининг кашф этилиши натижасида мамлакат саноатлашув даражасининг пасайиб кетиши, давлат миллий валютасининг кучли ревальвацияланиши ва натижада мамлакат экспорт товарлари рақобатдошлигининг сезиларли даражада пасайишини англатади. «Голланд касаллиги»га учраган давлатда асосий экспорт товарларини ишлаб чиқаришга асосланган мамлакат қайта ишлаш саноатида кескин пасайиш юз беради ва мамлакатнинг анъанавий экспорт тушумлари манбаи бўлган қайта ишлаш саноатига нисбатан кучли салбий таъсир вужудга келади. Табиий ресурслар учун қулай баҳолар шароити йўқолгач, мамлакатнинг кучсизланган анъанавий саноати орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаши анча оғир кечади.

Юқоридан таъкидланган «касаллик»нинг олдини олиш учун Ҳаракатлар стратегиясида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш учун 2018–2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланмоқда:

– банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш;

– бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими, шу жумладан, хориждаги илғор тажрибалар асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш;

– тижорат банклари фаолиятига, шу жумладан, кредит сиёсатига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик;

Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур.

Ислом Каримов

– тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада ошириш;

банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўришни назарда тутувчи дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Навбатдаги ўзгаришлар сифатида кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги тартибларни ишлаб чиқиш белгиланган. Ушбу тартибларда қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотни ҳар қандай кредиторга унинг ёзма сўрови олинган вақтдан бошлаб 10 кун ичида тақдим этиш ҳамда кредиторга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорга эътироз билдириш ҳуқуқини бериш масаласи киритилмоқда. Ушбу тартибларнинг ҳаётга татбиқ этилиши асносида санация режаси билан рози бўлмаган кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, банкротлик ҳолатларидан тикилган маблағларни қайтариш даражасини ошириш, «Бизнес юритиш» кўрсаткичида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш имкони яратилади.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобидан амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига олиб келади. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, аҳолининг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор

турларини жорий этиш тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг энг қулай воситаси ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб, капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини** ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Молия бозорини ривожлантириш концепциясини яратиш ва бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида қуйидагиларнинг акс этиши режалаштирилган:

– мустаҳкам молиявий институтлар (банклар, суғурта компаниялари, йирик давлат компаниялари, акциядорлик жамиятлари) ва қимматли қоғозлар (облигациялар, векселлар ва бошқалар) чиқаришга рухсат бериш;

– қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг молия бозорининг замонавий воситаларини жорий қилинишдаги ролини кучайтириш, яъни мазкур органни назорат органи сифатида эмас, балки қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги фаолияти самарадорлигини ошириш;

– қимматли қоғозларни дастлабки ва қўшимча эмиссия қилишни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш;

– суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг янги шаклларини жорий қилиш, суғурта ва бошқа турдаги молиявий хизматлар ҳажмини кенгайтириш;

– алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий фузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишга эришиш (IPO), уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлаш.

Мамлакатимизнинг ҳозирги қимматли қоғозлар бозорида ламчи эмиссиялар устунлик қилмоқда. Иккиламчи фонд бозорини ривожланиши, энг аввало, қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш учун бозорнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, қимматли қоғозларнинг муомала қилиши ва уларга хизмат кўрсатиш тизимлари ва харажатларни камайтиришга ёрдам бериш, бозорнинг ахборот жиҳатдан очиқлигини кучайтириш керак бўлади.

Иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши қимматли қоғозлар бозорининг янада ривожланишига ва инвесторлар ишончининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобидан ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш, ўз-ўзидан маҳаллий ҳокимиятнинг турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Аммо шуни ҳам инобатга олиш керакки, маҳаллий бюджетнинг чекланганлиги ундан ҳужжасизларча фойдаланиш мумкин, дегани эмас. Шунинг учун ҳам истиқболда бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Ушбу ҳужжатларнинг кучга кириши оқибатида бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, маҳаллий бюджетлар тасарруфига қолдирилган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ва миқдорини қайта кўриб чиқиш орқали шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш мустақиллигини оширган ҳолда, фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш имкони яратилади.

Корхоналар стратегиясида кўтарилган яна бир муҳим масала – бу уларнинг рақобатбардошлиги сифати ва самарадорлигини яхшилашдан иборат. Ушбу масалани ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

корхоналар солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг зиммасига ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, солиқ тўлаш тартиби базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, асосий воситалардан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни оптимизация қилиш, шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

2) солиқ юкини, хусусан: якка тартибдаги тадбиркорларнинг ... дириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини, шу жумладан ... фаолият кўрсатиш (масалан, узоқ ва бориш қийин бўлган) жойларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш; йирик корхоналар учун ... солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобидан уни изчил пасайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан имтиёзлар қўлланилаётган солиққа тортиш тартиблари улар фаолиятига бевосита таъсир этиб, келгуси молия йилига нисбатан тегишли қарорларни қабул қилишларида катта аҳамият касб этмоқда. Ана давлат солиқ сиёсати инструментлари орқали уларнинг иқтисодий фаоллик даражасини оширишга эришилмоқда. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини белгилайдиган омилларга корхона тўлайдиган солиқлар ва йиғимларнинг таъсир доираси юқоридир.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришларга назар соладиган бўлсак, мазкур ислоҳотларни қуйидаги уч босқичга бўлишимиз ҳамда ҳар бир босқичда эришилган тенденцияларни таҳлил қилишимиз мумкин: I босқич (1991–1997 йиллар), II босқич (1998–2004 йиллар); III босқич (2005 йилдан ҳозирги кунга қадар).

Бундан ташқари, солиққа тортиш тизимида мазкур субъектлар зиммасидаги солиқ юкининг оптимал даражасини аниқлаш асосий саласи долзарб муаммолардан бўлиб, солиқлар орқали ... улар фаолиятини чеклаши ёки мақсадли тарзда рағбатлантириши мумкин. Давлат мазкур субъектлар фаолиятига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солиқ дастагидан унумли фойдаланиши келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш омили эканлиги, солиқ ставкаларининг сайтирилиши, иқтисодиётда ялпи таклифга ижобий таъсир аҳоли ва тадбиркорлар даромадларининг кўпайишига, шунингдек эса жамғармаларнинг ошишига ҳамда капиталнинг жамланишига, аксинча, солиқ ставкаларининг меъёрдан ошиши иқтисодий меҳнат ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига, жамғармаларнинг

...четланишига, ...ивожлантиришнинг ривожланишига олиб келади.[1]

...оптимал солиқ ...амалда ушлаб ...солиқ тўловчи-...фаоллигини ...ишлаб чиқариш ...ривожлантиришга, ...мамлакатда иқ-...ўсишни таъминлашга ...Солиқ имтиёз-...фойдаланган ҳолда, ...фаолиятини ...ишлаб чиқариш ...оширишга ҳамда охир-оқибат ўзининг иқтисодий ...кўтаришга эришмас экан, тақдим этилган солиқ ...фаолиятида улар сонини кўпайтиришга хизмат қилиши ...Шунинг учун кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан ...солиқ имтиёзларининг сони, ҳажмидан ташқари, ...субъектлар фаолияти давомидаги самарадорлик ...таҳлил қилиб бориш зарур.

...индивидуал тартибда берилишига йўл қўймас-...уларни мақбуллаштиришни назарда тутувчи норма-...ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозимдир.

...глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган шароитда ...иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўзгаришига таъ-...соҳалардан яна бири – бу халқаро иқтисодий ...ривожлантириш, халқаро молия бозори инсти-...имкониятларини кенгайтиришни талаб этади.

...ва чет эл молиявий институтлари билан алоқа-...орқали:

[1] ...Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш ...такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Мо-... «Iqtisod-moliya». 2014.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Ислом Каримов

халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб
орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳа
вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан

2016–2020 йиллар давомида 27 та лойиҳани амалга
учун Жаҳон банки кредитларини жалб этиш;

2017–2019 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга
учун Осиё тараққиёт банки кредитларини жалб қилиш

Ислом тараққиёт банкининг 1 миллиард доллардан кам
миқдордаги кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган
тициявий лойиҳаларни амалга ошириш масаласини
орқали 2017–2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республ
Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш

Устувор ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ва
лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат
лотларининг (Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт
банки, EDCF Фонди, Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги (JI
Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Германия
ҳамкорлик жамияти (GIZ), Швейцария тараққиёт ва ҳамк
агентлиги (ШТҲА), Франция тараққиёт агентлиги (ФТА),
ҳамкорлик комиссиялари ва ҳоказо) имтиёзли кредит ҳамда
маблағларини жалб қилиш имконининг яратилиши Ҳ
стратегиясида келтириб ўтилган.

Шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институт
билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш,
қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажат
камайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг кредит рейтингини
шилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига
мақсадида етакчи халқаро рейтинг ва суғурта агентликлари (
FITCH, MOODY'S ва ҳоказо) билан учрашув ва давра суҳбатлари
мунтазам равишда ўтказиб бориш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги сарф-харажатларни қилиниши режалаштирилган:

2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ долларлари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда

саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробаридан ошириш, электрчилик маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, ишлаб чиқариш сармоя улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

Ушбу мақсадлар учун 37 687,8 миллиард сўм ва 8 349,3 миллион АҚШ доллари ажратилади. Шундан:

Молиялаштириш манбалари	Миллий валютада, млрд. сўм	АҚШ долларида, минг доллар
Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	5 263,1	1 625,8
Тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар маблағлари	15 423,0	311 510,0
Халқаро банклар кредитлари	16 941,2	–
Халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва бегараз ёрдам	60,5	8 036 157,8

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?*
2. *Республика ва маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва харажатлари тузилиши ҳақида маълумот беринг.*
3. *Давлат қарзини камайтириш ва уни ҳисоблаш усуллари ҳақида сўзланг.*
4. *Инвестициялар жалб этиш ва валютани тартибга солишнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?*
5. *Банк секторини капиталлашув даражаси ва депозит базасини оширишнинг асосий йўналишлари ҳақида сўзланг.*
(5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалиги (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатиш (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш ҳу йича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаоли кучайтирилади. 25 мингга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 256,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил эт лишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 апрелдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош кент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-и ктисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 117-сон қарорига иловада ишсизлик даражасини баҳолаш мезони келтирилган. Унга кўра, республикада ишсизлик даражаси (5,2 фоиз) мутаносиб ҳисобланади. Аммо республикада ишсизлик даражаси бирмунча юқори бўлган, тоғли, чегара олди ҳудудларида жойлашган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган 14 та туман мавжуд. Мазкур туманларда иш ўрни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган ва 2017 йилда айнан шу туманларда 46,8 минг та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган (4.1.2-расм).

Янги иш ўринларини ташкил этишда эркин иқтисодий зоналарнинг ҳам ўрни катта. Хусусан, мамлакатимизда «Навоий»

[1] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.



4.1.2-расм. Иш сизлик даражаси юқори ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган 14 та туманда яратиладиган иш ўринлари таркиби (2017 йил).[1]

Хорезм ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 январдаги 4931-сон фармони билан «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди. Бу эркин иқтисодий зоналарда мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик маҳсулотлари тикиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик тоза озиқ-овқат, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш янги иш ўринларининг яратилишини таъминлайди.

Шунингдек, 2017 йилда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг 508,8 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

Шунингдек, амалда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш соҳасидаги асосий вазифаларга қуйидагилардан иборат:

битирувчиларни бириктириш ишларини пухта ташкил этиш;

битирувчилар бандлигини таъминлашда янги самарали шаклларни жорий этишни давом эттириш;

[1] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги 4931-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.

Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Шавкат Мирзиёев

Меҳнат ва Иқтисодиёт вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган методика асосида меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхати аниқланади, унга мувофиқ аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжаликларини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун «старт-ап» лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва лизинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш ишлари амалга оширилади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли тренинг ва ўқув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш, давлат аккредитациясига эга бўлган нодавлат таълим муассасалари учун давлат намунасидаги ҳужжатларни бериш бўйича мавжуд чекловларни бартараф этиш назарда тутилган.

Шунингдек, **Ҳаракатлар стратегиясида** ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида керакли талабдан ортиқ ҳажмда тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартириш ва мос равишда аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлашни кенгайтиришни кўзда тутувчи ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим мутахассислик йўналишларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жорий ва истиқболдаги кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалигини малакали

– битирувчилар бандлигини таъминлашда белгиланган имтиёзлардан кенгроқ фойдаланиш;

– битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш.

мутахассислар билан ҳамда битирувчиларни кафолатланган иш билан таъминлаш имконини беради.

Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш қуйидаги соҳаларда назарда тутилган:

– фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;

қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш;

паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш;

ихчам иссиқхоналар ташкил этиш;

уруғ ва кўчатлар етиштириш.

Бунинг натижасида аҳоли томорқасидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, ишлаб чиқариладиган сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми кўпаяди.

Ҳаракатлар стратегиясида олис ва тоғли ҳудудларда туризм ва экотуризмни ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштириш, ишлаш ва қадоқлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бунда, тоғ олди ҳудудларидаги қишлоқларда 10–15 та хонадонларда сайёҳларга хизмат кўрсатиш уйлари ташкил этилиб, яъни уйнинг бир ёки иккита хонаси деворлари сўзана, адрас билан безатилиб, ғарбча тўшалиб, хонтахта қўйилиб, ҳожатхона ва ошхонанинг санитар ҳолатлари тартибга келтирилиб, чет эллик сайёҳларга табиий шароитларни кўрсатиш билан бирга нон ёпиш, миллий таомларни тайёрлаш, миллий урф-одатлар билан таништириш каби хизматлар кўрсатилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва улар бандлиги масалаларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: ***«Учинчи вазифа – аёлларни иқтисодга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласидир. Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги энг муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик,***

ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда».[1]

Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ва коллеж битирув чиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

– «Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли» танловини маҳаллалараро ва туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш;

– «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017» республика танловини ўтказиш;

– Қўрғонтепа, Олот, Пахтакор, Деҳқонобод, Косон, Нурота, Узун ва Қўшкўпир туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

– педагогик маълумотга эга бўлган, бироқ бола парваришлаш муносабати билан вақтинча ишламаётган аёлларга оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатида касаначилик фаолияти ташкил этиш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши хотин-қизларда ишчи касб-ҳунар коллежларининг битирувчи қизларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиради, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширади.

2017 йил республикада аҳоли бандлиги масалаларига оид қуйидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилиши режалаштирилган:

1. «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Айтиш жоизки, мазкур қонун меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарнинг асосий фаолият йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид масалаларини қамраб олади.

[1] **Шавкат Мирзиёев.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 январь, №11 (6705)

Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси масалалари Биринчи Президентимиз томонидан белгилаб берилган 5 тамойил (иш жойи ва меҳнат шароити, иш вақти, тураржой билан таъминлаш, малакали тиббий хизмат, мигрантнинг хавфсизлиги таъминланганлиги) асосида амалга оширилмоқда.

Меҳнат вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлиги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилган:

ҳудудларда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги бюро, шунингдек ишга жойлаштирилаётган фуқароларга ўзини тутиш этикаси, бораётган мамлакатнинг маданияти ва тили, қонунчилиги асосларига ўргатишни юклаган ҳолда, Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш марказининг ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш;

фуқароларга чет элда ишга жойлашиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш ва хорижий мамлакатларга чиқувчи фуқароларни ҳисобга олишнинг хабардор қилиш тартибини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларда (АҚШ, Канада, Япония, Европа Иттифоқи ва Форс кўрфази мамлакатларига) ишга юбориш ҳажми ва йўналишини кенгайтириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари билан музокаралар ўтказиш.

2. «Аҳоли бандлигига кўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. Лойиҳа меҳнат бозори инфратузилмасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

3. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Қонун қуйидагиларни назарда тутади:

хусусий секторда иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси тузиш жараёнини соддалаштириш, муддатли меҳнат шартномаси тузиш асосларини кенгайтириш;

ишга олишнинг янги шаклларини (бир марталик, соатбай), шунингдек, соатбай иш ҳақи тўлаш тартибини жорий этиш;

– ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, ходимни шахсий суғурта қилиш бўйича талабларни бузгани учун иш берувчининг жавобгарлигини кучайтириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат стажини ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта тўловлари даврийлигини рўйхатга олиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади ва киритилади. Мазкур қарор меҳнат стажини электрон тарзда рўйхатга олиш ҳамда давлат ижтимоий суғурта тўловларини амалга оширувчи жисмоний шахсларнинг ягона реестрини юритишнинг имконини яратади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нисбатан суст ривожланган туманларнинг ишсиз аҳолисини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги (Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобидан ташкил этилган) касб-ҳунарга ўқитиш марказларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга қайта ўқитиш орқали уларнинг бандлиги таъминланишини назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги **«Тошкент шаҳридаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолиятини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 270-сон қарори**га асосан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш марказида бугунги кунга келиб 2 минг нафардан ортиқ ишсиз бўлмаган фуқаролар қайта йўналишларда касб-ҳунарга қайта ўқитилган ва тўлиқ иш жойлаштирилган:



– **«Машинасозлик ишлаб чиқариш технологиялари»** (токарлар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари),

– **«Электроника ва электротехника»** (электрон қурилмалар, шунингдек электрон техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлаш бўйича намуна кўрсатиш мутахассислари);


– **«Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш»** (слесарчилангарлар, моторчилар, автотранспорт воситаларини диагностика қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш);

– **«Оқ ювориш технологиялари ва тизимлари»** (компьютерларни ва оргтехника, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш).

2018 йил сентябрдан Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Жанубий Корея Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигида «Ўзбекистонда касб таълими имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўз фаолиятини бошлаган касб-ҳунарга ўқитиш марказида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 4 та йўналиш бўйича 240 нафар банд бўлмаганлар ўқитилмоқда.

Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этиладиган ўқув марказининг лойиҳа-сметалари якунланиб, қурилиш ишлари бошланган ва ўқув марказ 2018 йилда ишга туширилади. Урганч ва Қўқон шаҳарларида ҳудди шундай ўқув марказларини 2019 йилда ташкил этиш бўйича Корея Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан келишилган. Бухоро ва Термиз шаҳарларида эса 2020 йилда шундай марказлар ташкил этиш режалаштирилган (4.1.3-расм).

Бундан ташқари ярмаркалари ярмаркаларини ташкил қилиш ҳам меҳнат бозорини самарали таъсирчан сиёсатнинг муҳим услуби саналади. Бундан ташқари ишга ишловчиларни таклиф этилаётган бўш жойлар билан та-



4.1.3-расм. Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобидан ташкил этиладиган ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказлари.

ништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мавжуд бўш иш ўринлари ва янги касбга ўқитиш тўғрисида тўлиқ маълумот бериш назарда тутилмоқда.

Шунинг учун ҳам 2017 йилда барча шаҳар ва туманларда корхона ва ташкилотлар иштирокида банд бўлмаган аҳоли, коллеж ва олий таълим муассасалари битирувчилари ва мигрантлар учун 1000 дан ортиқ ярмаркалар ташкил этиш режалаштирилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш йўналишларини санаб беринг.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил ... февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сон қарорининг мазмун-моҳиятини айтиб беринг.*
3. *2017 йилда мамлакатимиз бўйича нечта иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган?*
4. *Ўзбекистонда ишсизлик даражаси юқори ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган нечта туман мавжуд?*
5. *Эркин иқтисодий зоналарнинг янги иш ўринларини ташкил этишдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.*
6. *Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш соҳасидаги асосий вазифаларни айтиб беринг.*
7. *Қайси соҳаларда тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш назарда тутилган?*
8. *Хотин-қизларнинг ва коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган?*
9. *2017 йил мамлакатимизда аҳоли бандлиги масалаларига оид қандай қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши режалаштирилган?*
10. *Мамлакатимизнинг қайси шаҳарларида ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш марказлари барпо этилади?*

4.4. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Чорак асрлик мустақил тараққиётимиз даврида мамлакатимизда аҳолининг ҳаётини яхшилаш, унинг қулай турмуш шароитларини яратиш масаласида улкан ишлар амалга оширилди. Демократик ўзгаришлар жамиятини барпо этиш, бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун соғлигини кафолатлаш йўналишида жаҳон ва миллий тажрибага асосланган ҳолда яхлит тизим яратилди.

Айни вақтда замон талаби, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт босқичини чуқур таҳлили, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун мутлақо янгича ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

Юқорида қайд этилган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, аҳолининг ҳаёт фаолиятининг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун янада қулай шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва либераллаштириш жараёнларининг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида **Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.**

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган тизимлашмаган, умумий шаклга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан яхшилаб, тизимли, манзилли характерга эга бўлган янги кўлами бўйича аҳолининг барча қатламларини ҳар томонлама ҳимоялашни ташкил этишга қаратилган такомиллашган тизимни вужудга келтирди ва бугунги кунга келиб аҳолига ижтимоий нафақалар тўлаш таъминламоқда.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга нисбатан, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд ошди, ўртача иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар

билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.[1]

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида ижтимоий соҳанинг аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 2010–2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та Саховат ва Мурувват интернат уйлари моддий-техника базалари, 14,6 минг ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларнинг тураржой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг нафар реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди, 6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторийларга соғлиқларини тиклашди. Кўрсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Жамиятнинг демократлашуви жараёнида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш учун «Нуроний» жамғармаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, фахрий кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг манзиллилигини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини кўтаришни, шунингдек жойларда туман ва шаҳарлар аҳолисини замонавий диагностика ва даволаниш услубларидан фойдаланиш имконларини таъминлайдиган тубдан янги ёндашувлар излаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 9 сентябрь.

ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексаларнинг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 28 декабрь куни Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон ҳамда «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»[2]ги Қарорнинг қабул қилиниши бу соҳада ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилиши бўлди. Мазкур фармон ва қарорда оқсоқоллар, кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаолиятга жалб этиш, жойларда кексалар турмуш шароитини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини таъминлаш ва муҳтож кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш «Нуроний» жамғармаси марказий аппаратини, унинг ҳудудлардаги бўлинмаларини моддий қўллаб-қувватлаш, «Саховат ва мурувват масканлари» комплексларини яратиш, касалликларни аниқлаш, ташхислаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг барчаси ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан текширилиши, ўтказилган тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш, бириктирилган патронаж ҳамшираларининг беморлар устидан доимий назорат орқали кекса ёшдаги фуқароларда касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 1,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифати ва даражасини яхшилаш, барча шахсий ижтимоий ходимларни бириктириш орқали ёлғиз кекса ёшдаги шахсларни тўловсиз асосда даволаш ва текширишни кўзда тутилган. Шу муносабат билан республика

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2742-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 30 декабрь, 10-сон, 307-модда.

ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлараро ги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм миқдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган. Жойларда барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек, барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий миқдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, кексалар ва ногиронларнинг 21 та «Саховат» ва «Мурувват» уй-интернатлари моддий-техник базасини умумий миқдори 207 миллиард сўм ҳажмда мустаҳкамлаш мақсад фармон ва қарор ижросида ўз аксини топди.

Ушбу ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастур турни молиялаштиришга 688,2 миллиард сўм йўналтирилмоқда, шунингдек, халқаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблағларини жалб этиш кўзда тутилган[1].

Бундан ташқари, 2016 йил 26 декабрда «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун моҳияти аҳолининг ҳожатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий ҳимоя соҳаси тизимидаги асосий тушунчаларни белгилашга қаратилган бўлиб, унда ижтимоий хизматларни аниқ манзилли амалга ошириш, эҳтиёжманд шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларга бошқа фуқаролар билан бир қаторда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини яратиш ва уларнинг одатий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимий, тиббий, реабилитацион ва бошқа чораларни амалга ошириш назарда тутилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд қатламларини ҳимоясини кафолатлаш бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган

[1] Кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш кучайтирилади. http://www.gazeta.uz/uz/2016/12/29/keksalar.

устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида тўла ўз аксини топди.

Бевосита кексаларга ёшдаги аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш мақсадида 2017 йил давомида «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, Ногиронлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кексаларга ёшдаги фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг қамровли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг бой маънавий меросини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ўрнини оширишга эришиш назарда тутилди. Мазкур тадбирлар учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан 200 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда[1].

Аҳолини, шунингдек, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишда оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш борасида иш берувчиларнинг ва касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш назарда тутилган. Хусусан, бунда жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида кексаларга ёрдам кўрсатиш, авлод вакилларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 минг нафар пенсия ёшидаги шахсга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш, 14 минг нафар ходимга пенсияга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо совғалар топшириш, шунингдек, 15 минг нафар ишламайдиган пенсионерга (корхоналарнинг фаол аъзоларига) моддий ёрдам бериш кўзда тутилган. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 1 триллион 1 миллиард, Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони, 214-банд.

Кекса ёшдаги аҳоли саломатлигини тиклаш ва уларга сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни янада самарали ташкил этиш мақсадида 2017 йилда мамлакатимиз ҳудудларидаги ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чоралар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 49 миллиард 312 миллион сўм маблағ йўналтирилади.[1]

Жорий йилда Ҳаракатлар дастурида ҳақиқатан ҳам эҳтиёжманд ва давлат кўмагига муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш, вақтинчалик яшаш жойи бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш тартибини белгилашда қулайликлар назарда тутган ҳолда, кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинлаш тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган низомга гартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тилмоқда.[2] Бу ўз ўрнида ижтимоий ҳимояни манзилли ташкил этиш учун ҳуқуқий база яратилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, бу борадаги ишлар кўламини янада гайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган ёлғиз ториялар, ногиронлар, кам таъминланган фуқароларни моддий ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар ва махсус муассасаларни витаминлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди[3]. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Соғлом авлод учун» фонди, «Ам Керз» халқаро ташкилоти, «Resource and Policy Exchange» лоти, «TOM's SHOES» ташкилотлари (келишув асосида) маблағлари ҳисобидан 632 миллион доллар маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон Фармони, 216-банд.

[2] Ўша манба, 217-банд.

[3] Ўша манба, 218-банд.

Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг соғлигини тиклаш, сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширишни режалаштирилди. Айниқса, манзилли, ҳудудларда, чекка ҳудудларда шу борада йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Ўтган давомида 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан камида 35 минг нафарининг санаторий муассасаларида бепул даволанишини ташкил этиш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 18 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Шунингдек, 2017 йилда ногирон шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техника ва ёрдамчи воситалар билан бепул таъминлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятга интеграция қилиш мақсадида реабилитация тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида бепул асосда камида 10 минг нафар ногирон ва ногиронларнинг протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш режалаштирилган. Бу йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун бюджет ва ижрочи маблағлар ҳисобидан 75 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб, давлатимиз томонидан аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом инсонларнинг генофондини сақлаб қолиш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг омма ўртасида шакллантириш, юксак экологик маданиятни ошириш, ҳар бир шахснинг саломатлигига масъулият ҳиссини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, соғлом авлодни ташкил этишга катта эътибор қаратилган. Бу борада 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида оналар ва болаларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 2107-сон Президент Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1652-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2015–2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси

аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини таъминлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқароларнинг дам олиш, соғлиғини қайта тиклаш, спорт билан шуғулланиш имкониятларини ошириш учун инфратузилмани яхшилаш ва жиҳозлаш учун 2017–2018 йиллар давомида жами 49,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, мамлакатимиз бўйича санаторийлар, ёшлар марказлари, сузиш ҳавзаси, ўйингоҳлар, стадион, маданият ва спорт мажмуаси барпо этилишига йўналтирилмоқда.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларини ўрнатилган тартибда қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 18 миллиард 940,7 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, Сурхондарё вилоятида 2000 ўринли «Амударё соҳили» оромгоҳини қуриш ишларини якунлаш; Андижон вилоятидаги «Боғишамол» оромгоҳини реконструкция қилиш; Сирдарё вилоятидаги «Сирдарё» оромгоҳини реконструкция қилиш; Навоий вилоятидаги «Ишонч» оромгоҳида сузиш ҳавзасини қуриш[1] ишларининг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга ҳукуматимиз боришнинг амалдаги ифодасидир.

Бундан ташқари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги «Оқтош» санаторийсида, «Зомин» санаторийсида ёток биноларини қуриш; Сурхондарё вилоятидаги «Термез марвариди» санаторийсини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш; Наманган вилояти «Чодак» қишлоқ фуқаролар йиғинида дам олиш уйини қуриш ишларини амалга ошириш учун йил давомида Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 17 миллиард 810 миллион сўм йўналтирилмоқда. Бунда асосий эътибор, аёлларни ва болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш самарадорлигини оширишга қаратилади.

2016 йилда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида республикамиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзандга кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ёшлигида нуқсони бўлган 350 дан ортиқ болада юрак аортокоронар шунтлаш операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 11 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ана шундай ишлар қаторида 7000 дан ошиқ чақалоқлар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди[1].

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги энг янги ташаббуслар туфайли «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Шу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётгани туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, беш ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди[2]. Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида аёллар ва қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Глобал рейтингида мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига эътибор кўрсатаётган 10 та давлат сафидан жой олди. Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида аёллар ва қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Глобал рейтингида мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига эътибор кўрсатаётган 10 та давлат сафидан жой олди. Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон аёллар ва болаларнинг саломатлигини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-

Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлигини ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

[1] Президентимиз соғлом юрт.www.xs.uz.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, 241-банд.

тадбирлар натижасида аёлларнинг ўртача умри 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробар камайди.[1]

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш асосида она ва бола соғлиғини асраш бўйича дунё эътироф этаётган миллий модель яратилди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, оилаларнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама соғлом фарзандларни шакллантириш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилди. Чунончи, илк давлат мукофотларидан бири – «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши ҳам рамзий маъно касб этди. Республикамизда мустаҳкам оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислоҳотларимиз стратегиясига мос бўлиб, келгусида юртимизда тинчлик-тотувлик ҳамда тараққиётга, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига қўшилган ҳисса бўлади.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш халқ манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айнан шу соҳани ривожлантириш ҳамда комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини, мамлакатимизда

[1] «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустақил тараққиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун услубий қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси; Республика маънавият тарғибот маркази; Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2014. 126-бет.

соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича тўхталди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти замон қошқарсиз аҳволда қолаётганлиги, шифохоналар ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек, ижтимоий дорихоналар ташкил этиш бўйича берилган топшириқлар ижроси талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда мамлакатимиз ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги нутқида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд камчиликларга тўхталиб ўтар экан Президент Ш. Мирзиёев қишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилишда самарадорлигининг пастлиги, бугунги кунда уларда 2 минг 300 нафар врач етишмаслиги, бу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси паст эканлиги, диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси юқори эмаслиги, тез тиббий ёрдам тизимида жиддий камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Соҳадаги мазкур муаммоларни бартараф этиш учун қишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосида ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари базасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, врачлар ва

тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам [illegible] хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратиш қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, 340 номдан дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини ташкил этиш ишларига келгусида жиддий эътибор қаратиш таъкидланди.[1] Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг биринчи бўғини бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қишлоқ врачлик пунктларининг мунтазам фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида уларнинг врачларига иш жойи ёнидаги ҳудудларда уй-жойлар қуриб бериш, қишлоқ врачлик пунктларини модулли техник базасини кучайтириш ҳамда уларни малакали кадрлар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда[2].

2017–2021 йилларда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва Олий ўқув юрти клиникалари етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда, кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлашга қаратилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кенг қамровли тиббий кўрик тадбирларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Натижада келгуси 5 йилда мамлакатимизнинг чекка туманлари аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Вилоятлар аҳолисини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари шифокорларининг жойларга чиқиб, жарроҳлик амалиётлари ва бошқа тиббий хизматлар кўрсатишини ташкил

[1] **Шавкат Мирзиёев.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон Фармони, 233,235-банд.

[illegible] бўйича махсус чора-тадбирлар дастури қабул қилинади. [illegible] Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари [illegible] фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратилади. [illegible] тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада ошади.[1]

[illegible] сақлаш бўйича қонунчилик асосларини янада [illegible] мақсадида **«Одам аъзолари ва тўқималарини [illegible] қилиш тўғрисида»**ги Қонун лойиҳасини ишлаб [illegible] режалаштирилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасини қабул [illegible] аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси [illegible] ҳамда одам аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясини [illegible] тартиби белгиланади, шунингдек, аҳолининг [illegible] трансплантацияга муҳтож бўлган тоифасига қонуний асослар ва [illegible] шу турдаги тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти [illegible]

[illegible] стратегияси доирасида 2017–2021 йилларда 220 [illegible] ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун тиббий [illegible] патронаж бригадаларининг кучи билан тоғли, чўл [illegible] бўлган ҳудудларда, шунингдек, алоҳида эътибор [illegible] туманларда аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилади. [illegible] жиҳатдан ноқулай минтақаларда яшовчи (Навоий, [illegible] Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси [illegible] учун «Саломатлик» поездлари ташкил этилади. Бориш [illegible] ҳудудларда яшовчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан [illegible] орқали аҳолининг ижтимоий ҳолатини аниқлаб, соғлом [illegible] таъминланади ва аҳолида тиббий саводхонлик маданияти [illegible][2]

[illegible] ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини [illegible] оналар ва янги туғилган чақалоқларга юқори малакали [illegible] хизмат кўрсатиш мақсадида 5,8 миллион АҚШ доллари [illegible] Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси, «Са-

[illegible] Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси [illegible] 4947-сон Фармони, 219-банд.

[illegible]маноа, 21-банд.

[illegible]маноа, 222-банд.

Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликларни профилактика қилиши, соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, ишга ва беморларга муносабатини ўзгартириш зарур.

Шавкат Мирзиёев

ломатлик-3» лойиҳаси, [illegible] маблағлари ҳисобидан [illegible] ва болаларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш [illegible] туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари маларининг 40 та тугрук ўринлари негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилиб[1] ишга тушурилмоқда.

Чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёллардаги туғма ва анадолар авлодга ўтувчи патологияни эрта аниқлаш орқали соғлом [illegible] туғилиши учун шарт-шароитлар яратиш асосида 1 625,8 миллион доллар сармоя ҳисобидан Республика скрининг марказида ва унинг ҳудудий филиалларида ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқлар орасида перинатал ва неонатал скрининг ҳамда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида ҳомиладор аёлларнинг оммавий, биринчи перинатал скринингини ўтказиш режалаштирилмоқда.[2]

Бу соҳада ишлар сифатини тубдан яхшилаш мақсадида бутун соғлиқни сақлаш соҳасининг узвий бўғини саналган тиббий профилактика хизмати жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий тизимга айланмоғи зарур.

Маълумки, мазкур бўғин моҳиятан кенг жамоатчилик орасида касалланишнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу мақсадларда сурункали касалликларни, жумладан, яширин ва аввал аниқланмаган касалликларни эрта аниқлаш тадбирларини амалга ошириш, бутун тармоқли поликлиникаларнинг 7–9 нафар тор соҳа мутахассислари ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан хавф гуруҳига мансуб аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, сурункали касаллиги бор аҳолини йилига 2–6 марта (бемор ҳолатидан келиб

[illegible] диспансер кўриклари, никоҳга кирувчи шахсларни [illegible] кўриклар, 3,6 миллион аҳолини флюрографик кўриклар [illegible] ошириш[1] кўзда тутилмоқда. Аҳолининг профилактик [illegible] оилавий камровини янада кенгайтириш мақсадида ўзгапарвариш [illegible] муҳтож, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, [illegible] ҳимояга муҳтож бўлган аҳолидан сурункали касалликка [illegible] жадвал асосида ташкиллаштириладиган «Патронаж [illegible] тиббий ходимларнинг фаол қатновлари амалга оширилмоқда.

[illegible] Инвестиция дастури доирасида 519 350 миллион сўм [illegible] аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш [illegible] профилактика муассасаси, туғруққа ёрдам берувчи [illegible] тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини [illegible] мустаҳкамлаш, қурилиш, реконструкция қилиш, капитал [illegible] ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари кўзда [illegible]

[illegible] сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш [illegible] 2017–2021 йилларда барча туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ва оилавий поликлиникалар, онкологик муассасалар, [illegible] ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, [illegible] санитария эпидемиология назорат марказларини, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам маркази, тиббиёт [illegible] муассасаларининг клиникалари ва республика клиник [illegible] ҳамда тўртинчи даражали кўп тармоқли болалар [illegible] марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади [illegible] кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати оширилади.[3]

[illegible] мақсадга мувофиқ, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ [illegible] ҳамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий [illegible] қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, [illegible] маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксал-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, 224-банд.

[2] Ўша манба, 223, 225-банд.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, 228-банд.

[2] Ўша манба, 232-банд.

[3] Ўша манба, 234-банд.

тириш, қиз болаларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, у
спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш
сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз
қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, халқаро аёллар
кати ҳамда бошқа нуфузли тузилмалар билан кенг ҳамкорлик
келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Пре
Президентимиз томонидан ўқитишнинг замонавий методларини
ясини яратиш ва амалиётга жорий этиш, ўқувчиларнинг ижодий
равишда касб-ҳунар танлаш иштиёқини кучайтириш, дарсликлар
ни яратишга бутунлай янгича ёндашиш каби долзарб вазифалар
айнан шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўйилмоқда. Ҳақиқатан
ҳам, глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ўқув дастурларини
тубдан қайта кўриб чиқишни, кенг билимга эга бўлган, мустақил
фикрлай оладиган ёшларни вояга етказишга хизмат қиладиган,
такомиллашган меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик мажмуаларни
яратишни тақозо этмоқда.

ўқитувчи эҳтиёжига асосланган янги
таълим сифатини баҳолаш жараёнига ахбо-
технологияларини кенг татбиқ этиш ҳам муҳим
ҳисобланади. Бу каби ишларнинг йўлга қўйилиши
ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган бир қатор
ўқув муассасаларида таълим-тарбия жа-
ўқитувчиларнинг барҳам топишига хизмат қилади.
ёшларига чет тилини ўргатиш борасида ўзига хос
хусусан, болалар чет тилини ўрганиш ба-
ҳиссиётларини ва анъанларамизга солиштирган ҳолда,
халқ маданияти билан танишади. Дарсликларга
ижодкорлари ижодидан намуналар ҳам
ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришга

**касб-ҳунар коллежи талабаларини бозор иқтисодиёти та-
ларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёр-
ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомил-**

2017–2021 йилларда амалга ошириладиган тадбирлар
мамлакатимиздаги 135 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Сўнгги
ўқитирувчилари томонидан ўз бизнесини ташкил
ишининг кучайиб бораётганини яққол кузатиш мум-
ўқувчиларининг ўз бизнесини ташкил этиш истаги ошиб
омиллар таъсир кўрсатмоқда:

таълим-тарбия иши замон талаблари даража-
этаётгани, ўқув устахоналарининг соҳага оид энг
жиҳозлангани натижасида битирувчиларда
мутахассислик бўйича етарли билим ва касбий кўник-
ошириш имкони кенгайиб бормоқда.

ва тадбиркорлик давлат томонидан ҳар томон-
қўлланмоқда.

тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш
ҳужжатларда «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси,
ННТ лар билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор – юртга мадад-
бизнес гоям» каби мавзуларда турли семинарлар ва
ташкил этилмоқда.

4. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларга имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига давлат раҳбарининг бевосита жон куйдириши бежиз эмас. Бу – мамлакат эртасининг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар ҳаёти, қолаверса, уларнинг ортида турган одамлар, оилалар тақдирига дахлдор бўлган масаладир.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг корхоналарини ишга жойлаши қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилмоқда:

– бўш иш ўринларининг мавжудлиги;

– ўқувчи ва талабалар учун иш ўринларини ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;

– меҳнат бозорида рақобатдош, юқори талабга эга мутахассисликка ўргатиш имкониятининг мавжудлиги;

– доимий иш ўрнига қабул қилиш имкониятининг мавжудлиги;

– касб-ҳунар ўқитиш, малака ошириш шароитларининг мавжудлиги.

Акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» кичик бизнес суъбектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг маблағлари ҳисобидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 26,6 миллард сўм миқдорида кредит ва микрокредитлар ажратиб этди («Халқ сўзи», 2017 йил 26 январь). (4.4.4-расм)

Мамлакатимизда 135 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбири туфайли

Амалга ошириладиган тадбирлар:	Эришиладиган натижалар:
➨ 44 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси реконструкция қилинади;	➨ Мамлакатимиздаги 135 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади;
➨ 91 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси капитал таъмирланади;	➨ Ўқувчиларнинг таълим олишлари ва ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

(2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар старатегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 йил, №6, 1-қисм)

4.4.4-расм.

Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига ўтишда олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини оширишдаги устувор вазифалар. Ўзбекистонда [illegible] олий таълим муассасалари сони – 60 та, ОТМ филиаллари – 11 та, [illegible] олий таълим муассасаларининг филиаллари – 7 [illegible] ташкил этади.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбор этамиз.

Шавкат Мирзиёев

[illegible] 2016 йилда олий ўқув юртларига [illegible] 360 минг нафардан [illegible] ҳар бир ҳудуднинг ўзи талаб [illegible] 60 дан ортиқ йўналиш [illegible] асосида [illegible] бўйича бирлашмалар ташкил этилди.

[illegible] 2016 йилнинг ўзида [illegible] тизими ривожлантиришни [illegible] асосчисига олиб [illegible] қаратилган 10 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар [illegible] қабул қилинди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини [illegible] такомиллаштириш, олий таълим тизимини хорижий ўқув ва [illegible] марказлари орқали таъминлашга қаратилган қатор фармон ва [illegible] қарорларининг қабул қилиниши ёшларимизнинг жаҳоннинг ривожланган [illegible] етакчи олийгоҳларидаги таълим стандартларига тўла мос келган [illegible] қарорлар эгаллашларига, уларнинг ижодий ва интеллектуал [illegible] қобилиятларини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича [illegible] қўшимча чоралар тўғрисида»ги ПҚ–1533-сон Қарори бўйича [illegible] 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун [illegible] 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Мамлакатимиз

[illegible] Фозилова, Ф. Аминов. Замонавий билим ва юксак интеллектуал [illegible] – буюк келажагимиз кафолати // «Маърифат», 2016 йил [illegible] 12.

олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. 2016 йилда 13 та олий таълим муассасаси, жумладан, Қорақалпоғистон, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари, Фарғона политехника институтидаги қурилиш ва реконструкция ишларида 355 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Шунингдек, Тошкент давлат стоматология институти бинолари, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиалларининг янги ўқув корпуслари қурилди».

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастури:

1) ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриб, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритилган олий таълим муассасаларининг рўйхатини ўз ичига олди;

2) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ўз рўйхатига эга;

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик технологиялари институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2 минг 200 талабага мўлжалланган янги замонавий ўқув корпуси, спорт мажмуаси, шунингдек, ўқув жараёнига жалб этилган хорижлик мутахассислар учун меҳмонхона барпо этилди. Навоий давлат кончилик институтида янги ўқув биноси қурилди. 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида Тошкент давлат стоматология институти филиаллари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1990-сон қарори ижроси

Ҳудудлардаги олий таълим муассасалари учун

Амалга ошириладиган тадбирлар

- Олий педагогик кадрлар тайёрлашни яратиш мақсадида тайинч олий таълим муассасаларида тайёрлаш магистратура ва докторантурага мақсадли қабул квоталари жорий этилади.

Эришиладиган натижалар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига қабул бўйича қарорига тааллуқли таклифлар ишлаб чиқилади.
- Ҳудудлардаги олий таълим муассасалари учун илмий-педагогик кадрлар тайёрланади.
- Чекка ҳудудлар учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга учун шароитлар яратилади.

4.4.5-расм.

асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил [illegible]ги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1600-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Тошкент давлат юридик университетида ўқув жараёнини янада [illegible]ни мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги қарори асосида Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар [illegible]ни назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Биз 2017–2021 йилларда олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш дастурини қабул қилиб, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга, олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришга қатъий бел боғлаганмиз.

Шавкат Мирзиёев

Низомга кўра, университет талабалари (бундан буён матнда талаба деб юритилади) билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг [illegible] юқори малакали, рақобатдош, мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг юқори талабларига, замонавий халқаро стандартларга жавоб бера оладиган юридик [illegible]ларни тайёрлаш ҳамда талабаларда мустақил таълим олиш,

таълим сифатини бошқарган ҳолда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларида тизимли таҳлил қилиш ва бошқарув кўникмаларини ривожлантириш, талабаларнинг модулларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат. Шунингдек, модуль алоҳида ўқув фани бўлиб, ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни қамраб олади ва талабанинг фан дастурини ўрганиши натижасида шаклланган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг тегишли тури билан якунланади.[1]

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш» билан боғлиқ Президент қарори лойиҳаси натижасида:

1) академик соҳа, ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланади, бунда:

– ўқув жараёнини ташкил этиш;

– пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртлари ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантирилади.

2) миллий кадрларнинг рақобатдошлигига ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига олиб келади.

– Болония жараёни иштирокчи мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олиш;

– ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болония декларациясига қўшилиш масаласи кўриб чиқилади.

Илм-фан тараққиётининг янги босқичи: фан, илмий-тадқиқот, инновацион ютуқларни рағбатлантириш ва уларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ҳамда ихтисослашган лаборатория, юқори технология марказ-

[1] Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 172-модда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, 2017–2021 йилларда олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишимиз керак бўлади.

Шавкат Мирзиёев

лари ва технологияларни жорий этиш. 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромоновичнинг мамлакатимизни етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида қайд этилишича, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бугун жаҳоннинг етакчи университетлари, илмий марказлари ва фанлар академиялари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади. Келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромоновичнинг 2017 йил 17 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.[1]

Президентимиз Фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш каби қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

[1] **Шавкат Мирзиёев.** Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили// Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

Агар иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар тажрибасига назар ташласак, бу юксалиш замирида илм-фанни тубдан ривожлантириш турганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, Японияни олайлик. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг «Кунчиқар юрти» жуда ям оғир аҳволга тушиб қолган эди. Ўша вақтда бу ўлкада асосий эътибор инсоннинг бошини «тўйдириш», яъни унга кучли билим беришга қаратилди. Натижада илм-фанга ажратилган сармоя бугунги кунгача ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келяпти. Бугун илф-фанга қаратилаётган эътибор ҳам узоқни кўра билиш, ёруғ келажак сари ташланган қадамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг етакчи илм-фан намояндалари билан бўлган мулоқотида кўп масалалар муҳокама қилиниб, таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди, яъни қуйидаги долзарб масалалар тилга олинди:

1. Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўплиги, улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим.

2. Жаҳоннинг етакчи институтлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш. Ўзбек олимлари жуда ҳам катта захира тўплаганлар, уни ривожантириш зарур.

3. Юқори салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш масаласини тубдан миллаштириш, илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар, дунё даражасидаги янги олимлар авлодини тайёрлаш даркор.

4. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

5. Илм-фан иқтисодиётнинг барча тармоғи тараққиётида катта ўрин тутади, давлат эса бу йўлда аввало олимларга суянади. Чунки, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция бўлиши долзарб масала.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва интеллектуал меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш, шунингдек, ёш авлодни умуминсоний ва миллий анъаналар ҳамда қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Таъкидлаш

лозимки, мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодиёт дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида, Фанлар академияси фаолиятини ташкил этиш ўтказган учрашув ва мулоқоти давомида бу борада қўйилган асосий вазифани ҳал этиш лозимлигини баён этди:

Илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий андозалар даражасида ва олимларнинг талабларига мувофиқ, босқичма-босқич равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлат буюртмаси ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт.

Олимларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, ижтимоий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишга киришмоқ лозим.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жисмоний шахслар даромад солиғидан озод этилган ойлик ганорар белгиланади. Бундан ташқари, улар учун санаторий муассасаларида йилда бир марта даволаниш ва дам олишни ташкил этиш, фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Академиклар томонидан тавсия ва ишлаб чиқариш соҳасига кенг жалб этилиб, уларга малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этиш учун зарур имкониятлар яратилади.

> ***Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, бугдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг дарахт эк, агар асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг билим эк.***
>
> **Конфуций,**
> **Хитой файласуфи**
> *(милоддан аввалги 551–479 йиллар)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори илм-фан соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишни кўзда тутади. Мазкур

қарор мунособати билан замонавий талаблар асосида Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

1. Илмий тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар Фанлар академияси таркибига қайтарилди. Бу эса турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни мужассамлантириб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради;

2. Фанлар академияси бошқарув аппарати ташкилий тузилмаси янада такомиллашади. Унинг таркибида физика-математика, техника фанлари, кимё-биология фанлари, ижтимоий-гуманитар фан бўлимлари, Фанлар академиясининг Навоий бўлими ташкил этилмоқда.

3. Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон ва Навоий бўлимлари, Хоразм Маъмун академияси раислари мавқеи академия вице-президенти даражасига тенглаштирилди.

4. Илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган соф фойданинг 10 фоизи ажратмалари ҳисобидан шаклланадиган, салмоқли натижага эришган ФА илмий ходимларини рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

5. Ўзбекистон Бош вазири раҳбарлигида Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига илмий техника соҳасида ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, унинг устувор йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилмоқда.

6. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қошида юридик шахс мақомига эга бўлган илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, қуйидаги мақсадга йўналтирилмоқда:

1) илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида янги типдаги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ташкил этилмоқда;

2) олимларимиз томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш харажатларини қоплайди;

3) замонавий лабораторияларни илмий асбоб ва ускуналар билан таъминлайди;

4) илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг жаҳондаги етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланиши таъминланади;

5) етакчи олимларнинг етакчи хорижий илмий марказлардаги қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштиради[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида қуйидаги масалалар акс эттирилди:

1) илмий-тадқиқот муассасаларининг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш, истиқболли соҳаларда кичик инновацион корхоналар, технологияларни ташкил этиш (биотехника, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, электроника, роботтехникаси, металлургия, нанотехнология);

2) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтироларга оид ҳуқуқлар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, бу соҳадаги давлат назоратини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонга мувофиқ фан номзоди ва докторлик илмий даражасини бериш масаласи қайта кўриб чиқилди.

Умуман, иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлаш ва фаннинг ролини кучайтиришда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг давоми бўлиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади.[2]

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи», 2017 йил 18 февраль.

[2] Ўзбекистон Ревпубликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

Нафақат академик илм-фанни балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни ривожлантириш зарур. Бунга Фанлар академияси аъзолари билан яқинда ўтказилган учрашув ва узоқ муддатли мулоқот давомида қатъий ишонч қилдим.

Шавкат Мирзиёев

Умуман, хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими жаҳон талаблари даражасида, юксак маънавият заминида қурилиб, давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминланди. Узлуксиз таълим тизими умумдавлат дастурлари, мактабгача тарбия, бошланғич, умумий ва мактабдан ташқари таълим асосида амалга оширилмоқда. Эндиликда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантириш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълим сифатини юксалтириш, умумий ўрта таълим сифатини ошириш, фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганишга янгича ёндашув юксак тараққиёт гарови ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежи талабаларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимиятларнинг эътибор марказида турибди. Шунингдек, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига ўтишда олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда. Илм-фан тараққиётининг янги босқичи, янги фан, илмий тадқиқот, инновацион ютуқларни рағбатлантириш ва уларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари яратилмоқда.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар изчил давом эттирилди?*
2. *Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда касб-ҳунар коллежларига жалб этиш ишлари ҳақида гапириб беринг.*
3. *Юртимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қандай эътибор қаратилмоқда?*

4. *Касб-ҳунар коллежлари билан иш берувчи корхоналар ўртасида қандай кооперация алоқалари ўрнатилди?*
5. *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ҳақида нималарни биласиз?*
6. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонидан қандай мақсадлар кўзланган?*
7. *Олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар беришнинг қандай тизими жорий этилмоқда?*
8. *Олий таълим тизимининг мамлакатимизни модернизация қилишдаги ўрни қандай?*
9. *Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндалари билан учрашуви мазмун-моҳияти ҳақида қандай фикрдасиз?*
10. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида кўтарилган муаммолар таҳлилини баён этинг.*

4.5. ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Шавкат Мирзиёев

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармоннинг 4-бандида «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур Фармоннинг 1-банди билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Жисмонан соғлом,

руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида **«Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш»** деб номланган алоҳида банд (4.5-банд)да акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб аталган 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида жиддий ишлар қилиниши – 25 та топшириқнинг бажарилиши аниқ қилиб белгилаб қўйилди.

Маълумки, 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 33 моддадан иборат «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ–406-сон Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 429–XII-сон Қонуни ўз кучини йўқотди. Қонунларни қабул қилиш масаланинг бир жиҳати бўлса, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш унинг бошқа бир жиҳатидир. Шу ўринда «ёшларга оид давлат сиёсати» тушунчаси нимани англатишини билиб олишимиз лозим. ***Ёшларга оид давлат сиёсати*** деганда,

давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий ҳаётдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасининг 1-қисмида ***«ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин»***, деб белгилаб қўйилган. Ўша модданинг иккинчи қисмида ***«Давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, шунингдек баркамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади»,*** дейилади. Шундан келиб чиқиб, 2017 йилда ***Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш*** вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тасдиқланадиган мазкур дастур доирасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва ўз қадр-қимматига эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоялашни, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун зарурий шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган ҳолда оширилади. Мазкур дастурнинг ижроси бўйича давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мутасадди ходимлари Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат дастури ижросини жойларда сифатли таъминлашга қаратилган билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қиладиган давра суҳбатлари ва

семинарлар ўтказади. Бундай ишларни бутун йил давомида амалга ошириш лозим бўлади.

Шу ўринда «ёшлар» тушунчасининг юридик мазмунига тўхталиб ўтайлик. Хўш, ёшлар деганда қонун ҳужжатлари кимни назарда тутади? «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, ***«ёшлар (ёш фуқаролар)*** ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар»дир. ***Ёш оила*** деганда, эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз оила-дан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) тушунилади. ***Ёш мутахассис*** деганда, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим тушунилади. ***Ёшлар тадбиркорлиги*** деганда эса, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ана шундай йўналишлардан бири сифатида ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Қонуннинг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимига таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, адлия органлари, мудофаа ишлари бўйича органлар ки-риши билан бир қаторда, бу борада бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкинлиги

назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, ***ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда намунавий уйларини қуриш ва имтиёзли кредит асосида фаол фойдаланишга тақдим этиш*** вазифаси белгиланди. Бундай уйлар лойиҳа-ларнинг техник ҳужжатлари асосида тижорат банклари кредитлари эвазига барпо этилади. Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида улар замонавий уй-жойлар билан таъминланади ва уларга узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратилади.

Ўзбекистон Президентининг халқимиз ўртасида, айниқса ёшлар орасида китобхонлик анъанасини янада жонлантириш, китоб маҳсулотларига кенг эътибор қаратиш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир. Ана шу йўлда 2017 йилнинг 6 февралида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ***ўқувчи ёшларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш*** мақсадида таълим муассасаларида «Мен севган китоб» ва «Энг яхши китобхон» танловлари ташкил этилиши белгиланди. Бунинг учун бюджетдан ташқари маблағлар ва хайрия жамғармалари ҳисобидан 160 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Бундай танловлар воситасида ўқувчи ёшлар турли ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан ҳимоя қилинади, уларнинг мафкуравий иммунитети мустаҳкамланади ҳамда жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, давомида аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида «Ахборот – эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида Республика «Китоб байрами» анъанавий тадбири ва унинг доирасида «Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзусида илмий-амалий конференция ва «Болалар китоблари» республика фестивали ташкил этилади ва ўтказилади. Ўзбекистон марказида китоб дўконлари очилади ва улар янги адабиётлар билан тўлдирилади. 40 га яқин номдаги ўзбек мумтоз ва жаҳон мумтоз адабиёти, жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналари нашр этилган китобларда, хусусан, республика ахборот-ресурс марказ-ларига китобларни тақдимоти ўтказилади. Бундай эзгу ишларни амалга ошириш ***адабиёт орқали халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни китобхонликка ўқиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ёзувчи ва***

китобхон ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, ёшларни интеллектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятига, китоб мутолааси маданиятига бўлган эътиборни кучайтириш мақсад қилиб олинган.

Ўсиб келаётган авлоднинг китоб ва бошқа босма маҳсулотларга қизиқишини ўстириш мақсадида Ўзбекистон халқининг маданий-маърифий мероси, тарихи бўйича адабиётлар чиқарувчи нашриёт уйлари, босмахоналар, асар муаллифларига соғлом ва бошқа преференциялар тақдим этилади, иқтисодий рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Ёшларни она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни санъатга бўлган қизиқишни кучайтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритиш мақсадида бутун йил давомида Ўзбекистон Бадиий академияси ва бир қатор вазирликлар билан ҳамкорликда юртимизнинг чекка ҳудудларида Бадиий академия тизими ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида ***«Ёш рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун «Бунёдкор халқим билан мулоқот илҳоми» мавзусида маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар*** ташкил этилади.

2017 йилнинг биринчи чорагида 2016/2017 ўқув йилининг 450 минг битирувчиси билан 200 минг корхона ва ташкилот, шунингдек, бир қанча таълим муассасалари маъмурияти ўртасида ўзаро томонлама шартномалар тузилади, 803 та ихтисослаштирилган ёшлар иш ўринлари ярмаркаси бевосита касб-ҳунар коллежларида ўтказилади, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ташаббускорларга 360 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади, шунингдек, оилада кам таъминланган оила фарзандлари бўлган коллеж битирувчилари учун 50 мингта иш ўринлари банд қилинади (квоталанади). Ушбу махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган бундай вазифаларнинг белгилашдан мақсад – ёшларни касб танлашга йўналтириш. Ушбу махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, битирувчиларга ишлаб чиқариш амалиётларини ўташларини учун корхона ва ташкилотлар белгилаш ва уларни ишга жойлашишга кўмаклашишдан иборат.

Ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Бу чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

«Биз Ватанга таянчмиз», «Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз-ёшлар» деган шиорлар остида анжуманлар ташкил этиш;

«Маънавият ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтиришнинг омили» мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида учрашувлар ташкил этиш;

болалар адабиётларни инвентаризациядан ўтказиш, ахборот-ресурс марказларини янги китоблар билан бойитиш;

«Оила маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги» мавзусида ахборот ва методик материаллар тайёрлаш;

Ватанимиз равнақини таъминлашда ёшларнинг масъулиятини оширишга қаратилган «Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этиш;

Интернетга таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш соҳасида Интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этиш;

Фуқаролик жамиятида шахс тарбияси ва унда оила институтининг ўрни мавзусида анжуман ўтказиш.

Оила учун белгиланган вазифалар қаторида Вазирлар Маҳкамасининг кириш синовларида чин етим, етим ва ногиронларга имтиёзлар яратиш, педагогларнинг илмий, услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишлари самарадорлигини ошириш тўғрисида тегишли қарорини қабул қилиш ҳам бор. Мазкур қарорни қабул қилиш асосида тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ҳамда 1-гуруҳ кўзи ожиз ногиронларга таълим олишда кенг имкониятлар яратилади. Уларнинг таълим муассасаларига қабул қилишда алоҳида давлат грантлари ажратилган ҳолда, имтиёзлар белгиланади, ҳудудларда айрим йўналишлар бўйича мақсадли қабул квоталари тасдиқланади, педагогларнинг илмий, услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишлари бўйича фаолиятини соатлар миқдорисиз,

иш турлари ва мазмуни асосида лавозимларга қўйилган малака талабларига мувофиқ белгиланади.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ***маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш*** лозим. Бунинг учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш керак.

Халқимизда «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» деган мақол бор. Ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардан бири экан, ёшларнинг, айниқса, талаба ёшлар яхши ҳордиқ чиқаришлари ва мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида кўп ва жиддий ишлар амалга оширилиши лозим. Ана шундай ишлардан бири – бу Тошкент шаҳридаги Талаба балар шаҳарчасида маданий дам олиш марказини ташкил этиш ва ундан бепул фойдаланишни йўлга қўйишдир. Бу ишлар инвестиция дастури доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2017 йил юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу борада ёшлар билан ҳам бевосита мулоқотни йўлга қўйиш бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари изчил фаолият олиб боришлари керак. Республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри узатиладиган очиқ мулоқотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Мулоқотлар ёшлар масалалари билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда ёшлар масалаларига оид саволларга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан тўлиқ жавоб берилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, уюшмаган ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилиши керак. Бу мақсадда маҳаллаларда замонавий спорт майдончаларини барпо этиш, уюшмаган ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этиш (street sport) лозим. Агар жамият аъзоларининг барча қатламлари, айниқса ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланса, бу соғлом авлод тўғрисидаги мақсадларимиз ва интилишларимизнинг ҳаётий ифодаси демакдир.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширишга йўналтирилган уч босқичли спорт мусобақалари («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада») йўлга қўйилган. Мазкур чора-тадбирлар доирасида Жиззах вилоятида 2017 йилнинг май ойида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўтказилади. Шу муносабат билан спорт мусобақалари финал босқичи ўтказиладиган таълим муассасалари таъмирланади ва жиҳозланади. Бунинг натижасида ўқувчи ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлишлари учун янада яхши шароитлар яратилади.

Олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган чин етим, Меҳрибонлик уйида тарбияланган ва ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, кам таъминланган оилалардаги иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида «Таълим гранти», «Касаба уюшмалари стипендияси» лойиҳалари асосида стипендиялар тўлаш бутун йил давомида амалга ошириб борилади. Ушбу ишларни ташкил этиш натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли талабаларга олий таълим муассасасида таълимни давом эттириш учун имконият яратилади ҳамда уларнинг ҳаракати, билими ва интилиши моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Халқимиз бой тарихга ва миллий анъаналарга эга. Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз орасида ўзимизга хос ва ўзимизга хос бўлган қатор миллий ўйинларимиз мавжуд. Ана шундай ўйинларимизни замонавий ахборот технологияларига чиройли тарзда ривожлантирсак ва бундан ёшларимиз бўш вақтларидан унумли фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятини ва қобилиятини бойитиш мақсадида фойдаланса, нур устига аъло нур бўлади. Ана шу мақсадда мобиль Интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак маънавий руҳда тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган миллий ўйинларини ташкил этиш лозим. Бунинг натижасида ёшларнинг бўш вақтини фойдали ўтказишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг мобиль Интернет фойдаланувчилари учун мўлжалланган ўйинлар яратилади.

Юртимизда илғор ёшларни бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолият юритмоқда. Мазкур ижтимоий ҳаракатнинг маблағлари ҳисобидан бутун йил давомида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди марказида «Камолот» китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган. Бундай хайрли ишлар орқали ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказишларига, уларнинг китобга бўлган қизиқишларини оширишга эришилади.

Ёшлар ўртасида маданият ва санъат асарларига бўлган қизиқишни ошириш, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳунармандлик анъаналарини тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва касб-ҳунарга қизиқишини ошириш мақсадида «Халқ амалий санъати – ёшлар қалбида» халқаро амалий санъат кўргазмасини ўтказиш белгиланган. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни рағбатлантириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш ва катта саҳналарга олиб чиқиш, ёшлар эътиборини мусиқа ва санъатга қаратиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ёш иқтидорли ижодкорларни излаб топиш ва уларнинг ижодини рағбатлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивалини, «Мусиқага чорлайди, ёшлар!» маданият ҳафталигини, «Сени куйлаймиз, замондош!» Ўзбекистон театрларининг IV Республика кўрик-фестивалини, «Онам айтган аллалар» фестивалини, «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивалини, «Созлар навоси» халқ чолғулари ижрочилари республика танловини ва ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилган «Шашмақом», «Аския», «Палов» ва бошқа номоддий маданий мерос намуналари бўйича «Ўзбек маданий мероси – жаҳон нигоҳида!» номли фестивални ўтказиш 2017 йилнинг энг муҳим ва йирик маданий тадбирларидан деб ҳисобланишга лойиқ тадбирлардир.

Мана, бир неча йилларки, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофоти саралаш босқичлари ва уни тантанали равишда топшириш маросими юқори савияда ўтказиб келинади. Бундай тадбир 2017 йилда ҳам бўлиб ўтади. Мазкур тадбирнинг бош мақсади ижодий салоҳиятга эга ва истеъдодли ёшлар-

ни рўёбга чиқариш, кашф этиш, санъат оламига кириб келаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Турли соҳаларда меҳнат қилиб, халқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган замон қаҳрамонлари фаолияти тўғрисида ҳужжатли филмлар яратиш, улар билан мунтазам равишда адабий кечалар ташкил этиш доимо диққатимиз марказида бўлиб келган. Ўз касби бўйича юксак натижаларга эришган турли соҳа вакиллари фаолиятини тарғиб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритиш, уларни ёшларга намуна сифатида етказиш ва кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, уларга тиббий кўрикдан доимий ўтишнинг ижобий томонларини тушунтириш мақсадида таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда тиббиёт пунктларида «Саломатлик кунлари»ни ташкил этиш белгиланган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи шакллантирилишига, уларнинг тиббий маданиятини юксалтирилишига ҳисса қўшади, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Ота-оналарнинг педагогик маданиятини, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурида «Ота-оналар университети» фаолиятида фойдаланиш учун услубий қўлланма ва кўргазмали материаллар ишлаб чиқиш, фуқаролар йиғини ходимлари ва фаоллари учун «Ёш авлод тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш чоралари белгиланди. Ушбу чора-тадбирлар баркамол авлодни ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ота-оналарнинг салоҳиятини ошириш, намунали, ибратли оилалар тажрибасини оммалаштиришни, мавжуд ибратли анъана ва қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришни кўзда тутади.

Ёшларимиз ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва маънавий маданиятни оширишга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари, тренинглар, викториналар, тушунтириш тадбирларини ташкил этиш, маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан терроризм ва диний

экстремизмга қарши курашишга бағишланган учрашувлар ўтка муҳим аҳамият касб этади ва бу борада ҳам тегишли ва белгиланди.

Нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, ишсиз бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар мол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш ёшларнинг мавий маданият» таъсирига қарши иммунитетини мустаҳкамлаш маънавий-ахлоқий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи соғлом оила қуришга интилишларини рағбатлантиришга тутади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947-сон Фармони қабул қилинишининг бош мақсади нима?*
2. *Ёшлар деганда кимлар тушунилади?*
3. *Ёшларга оид давлат сиёсати деганда нимани тушунасиз?*
4. *Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни қандай муносабатларни тартибга солади?*
5. *Давлат дастурида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш ишларига қандай аҳамият берилган?*
6. *Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш даркор?*
7. *Ўсиб келаётган ёш авлодни китобхонликка қизиқтириш учун қандай ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади?*
8. *Нима учун ўқувчи ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш зарур?*
9. *Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда «Камолот» уйларини қуриш ва имтиёзли кредит асосида фаол ёшларга тақдим этиш ишларини қай тартибда ташкил этиш белгиланган?*

V боб.

ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚ УИЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

1. ХАВФСИЗЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Бугунги кунда хавфсизлик масалалари бутун дунёда энг долзарб масалалардан бирига айланиб қолмоқда. Йил сайин давлатлар томонидан мудофаа ва ҳарбий соҳага ажратилаётган харажатларининг ошиб боришини фикримизни тасдиқлайди. Бироқ, фақатгина замонавий қуролланган бўлишнинг ўзигина хавфсизликни таъминламайди. Ҳаётимиз давом этиб турганимиздек, замонавий бузғунчи кучлар ҳам ўзгариб, ҳарбийлар эмас, балки тинч аҳолини нишонга олиш каби ноанъанавий усуллардан фойдаланади. Бунда эса, миллий ва диний низоларни келтириб чиқариш асосий мақсад ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмида давлат-ҳуқуқий, этно-ҳудудий ва этнодемографик характердаги 300 дан ортиқ катта-кичик низолар қайд қилингани ҳам бунга фикримиз ўринли эканини тасдиқлайди.

Бундай мисоллар мавжуд экан, улар ўртасида ўзаро муносабатлар ҳам мураккаб. Шундай экан, бугун глобаллашувнинг бу жараёнга ўтказаётган салбий таъсирининг олдини олиш ҳақида бош қотириш ва самарали механизмларни топиш ўз мустақиллигини, эркини, ўзига хослигини сақлашга қодир бўлган барча миллатлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Республикамизда ҳам миллатлараро тотувликни таъминлаш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш ғояси давлатимиз раҳбарларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинчалик барча нутқ ва мулоқотларида тинчликни таъминлаш, миллатлар ва динлараро тотувликни қўллаб-қувватлаш, дин никобидаги экстремизм ва

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Шавкат Мирзиёев

терроризмга қарши аёвсиз кураш масалаларини асосий тамойил сифатида олға суриб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияда бешинчи йўналиш сифатида ***«Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар»*** белгиланди. Бу ҳам юртимизда фуқароларимиз хавфсизлиги, миллатлар ва диний бағрикенгликка берилаётган улкан эътибордан далолат беради.

«Бағрикенглик» тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. Лотинча «tolerare», яъни «чидамоқ», «сабр қилмоқ» маъносини англатган «толерантлик» сўзи, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, «чидамлилик», «бардошлилик», «тоқатлилик», «ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш», «мурувватлилик», «ҳимматлилик», «кечиримлилик», «меҳрибонлик», «ҳамдардлик» каби маъноларга эга.

Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) бош конференциясининг 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинди. Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидаги фаолияти» декларацияси қабул қилинди. ЮНЕСКОнинг «Тинчлик маданияти» концепцияси БМТ томонидан маъқулланиб, 2000 йил «Халқаро тинчлик маданияти йили», 2001 йил эса «Халқаро маданиятлараро мулоқот йили» деб эълон қилинди.

Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ бошқа жойдан кўчиб келиб, ўрнашиб қолган эмас. Бу замин – ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин – Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан биридир. Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизацияларнинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деб бежиз таърифламаган. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизациямиз ўзига хос бағрикенглик тафаккур услубига таянади.

Уч минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал мамлакатимиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. 1926 йилда юртимизда 90 миллат ва элат яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123, 1989 йилда эса 130 тага етган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг шафқат мамлакатга ном берган ўзбек халқи, балки шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ҳам миллат сифатида сақланиб қолиши ва ривожланиши учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Шундан, кўпмиллатли диёримизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлган миллатла-

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқароларо ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Шавкат Мирзиёев

раро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб аҳолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган миллий-маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш учун Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 13 январда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари билан биргаликда миллатлараро муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишида қатнашиш, миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзига хос анъана, урф-одат ва расм-русумларни тиклаш ҳамда ривожлантиришда уларга кўмаклашиш деб белгиланди.

2017 йилда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизда миллий-маданий марказларни сони 140 дан зиёд бўлиб, улар юртимизнинг жамоат ташкилотлари қаторида самарали фаолият кўрсатмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу марказлар фаолиятида, миллатидан қатъи назар, барча юртдошларимиз қатнашишлари мумкин. Миллатлараро муносабатлар йўналишидаги яна бир долзарб масалалардан бири – аҳолининг миллий таркибига мос келадиган таълим-тарбия тизимини ташкил қилишдир. Бу борада республикамизда бугунги кунга келиб, 10 мингга яқин мактаб фаолият юритаётгани, шундан 845 та мактабда рус тилида, 491 та мактабда қозоқ тилида, 259 та мактабда тожик тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 7 та мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилганини таъкидлаш керак.

Булар орасида икки ёки уч тилда ўқув машғулотлари олиб бориладиган мактаблар ҳам бор. Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларида ўзбек тилидан ташқари рус, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам машғулотлар олиб бориладиган мактаблар учун мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамиздаги оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳам аҳоли миллий таркибининг ранг-баранг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда 8 тилда, яъни ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман, инглиз, корейс тилларида газета ва журналлар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси орқали қатор хорижий тиллардаги курсатувларнинг мунтазам равишда намойиш қилиниши ва махсус радио эшиттиришларнинг турли тилларда эфирга узатилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бугунги кунда, 12 (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, озарбайжон, рус, татар, бошқирд, корейс, уйғур) тилларида телерадио эшиттиришлар эфирга чиқмоқда. Бундан кўринадики, Ўзбекистоннинг миллатлараро сиёсати инсонийликка, демократияга қарши бўлган сиёсатнинг ҳар қандай кўринишларини тўлиқ ва мутлақ рад этишга асосланган.

Кўриниб турганидек, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон ўзига хос тажриба орттирди. Бунда фақат миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш билан чекланмаслик, балки мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришиш тамойилига амал қилинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қурилган бу сиёсат:

кўп миллатлиликни яратувчилик қудратига эга бўлган омил сифатида тан олиш;

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, тенглигини таъминлаш;

миллий мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги тенг ҳуқуқли иштирокини кафолатлаш;

миллий тил, урф-одат ва анъаналар ҳурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш;

– ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишини таъминлаш;

– фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган миллий, ирқий, диний адоват ва низони тарғиб қилувчи фаолиятга йўл қўймаслик;


– миллатлар ва элатлар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга доир халқаро қоидалар устуворлигини тан олиш каби тамойилларга таянган ҳолда изчил амалга оширилмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, қаерда миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади, улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишга ғов бўладиган энг хатарли тўсиқ – тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай иллат, зарарли ғоя тузоғига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутади. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина фашизм ғояси XX асрда инсоният бошига аввалги барча асрлардагидан кўра кўпроқ кулфат, офат-балолар ёғдириб, охир-оқибатда ўзи ҳам ҳалокатга учради. Лекин ҳанузгача фашизм, шовинизм, ирқчилик ғояларини тирилтириб, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ғоясига қарши «салиб юриши» уюштиришга уринаётган кучлар борлиги барчамизни ҳушёр торттириши лозим.

Бағрикенгликнинг муҳим йўналишларидан бири «диний бағрикенглик»дир. Турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатадиган мазкур тушунча, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этишини назарда тутади. «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»да таъкидланганидек, ***«Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди»***.

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини



5.11-расм.

...келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу эса, ...ги ва диний қарашидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ...ларини қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш ...ги туғулар юртимиз аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан ...ади. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Маълумки, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. ...бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида ...чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли ...ларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун ...ади.

...замонларданоқ ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, ...шунослик, насронийлик каби динлар мавжуд бўлган. Энг қадимий ...тарқалган динлардан бири бўлмиш зардуштийликнинг ...ҳам бизнинг юртимиздир. Чунки, у қадимги Хоразмда ...ланиб, ривож топган.

...ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизм ҳам муҳим ўрин ...ган. Ҳаттоки, Бухоро шаҳрининг номи ҳам «Вахара» – буддавий-...ибодатхонаси номидан келиб чиққан, деган фикрлар бор.

Марказий Осиёга ислом динининг ёйилиши арафасида бу ерга ...орқали Суриядан кириб келган несториан йўналишидаги ...ийлик дини муҳим мавқени эгаллаган. VI аср бошларида ...қандда несториан епископи, VIII асрда эса митрополити хиз...ган. Шунингдек, қадимда ҳозирги Тошкент ва Хоразм вило...ари ҳудудларида насроний динига мансуб аҳоли ҳам яшаган.

VIII асрда Марказий Осиёга араблар билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Аҳолининг бу динни қабул қилиши аста-секинлик билан, бир текис бўлмаган ҳолда юз берди. Аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Бу вақтда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришуви юз берди. Мовароуннаҳр халқларининг ислом динига зид келмайдиган маърифий-ахлоқий ғоялари, ҳуқуқий меъёр ва урф-одатлари тўла сақланиб қолди ҳамда ислом таълимоти асосида янада сайқалланди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Бу ҳам юртимизда узоқ йиллар давомида шаклланган диний бағрикенглик самараси эди.

Ўлкада тинчлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлашда ислом таълимотидаги ўзга дин вакиллари билан ўзаро мурosa йўлини тутиш, улар билан дунёвий ишларда ҳамкорлик қилиш ва ҳамжиҳатликда яшашга чорловчи тамойиллар ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Айниқса, ислом таълимотидаги динни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик қалбга боғлиқ, инсоннинг тўлиқ ихтиёридаги амал деб қаралиши минтақада диний бағрикенглик муҳитини барқарор бўлиши учун асосий омиллардан бўлди.

Диёримиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларида ҳам диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятлар тарғиб қилинган ғояларни учратамиз. Жумладан, Шайх Аҳмад Яссавий ҳам ўз ҳикматларида ўзга дин вакилларига яхши муносабатда бўлишни уқтирган:

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қоттиғ дилозордан худо безор.

Юртимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг бу каби ўгитлари узоқ йиллар давомида халқимизни бағрикенг бўлишга, турли дин ва элатлар билан тинч-тотувликда ҳаёт кечиришга чорлаб келган.

Ҳозирги кунда ҳам юртимизда истиқомат қилаётган турли дин вакиллари учун тенг имкониятларнинг яратилиши, айниқса, диний бағрикенгликка доир қоидаларнинг қонуний асосларда мустаҳкамланиши таҳсинга сазовордир. Энг аввало, Конституциямизнинг 31-моддасида мустаҳкамланган ***«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Динни қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»*** деган қоида диний бағрикенглик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз дини ва эътиқодига эга бўлишда эркиндир ва ҳар қандай ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини тан олмоғи лозим. Бир кишининг дин борасидаги қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

...Диний ташкилотларнинг ва бирлашмаларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари, улар фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда янада такомиллаштирилиши, ушбу соҳадаги асосий йўналишлар, принциплар ва бошқа муҳим масалалар назарда тутилади.

Ҳаракатлар стратегияси, 300-банд

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 18-моддасида ҳам ***«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт»*** деган норма асосида турли диний эътиқоддаги инсонларнинг дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенг экани эътироф этилган.

Конституциямизнинг 61-моддасида эса, юртимизда фаолият олиб борувчи диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Унда айтилишича, ***«Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».*** Бу қоиданинг моҳияти шундаки, Ўзбекистонда ҳар қандай дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ва барча диний конфессиялар қонун олдида баробардир. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлайди ҳамда улар ўртасида ўзаро мурosa ва ҳурмат муҳитининг шаклланишига кўмаклашади.

Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун 1991 йилда

қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгги йиллар давомида мазкур қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди ва 1998 йилнинг 1 май ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ва ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартиб-тибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадан ошиб чекланиш мумкинлигини таъминлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқдир.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам эътиқод эркинлиги ва унинг бағрикенглик халқаро ҳуқуқ ҳимоясида экани таъкидланади. Жумладан, 1948 йили қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 18-моддасида ***«Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир»***, деб таъкидланган. 1966 йили қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да ҳам ***«Бирор одам ҳам ўз интилиши билан ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки уларни қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий хатти-ҳаракатларга дучор этилмаслиги керак»***, деб кўрсатилган. Бу эса, диний бағрикенгликни нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқий норматив муҳофазасида эканидан далолат беради.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрларнинг қонунчиликка киритилиши диёримизда расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратиб берди. Жумладан, мустақилликкача юртимизда бир неча черков ва синагогалар фаолият олиб борган бўлса, қонуний асослар мустаҳкамлангач, дунёнинг турли минтақаларида диний ибодатларини амалга оширувчи евангел-лютеран жамоаси, рим-католик черкови, «еттинчи кун адвентистлари» диний ташкилоти, баҳоийлар, яҳудийлар диний жамоалари каби конфессиялар расмий фаолият юрита бошлади.

Ҳукуматимиз томонидан турли диний ташкилотларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, шарофат телевидение орқали Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарининг маърифий кўрсатувларни бериб бориши, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби машҳур алломаларнинг таваллудига бағишланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонланиши каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айниқса, ҳаж ибодатини тўла-тўкис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этиш учун барча шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор.

Ўтган йилларда, православлар учун Исроил, Греция ва Россия, католиклар учун Исроил ва Италия, арманлар учун Исроил ва Арманистон, яҳудийлар ва баҳоийлар учун Исроил, кришначилар учун Хиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашган муқаддас ибодатгоҳларга сафарлар ташкил қилинмоқда.

Бундан ташқари, Президентимиз фармонига кўра, 1903 йилда қурилган «Святая Богородица» ибодатхонасининг Арман апостол черковига топширилгани, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Германия лютеран черкови Кирхасининг республикамизда истиқомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Возрождение» немис маданият марказига фойдаланиш учун вақтинчалик берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфессиянинг юртимизда фаолият бошлаганининг 100 йиллиги кенг нишонланиши ҳам юқоридаги фикримиз исботи бўла олади.

Шунингдек, христианларнинг «Рождество», «Пасха», яҳудийларнинг Рош-Ашона (Янги йил), Йом-Кипур (Гуноҳлардан покланиш байрами), Песах (Пасха), буддавийларнинг Сагаалган (Оқ ой), Дончод-хурал (Будданинг туғилган куни) каби байрам-ларини нишонлаш учун юртимизда яшовчи шу дин вакилларига барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

2000 йил 13–15 сентябрда Тошкентда ўтган динлараро мулоқот бўйича I конгресси Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хилликни муҳокама қилди. Унда 40 га яқин давлатдан 80 дан ортиқ турли дин ва конфессияга мансуб вакиллар, йирик мутахассислар иштирок этди. Конгрессдан сўнг 18 сентябрда Бухоро шаҳрида «Тасаввуф ва динлараро мулоқот» мавзусида халқаро симпозиум

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир.

Шавкат Мирзиёев

бўлиб ўтди. Унда «[illegible] бағрикенгликни тарғиб [illegible] чи, тинчликка чақирувчи [illegible] динининг ноёб, ўзига хос [illegible] ниши, деган таъриф берилди. Шунингдек, 2001 йил сентябрь Тошкентда ўтган Осиё [illegible] океани минтақаси [illegible] «Бағрикенглик тармоғи [illegible] иккинчи йиғилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқининг урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ экани таъкидланди.

Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ИСЕСКО) томонидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан 2007 йил 14-15 августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг [illegible] цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам мамлакатимизнинг жаҳонга бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлидаги [illegible] яна бир бор эътироф этилди. Шунингдек, **2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди**. Бугунги кунда ҳам мамлакатимиз олий тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, исломнинг маърифий ғояларини ёйиш ҳамда диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда бутун дунёга ўрнак бўлмоқда.

Бағрикенгликнинг зидди «мутаассиблик»дир. Умумий маънода «мутаассиблик» – бу бир ғоянинг тўғрилигига қаттиқ ишониш ва ундан ўзгаларини кескин рад этишни англатади. Мазкур феноменнинг хавфли жиҳати шундаки, у борган сари кучайиб ксенофобия, экстремизм ва ҳатто терроризмга айланади.

Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғов, тўсиқдир. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини очиқ намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан ниқобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳаётига

[illegible] таҳдид солмоқда. Кенг кўлам ва хилма-хил кўринишлар [illegible] ушбу иллатга қарши кураш бутун дунё учун долзарб [illegible] қолмоқда. Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича [illegible] террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бир [illegible] бутун Ер юзида содир этилган терактлар ва уларнинг [illegible] ҳалок бўлганларнинг сони бир неча ўн мингни ташкил [illegible] терроризмнинг тинчлик ва хотиржамликни издан чиқаришга [illegible] асосий таҳдидлардан бирига айланганини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда замонавий терроризмнинг, бир томондан, тобора [illegible], гайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга [illegible] бўлган жўғрофий кўлам касб этиб бораётганини [illegible] таъкидлаш лозим. Ҳозирги вақтда ҳар куни дунёнинг у [illegible] ортасида кимларнидир қўрқувга солиш орқали муайян [illegible] эришишни кўзлаган қўпорувчилик ҳаракатлари амалга [illegible] моқда. Афсуски, уларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда.

Марказий Осиё минтақасида диний мутаассиб оқимлар фаолияти XX асрнинг 80-йиллари бошларида хорижий экстремистик [illegible]-ҳаракатлари билан шакллана бошлади. Минтақада [illegible] кенгаётган молиявий ёрдам ҳисобидан жангари сифатида [illegible] шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан [illegible] гуруҳлар пайдо бўлди. Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришган 90-йилларнинг бошларида [illegible] гуруҳлар фаоллашиб кетди. Минтақада «Ҳизбут-таҳрир», [illegible] ислом ҳаракати», «Акромийлар», «Нурчилар» каби [illegible] фаолияти кузатилди.

[illegible] асосларини бузиб талқин қилиш, илмсиз, ташқи таъсирга [illegible] аҳолини ўз талқинидаги диний ғоялар билан заҳарлаш, [illegible] кўшилмаган кишиларга, давлатларга ва тузумларга нисбатан [illegible] бузғунчилик, қотиллик билан муносабатда [illegible] халол деб ҳисоблаш каби хусусиятлар юқорида зикр [illegible] ташкилотларнинг барчасига хосдир. Афсуски, сўнгги йилларда [illegible] гуруҳлар фаолияти натижасида дунё бўйлаб ҳар йили [illegible] ортиқ тинч фуқаро ҳалок бўлмоқда. Ўнлаб миллион [illegible] уйларини ташлаб кетиб, дунёнинг турли мамлакатларида [illegible] қочоқга айланишга мажбур қолмоқда. БМТ маълумотларига [illegible] бир миллиондан ортиқ ёш болалар очликдан ўлиш хавфи

остидадир. Уларнинг аксарияти террорчилик авж олган, бу ёки бошқа гуруҳлар томонидан эгаллаб турилган ҳудудларга тўғри келади. Бугунги кунда Ирок, Сурия, Нигерия, Афғонистон, Яман, Ливия каби дунёнинг энг хатарли нуқталари ҳисобланади. Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳеч қайси давлат ўзининг террорчилар хуружидан холи эканига 100 фоиз кафолат бера олмайди. Жумладан, 2015 йилда дунёнинг 96 мамлакати, у ёки бу даражада терроризмдан азият чеккан.

Мана шундай шароитда экстремизм ва терроризм хавфини чуқур англаб етиш, уларга қарши амалий чоралар кўриш – давр талабидир. Шундай экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ***«янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир»***.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Бағрикенглик тушунчасининг мазмун-моҳияти нимада?*
2. *Ўзбекистон ҳудудида азалдан қандай дин вакиллари истиқомат қилишган?*
3. *ЮНЕСКО томонидан қайси сана Халқаро бағрикенглик куни деб эълон қилинган?*
4. *Ислом дини манбаларида бағрикенглик ҳақида қандай маълумотлар мавжуд?*
5. *Миллий масалада Ўзбекистоннинг ўз йўли, яъни ўз модели нима учун мавжудлиги ҳақида гапириб беринг.*
6. *Миллий сиёсатнинг ўзагини нима ташкил қилади?*
7. *Миллий ғоя ва миллий сиёсатнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини тушунтиринг.*
8. *Дунёда бағрикенглик масаласининг долзарблигини қандай изоҳлайсиз?*
9. *Глобаллашув ва бағрикенгликнинг боғлиқлигини нима сабаб ифодалайсиз?*
10. *Бағрикенглик тушунчаси қайси жиҳатлари билан турли миллатлар ҳаётида бир хил маънони билдиради?*

52 ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Маълумки, дунёдаги ҳар қандай суверен давлат жаҳон ҳамжамиятига ўзининг ташқи сиёсий қарашлари, умумсайёравий муаммоларга муносабатлари ҳамда азалий мунозара ва музокараларга сабаб бўлган уруш ва тинчлик масалаларига ёндашувлари ҳақида хабар бериб боради. Бу борада Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аниқ сиёсий позициясини ва ташқи сиёсат борасидаги концепциясини баён этди. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини қонунийлик асосида кафолатлаб берди. Унинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига амал қилиши белгилаб қўйилди. Давлатнинг, халқнинг олий манфаатларини, фаровонлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бирор-бир блокларга тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро бирлашмаларга кириши, зарур бўлганда улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги Асосий қонунда белгилаб берилди.

> ***Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ташқи сиёсий курс олиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари орқали ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда қурилмоқда.***
>
> **Шавкат Мирзиёев**

Мустақиллик даврида Ўзбекистон чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятининг энг сиёсий фаол, халқаро муносабатларда ўзини асослаган ва ўзгармас позициясига эга бўлган давлат сифатида намоён этмоқда. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий нуфузини белгилаб берадиган муҳим омил сифатида ўз аҳамиятини кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда дунёда юз бераётган сон-саноқсиз ўзгаришлар, янгидан-янги муаммолар давлатлараро, минтақалараро

ва умумсайёравий миқёсда бутунлай янгича ёндашувларни, [illegible] қарашларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ана шу жараёнларда халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатда ўзининг [illegible] қарашлари ва муаммолар ечимини топишдаги ўзига хос ёндашувлари билан ўзининг кенг имкониятларини намоён этмоқда. Бу ҳақдаги ҳаққоний фикрларни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги маърузасида яққол кўриш мумкин. Ушбу маърузада Президент Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳозирги замон талаблари ва замонавий ҳаётнинг эҳтиёжлари нуқтаи назаридан аниқ белгилаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатида мустаҳкам изчилликнинг мавжудлиги, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган мустақил тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсат давом этаётгани давлатимиз қудратининг ва сиёсий барқарорлигининг ёрқин мисолидир. Ислом Каримов томонидан тошини қўйган ва жаҳон меҳварида бутун салоҳиятию салобати ва қудратини кўрсатаётган Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати замонавий талаблар, бугунги эҳтиёжлар ва дунёвий қарашларнинг илғор намуналари билан бойитиб борилмоқда. Демак, Ўзбекистоннинг бугунги кунда ўз Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида ўтган 25 йилда тўпланган тарихий тажрибаларга таянган ҳолда, уни янада бойитиш, такомиллаштириш, ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ташқи сиёсий курс олиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари кўриб, уларни оқилона ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда қурилмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро муносабатларини тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, юртимиз иқтисодиётининг барқарор ва тез суръатлар билан ўсиши, унинг очиқ, демократик давлат қуриш йўлида жадал сиёсат олиб бориши ва ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаши бугунги кунда ташқи сиёсат соҳасидаги асосий мақсаддир.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини қуйидаги принципларга содиқ қолиб келмоқда:

ўзининг миллий манфаатларига асосланган очиқ, прагматик ва изчил йўналтирилган ташқи сиёсат олиб бориш;

тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, давлатларнинг дахлсизлиги ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;

ташқи сиёсий фаолият концепциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, умумэътироф этилган миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларга иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий тажриба шундан далолат беради-ки, давлатнинг сиёсий қарашлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги халқаро муносабатларда узвийликнинг мавжудлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаш билан бирга, ички сиёсатда барқарор тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ички ва ташқи сиёсатнинг ана шундай соғлом, қатъиятли ва изчил ривожланиши бевосита унинг ҳам дунёвий, ҳам ички

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари бу давлат мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлашдан, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришдан, ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат иқтисодининг барқарор ва тез суръатлар билан ўсиши, унинг очиқ демократик давлат қуриш йўлидаги жадал сиёсат олиб бориши ва ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши учун энг қулай шароитларни яратишдан иборатдир.

Шавкат Мирзиёев

мавқеини белгиламоқда. Ҳозиргача мавжуд сиёсий қарашлар [illegible] асрда инсон ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган [illegible] лар тизимини қамраб олмоқда. Президент Ш. Мирзиёев бугун кунда ва олис истиқболда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлар ҳудудлари [illegible] можаролар ва кескинлик ўчоқларига айланишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий объектлари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди;

– сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техник кавий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантириш;

– мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни ҳамда жамиятни ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни шакллантириш;

– Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт зонасига айлантириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашиш;

– жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик қилишнинг мутаносиб, кўпқиррали тизимини шакллантириш, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб туриш, Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенг диверсификация қилиш;

– мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун сиёсий дипломатик ҳамда халқаро ҳуқуқий механизмлардан, жумладан, превентив дипломатия чора-тадбирларидан фойдаланиш;

– Ўзбекистоннинг сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳадаги ишончли, масъулиятли шерик сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ташқи дунё учун инвестицион, сайёҳлик, маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш;

[illegible]нинг иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан [illegible] инвестициялари ва илғор технологияларини жалб [illegible] жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва кўп [illegible]ламали ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни [illegible]тириш;

Ўзбекистоннинг дунёнинг йирик бозорларига кафолатли [illegible]ишини таъминлайдиган кўп мукобилли транспорт-коммуникация [illegible] тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

[illegible]ридаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик [illegible]ларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя [illegible]ишини таъминлаш.

Юқоридаги вазифалар, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг [illegible] ҳамжамиятига тобора чуқурроқ кириб боришини таъминлайди. Шу асосда ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик [illegible]ланиб боради. Айни пайтда бу вазифаларнинг самарали ҳал [illegible]ши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, сиёсий [illegible] сиёсий салоҳиятини намоён қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги 2–3 ойда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида муҳим воқеалар юз берди. Жумладан, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев 2016 йил 14 декабрь куни амалий ташриф билан Самарқандга келди. Ҳар икки давлат раҳбарлари азалий қардошлик туйғулари асосида [illegible]ланган яқин қўшничилик туйғуларини ифода этишди. Халқларимиз тарихий, маданий ва диний қадриятлари муштарак [illegible]ана ва урф-одатлари ўхшашлиги сиёсий, ижтимоий ва [illegible]ий жиҳатдан ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро бир-бирини [illegible]ш ва яхшичга асос бўлиши таъкидланди. Ҳар икки давлат [illegible] иқтисодий, ижтимоий, савдо ва маданий ҳамкорликни [illegible]ривожлантиришга келишиб олинди.

[illegible]йил 16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлари вазири ўринбосари Алан Дунканни қабул [illegible]. Ўзбекистон Буюк Британияни жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида [illegible]ришга тутадиган давлат билан сиёсий, иқтисодий, инвестиция[illegible]ланий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли

Ўзбекистонда кичик бизнесни жадал ривожлантириш қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича яқинда қабул қилинган чора-тадбирлар ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Сирил Мюллер,
Жаҳон банки вице-президенти

ҳамкорликни изчил давом эт... риш, халқаро майдонда, му... ладан, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кенг имконият олинди.

2017 йил 19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллерни, 1 февраль куни эса Америка-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэммни қабул қилди. Шу йилнинг 15 февраль куни Иқтисодий Ҳамкорлик бўйича Россия Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди. 2017 йил 6–7 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг чет давлатга биринчи давлат ташрифини амалга оширди – Туркманистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов таклифига биноан унинг мамлакатда бўлди. Мазкур ташриф жуда самарали бўлди ҳамда Ўзбекистон – Туркманистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга, стратегик шериклик даражасига кўтарди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам алоқада бўлиб келаётганидан, турли мамлакатлар билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириб бораётганидан далолат беради.

Президент Ш.Мирзиёевнинг давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда яқин қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларни янги босқичга кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатидаги муҳим тамойил сифатида кўзга ташланаётгани айниқса эътиборлидир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги даврини бошлаб беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ташқи сиёсатининг мазмун-моҳияти қандай ёритилган?*
2. *Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Ислом Каримовнинг роли қандай бўлган эди?*
3. *Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари нималардан иборат?*
4. *Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар ва жамиятни иқтисодий модернизация қилиш жараёнларида яратилган қулай ташқи сиёсий шароитлар ҳақида нималарни биласиз?*
5. *Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда Ўзбекистоннинг ўрни қандай?*
6. *Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида белгиланган устувор вазифалар нималардан иборат?*
7. *Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида қандай фаолият юритмоқда?*
8. *Ўзбекистон ташқи сиёсатида юз берган муҳим воқеалар ҳақида айтиб беринг.*
9. *Давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг муҳим босқичга қадам қўяётгани борасида фикрларингизни сўзлаб беринг.*

ХУЛОСА

Мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асослари барпо этилди. Иқтисодиётнинг бутунлай янги шакли – ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтилди. Мулкчилик, мулкка эгалик туйғусини шакллантириш орқали жамиятда инсоннинг бунёдкорлик, яратувчилик қобилиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ижтимоий соҳада бутунлай янги – инсон ҳаёти, турмуш фаровонлиги, тинчлиги ва барқарорлигига йўналтирилган яхлит, демократик тизим вужудга келди. Қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш асносида ҳақиқий эркин демократик режим шакллантирилди. Дарҳақиқат, қонун устувор бўлган жойдагина ва қонун доирасидаги эркин фаолиятгина кишилик жамиятининг бутун моҳиятини белгилайди ва уни юксак қадриятга айлантиради. Чунки ҳақиқий демократия – бу қонун ҳукмронлигидир. Энди ана шу қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий цивилизация талаблари, XXI асрда инсон ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган глобал муаммолардан келиб чиқиб ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу – бевосита жамиятнинг барча соҳаси ва йўналишларини қамраб олган ялпи янгиланишларни талаб қилаётган ҳаётий эҳтиёждир. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда мамакатимиз олдида турган буюк мақсадларга етиш, улкан вазифаларни ҳал этишда дастуруламал вазифасини бажармоқда.

Халқимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у адолатга, муросага, очиққўнгиллик ва самимий муносабатга мойил халқдир. У фаол ва онгли бошқариш орқали янгидан-янги имкониятларни намоён қила оладиган, ўзининг юксак маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини кўрсата оладиган бунёдкор халқ. Айни

ана шу кайфият, халқ феъл-атвори, миллий руҳият очиқ жамият қурилаётганини, халқ билан давлат ўртасидаги муносабатнинг соғлом ва ўзаро ишончли, аниқ мақсад ва умуммиллий манфаат асосида қурилаётганини катта мамнуният билан қабул қилмоқда. Ана шундай ижобий ҳаётбахш маънавий-руҳий вазият тобора чуқурлашиб бораётгани сайин жамиятда улкан тараққиётга, сифат жиҳатдан янгиланишларга ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга қаратилган амалий ҳаракатларимиз ҳам кучайиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ва ушбу ўқув қўлланмада таҳлил этилган бешта йўналиш айни ана шу умуммиллий кайфият ва ялпи сафарбарликка асос бўлиб хизмат қилмоқда. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, давлат ва жамият қурилиши борасидаги ютуқларни мустаҳкамлаш, бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилиги анъаналари билан ҳозирги замон жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтезлашган шаклидаги тараққиёт моделини чуқурлаштириш;

иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган янгиланишларни янги босқичга кўтариш. Бунда мавжуд қонунларни қайта кўриб чиқиш, уларни ҳозирги замоннинг шиддат билан ўзгараётган жараёнларига, ижтимоий-сиёсий янгиланишлар эҳтиёжига мувофиқлаштириш. Чунки Ўзбекистон глобаллашув жараёнларига фаол кириб бораётган экан, умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда катта куч-ғайрат ва салоҳиятини намоён қилаётган бир пайтда ўзининг буюк келажагини жаҳон цивилизациясининг узвий бир бўлаги сифатида кўраётган экан, ана шу жараёнларни жамият билан боғлиқ ҳолда фаоллаштирадиган қонунлар тизими зарур. Улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий бундан минг йиллар бурун **«Яхши қонунлар, яхши анъаналардан келиб чиқади»** деб айтган эди;

учинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва уни либераллаштириш билан боғлиқ бўлган бугунги кундаги муаммоларнинг ечимини топиш ва узоқ муддатли тараққиётга асос солиш. Бунда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, мулк ва мулк эгаси ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкчилик мавқеини ҳар томон-

лама кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
рағбатлантириш орқали аҳоли асосий кўпчилигини ташкил
диган ўрта қатламнинг жамиятдаги ролини янада ошириш
вазифа қилиб қўйилмоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг
туб моҳиятидан келиб чиқиб, макроиқтисодий барқарорликни
бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, таркибий ўзгартиришларни
чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини устувор
модернизация қилиш чораларини кўриш талаб этилмоқда.

тўртинчидан, ижтимоий соҳани ривожлантириш. Инсон ҳуқуқлари
ва эркин Ватанда тўлақонли яшаш, ҳаётнинг барча неъмат ларидан
фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоғи лозим. Ана шу умуминсоний
соний қадрият ва орзу-интилиш Ҳаракатлар стратегиясининг асо-
сий мақсади қилиб қўйилгани Ўзбекистонда инсонпарвар демократик
сиёсатининг чуқурлашиб бораётганидан далолат беради;

бешинчидан, ҳар қандай халқ, ҳар қандай жамият тинч ва осуда
яшашдан, барқарорликдан манфаатдор. Бу азалий қоида XXI асрда
да, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда диний экстре-
тремизм ва ақидапарастликнинг авж олаётгани, миллатлараро тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилаётган кучларнинг мафкуравий
лиги Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг
халқ феноменига, унинг маънавий тимсолига, руҳий қиёфасига
айлангани энг катта ютуғимиздир. Энди бу бебаҳо бойликни
асраш, ривожлантириш учун ҳар бир фуқаро қалбида мафкуравий
иммунитетни, маънавий-маърифий салоҳиятни ошириш орқали
тинч-осуда ҳаётни, Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз, фарзандларимиз келажагини кўз қорачиғидек асраш йўлидаги масъулиятни
кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонинг ташқи сиёсати ўзаро манфаатли, чуқур ўйланган, ҳар қандай давлат суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда,
тенг ҳуқуқли соғлом муносабатларни чуқурлаштиришдан иборат.
Ҳаракатлар стратегияси ана шу қадриятларни янги тарихий шароитда тараққиётнинг янги босқичига кўтаришга даъват этади.

Шу маънода, Ўзбекистонда янгиланишлар стратегиясининг
замон талабларига мос ва узоқни кўзлаган, аниқ мақсадларга
таянган тараққиёт даври бошланди, деб айтишга ҳар томонлама
ҳақлимиз.

ТЕСТЛАР

1. Мамлакатимизда байналмилал маданият маркази қачон ташкил этилган?

А) 1 январь, 1992
Б) 1 сентябрь, 1992
В) 16 апрель, 1992
Г) 18 сентябрь, 1993

2. Қайси халқаро ташкилот ва қачон «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»ни қабул қилган?

А) ЮНЕСКО, 1995
Б) Европа кенгаши (ЕК), 1990
В) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), 2000
Г) Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), 1998

3. «Бағрикенглик» тушунчасининг маъносини аниқланг.

А) барча жавоблар тўғри
В) бағрикенглик
Б) тотувлик
Г) сабр-тоқат

4. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қанча миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади?

А) 130
Б) 150
В) 126
Г) 140

5. Ўзбекистонда матбуот нашрлари нечта тилда чоп этилади?

А) 5
Б) 7
В) 8
Г) 14

6. БМТ қайси йилни «Бағрикенглик йили» деб эълон қилган эди?

А) 1999
Б) 2000
В) 1999
Г) 2001

7. Бугунги кунда мамлакатимизда нечта диний конфессия вакиллари фаолият кўрсатмоқда?

А) 14
Б) 16
В) 17
Г) 21

8. Юридик хизматнинг шартномавий муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини ташкил этиш соҳасидаги вазифа ва ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳужжатни танланг.

А) Юридик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисидаги Қонун
Б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги қарори

В) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳ... бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги қарори

Г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-... сон Қарорида юридик хизмат ходимларига қандай имтиёзлар берилган?

А) давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг малакали... тахассислик бўйича уч йиллик стажига эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонига тегишли стажировка ўтмасдан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Б) юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобга олинадиган бўлди.

В) юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган пулнинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланадиган бўлди.

Г) барча жавоблар тўғри

10. Никоҳдан ажралишни қайд этиш қайси органларга тааллуқли?

А) фақат ФҲДЁ органида амалга оширилади

Б) фақат суд тартибида амалга оширилади

В) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ФҲДЁ органида ҳамда суд тартибида амалга оширилиши мумкин

Г) диний расм-русумлар асосида амалга оширилади

11. Никоҳни қайд этиш ваколатига эга бўлган органни танланг.

А) фақат ФҲДЁ органида амалга оширилади

Б) фақат суд орқали қайд қилинади

В) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ФҲДЁ органида ҳамда суд томонидан қайд этилиши мумкин

Г) диний расм-русумлар асосида амалга оширилади

12. Ҳаракатлар стратегиясида адвокатура институтини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қайси жавобда тўғри келтирилган?

А) адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилади, адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари аниқлаштирилади, адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш, адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг роли

...ширилади, адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатишнинг ... тартиби босқичма-босқич жорий этилади ва адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари жорий этилади, халқаро-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва хўжалик-ҳуқуқий масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида хорижий фуқароларга адвокатлик лицензияларини бериш тартиби жорий этилади

Б) «Адвокатура тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилади

В) адвокатларга бир вақтнинг ўзида судья сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди

Г) халқаро-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва хўжалик-ҳуқуқий масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида хорижий фуқароларга адвокатлик лицензияларини бериш тартиби жорий этилади

13. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра нотариал идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган?

А) нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш

Б) барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш

В) ҳудудлараро электрон ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва тадбиркорларга нотариат соҳасида интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ... йўлга қўйиш

Г) барча жавоблар тўғри

14. Нотариал идораларга электрон мурожаат қилиш тартиби келажакда қандай муаммоларнинг олдини олади?

А) фуқароларга кам вақт ва маблағ сарфлаш

Б) ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш

В) кундан-узун навбатларда турмаслик

Г) барча жавоблар тўғри

15. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш деганда нима тушунилади?

А) тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширишга органлар фаолиятини келишувчилик асосида олиб бориш

Б) суриштирувни, дастлабки терговни, тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширишга органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш

В) тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширишга органлар фаолиятини ҳамкорлик асосида олиб бориш

Г) мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ фаолиятига ҳамкорлик асосида мувофиқлаштириш

16. Умумий мақсадга эришиш йўлида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини тартибга солиш, самарадорлигини янада ошириш йўлида ўзаро келишув...

А) халқ билан мулоқот қилишнинг асосини ташкил этади
Б) халқни ислоҳотлардан ҳабардор қилиш асосини ташкил этади
В) мувофиқлаштиришнинг моҳиятини белгилайди
Г) ҳамма жавоблар тўғри

17. Африка, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёдаги нечта диний экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ИШИДнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, уларга ёрдам бериб келмоқда?

А) ўн бешдан ортиқ
Б) йигирма бешдан ортиқ
В) ўндан ортиқ
Г) юздан ортиқ

18. Ўзбекистонда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш борасида қандай қонунлар қабул қилинган?

А) Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олиш тўғрисидаги қонунлар
Б) Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун
В) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун
Г) Б ва В жавоблар тўғри

19. 2017–2021 йиллар мобайнида қайси мутасадди идоралар иштирокида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш амалиётини ўрганиш назарда тутилган?

А) Ўзбекистон Республикасининг ИИВ, Мудофаа вазирлиги, МХХ, ДХК, Бош прокуратура, ОЎМТВ, Халқ таълими вазирлиги, МТРК, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ
Б) Ахборот технологиялари вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ва идоралар
В) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий тадқиқотлар институти, ДБЛ, СМТИ, ФЖШМҚМИ, «Ижтимоий фикр» маркази
Г) Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси

20. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қачон қўшилган?

А) 2001 йил
Б) 2001 йил
В) 2003 йил
Г) 2008 йил

21. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унга кўмаклашгирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун қандай тузилма ташкил этилди?

А) Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси
Б) Коррупцияни олдини олиш бўйича республика идоралараро комиссияси
В) Бош прокуратура ҳузурида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи гуруҳи
Г) Барча жавоблар тўғри

22. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бирини кўрсатинг.

А) Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги
Б) Ахборотнинг ислоҳотлардан хабардор эканлиги
В) Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонуннинг мавжудлиги
Г) Ахборотнинг ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги

23. 2017–2021 йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ва ижтимоий ҳаётда ўз вақтида етказишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида қандай ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган?

А) Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун
Б) Ахборотлаштириш назорати тўғрисидаги қонун
В) Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун
Г) Давлат ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун

24. 2017–2021 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида маҳаллаларда қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?

А) 1–15 февраль ва 1–15 марта «Жиноятдан сақланинг!» ўқув машғулотини жорий этиш тўғрисида тушунтириш ўтказиб бориш
Б) 16–28 февраль ва 16–31 марта «Ҳуқуқий билимлар» ўқув машғулотини жорий этиш тўғрисида тушунтириш ўтказиб бориш
В) 1–15 февраль ва 1–15 марта «Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид» мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш

Г) Ҳафтада бир марта «Маҳалламиз жиноятчиликка қарши курашда ... цияларини ўтказиш

25. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида ... жамотчилик назорати келтириб ўтилган?

А) 48 Б) 51 В) 32 Г) 18

26. Жамоатчилик назорати бу – ...

А) давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ... қонунчилик билан юклатилган мажбуриятларни ижро этиши билан боғлиқ фаолиятидир.

Б) давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ... жатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолиятдир

В) давлат ва унинг номидан махсус ваколатли органларнинг қонун билан белгиланган тартибда ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш орқали қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва бошқа фуқаролик ... маларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятдир, дейиш мумкин.

Г) тўғри жавоб йўқ

27. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширади деб кўрсатилган?

А) 110-модда Б) 115-модда В) 118-модда Г) тўғри жавоб йўқ

28. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари – ...

А) ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва махсус профилактикаси
Б) ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси
В) ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси
Г) барча жавоблар тўғри

29. Инсонпарварлик принципига тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

А) ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас

Б) шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади

В) қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт

Г) жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди

30. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ярашув институти қачон киритилди?

А) 2000 йил 21 август В) 2002 йил 30 август
Б) 2001 йил 29 август Г) 2003 йил 24 август

31. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, вояга етмаган шахслар учун қандай жазо чоралари тайинланиши мумкин?

1. жарима; 2. муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; 3. ахлоқ тузатиш ишлари; 4. озодлик бўйича чеклаш; 5. қамоқ; 6. озодликни чеклаш; 7. интизомий қисмга ... юборилиш; 8. озодликдан маҳрум қилиш; 9. умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

А) 1, 2, 5, 7, 9. Б) 2, 4, 5, 7, 8. В) 4, 6, 7, 8, 9. Г) 1, 3, 5, 6, 8.

32. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 661-моддасига мувофиқ, ... ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод ... ...майдиган шахслар рўйхатини аниқланг.

А) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг судланганлиги ... тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар
Б) ... ярашув қўлланилган муносабати билан жиноий жавобгарликдан ... ...
В) хавфли ва ўта хавфли рецидивистлар
Г) оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ... тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қачон қабул қилинган?

А) 2008 йил 1 август В) 2007 йил 11 июль
Б) 2008 йил 1 январь Г) 2007 йил 29 август

34. Даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш мажбурияти йўқотилган бўлса...

А) иш юритиш давом этади В) даъво кўрмасдан қолдирилади
Б) шартнома бекор қилинади Г) иш юритиш тугатилади

35. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб ... ...ган муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт?

А) олти ой Б) 15 кун В) 20 кун Г) 10 кун

36. Ўзбекистон Республикасида қайси судларда биринчи бўлиб видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлислари ўтказила бошланди?

А) фуқаролик судлари
Б) хўжалик судлари
В) жиноят судлари
Г) маъмурий судлар

37. Фуқаролик ва хўжалик судлари иш юритувида келишув битимининг тузилиши қандай процессуал оқибатларга олиб келади?

А) аризани ҳаракатсиз қолдириш
Б) иш юритишни тўхтатиш
В) даъвони кўрмасдан қолдириш
Г) иш юритишни тугатиш

38. Қуйидаги ҳуқуқлардан қайси бири назорат инстанцияси судининг ваколатларига тааллуқли эмас?

А) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни ўзгаришсиз, протестни ёки қаноатлантирмай қолдиришга

Б) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишга

В) ҳал қилув қарорини, ажрим ёхуд қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга

Г) ФПКнинг 314-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли

39. Қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан протест келтириш тўғрисидаги аризалар қанча муддатда кўриб чиқилади?

А) ариза 10 кун муддатда кўриб чиқилиши керак
Б) ариза 20 кун муддатда кўриб чиқилиши керак
В) ариза бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак
Г) ариза уч ой муддатда кўриб чиқилиши керак

40. Низоларни судгача ҳал этиш усули қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) талабнома юбориш
Б) ҳакамлик судида ҳал этиш
В) медиация тартибида ҳал этиш
Г) фуқаролик судида ҳал этиш

41. Низоларни суддан ташқари мукобил ҳал этиш қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) талабнома юбориш
Б) эътироз билдириш орқали
В) медиация тартибида ҳал этиш
Г) меҳнат низолари комиссиясида ҳал этиш

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони қабул қилинган санани аниқланг

А) 2017 йил 7 февраль
Б) 2017 йил 17 январь
В) 2016 йил 8 декабрь
Г) 2016 йил 4 декабрь

43. Қайси жавобда суд ижрочисига қўйилган талаб тўғри кўрсатилган?

А) ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

Б) ўрта махсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

В) ўрта махсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

Г) олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

44. Суд қарорлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) суд мажлис баённомаси, ариза, шикоят
Б) электрон мурожаат, суд буйруғи, ажрим
В) ажрим, келишув, ариза
Г) суд буйруғи, ажрим, қарор

45. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят қуроллари тушунчасига қандай таъриф берилган?

А) жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жиноий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган нарсалар

Б) ноқса жойи кўздан кечириш жараёнида жиноятга алоқадор бўлган ҳар қандай нарсалар

В) махсус экспертизанинг хулосасига кўра совуқ қурол ва ўқ отар қурол деб топилган ҳар қандай қурол

Г) тўғри жавоб йўқ

46. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ Тошкент шаҳри ва вилоятида янги қурилган турар жойларни Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари томонидан сотиб олиш учун неча фоиз миқдорда давлат божи тўлаш назарда тутилган?

А) 10–15 Б) 5–10 В) 15–20 Г) 20–25

47. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра,

Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари судья лавозимларини қайси ёшгача белгилаш кўзда тутилган?

А) 60 Б) 65 В) 70 Г) 75

48. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш қайси орган тасарруфига ўтказилиши режалаштирилган?

А) Адлия вазирлигига
Б) Олий судга
В) Олий хўжалик судига
Г) Суд департаментига

49. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш принципи Конституциянинг нечанчи моддасида ўз ифодасини топган?

А) 110-моддасида
Б) 111-моддасида
В) 112-моддасида
Г) 107-моддасида

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди?

А) 2016 йил 21 декабрь
Б) 2016 йил 21 октябрь
В) 2017 йил 7 февраль
Г) 2017 йил 21 февраль

51. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш муддатини кўрсатинг?

А) 2017 йил III чорак
Б) 2017 йил II чорак
В) 2017 йил I чорак
Г) 2017 йил IV чорак

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–2682-сон Фармонига мувофиқ судлар қачондан бошлаб ихтисослаштирилди?

А) 2001 йил 1 апрелдан
Б) 2001 йил 1 январдан
В) 2001 йил 1 сентябрдан
Г) 2001 йил 31 августдан

53. Судьяларнинг мустақиллиги нималар орқали таъминланади?

А) судьяларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, судьяларнинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши, судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар

...ни бузганлик учун жавобгарлик, судьяларга давлат ҳисобидан ...ларини юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот

Б) судьяларнинг дахлсизлиги, судьяларга давлат ҳисобидан уларнинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш, судья-...р маслаҳатининг сир тутилиши, ишларни кўриб чиқишда судьяларнинг ...стақиллиги

В) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, декларация билан, ишларни кўриб чиқишда судьяларнинг мустақиллиги

Г) судьяларнинг дахлсизлиги, судьялар маслаҳатининг сир тутилиши, ...ларини қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва ...ликдан озод қилиш, судга ҳурматсизлик учун жавобгарлик, айбсизлик ...ъмуниясы

54. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг ...ни таҳрири қачон қабул қилинган?

А) 2000 йил 14 декабрда
Б) 1993 йил 2 сентябрда
В) 2000 йил 14 августда
Г) 1992 йил 3 сентябрда

55. «Хабеас корпус» институти қачон ва қаерда пайдо бўлган?

А) XV асрда Буюк Британияда
Б) XVII асрда АҚШда
В) XVI асрда Англияда
Г) XIII асрда Францияда

56. Терговчи қандай эҳтиёт чораларини қўллаш учун суд рухсатини олишни талаб этилади?

А) қамоқ ва уй қамоғи қўллашга
Б) гаров ва қамоқ қўллашга
В) мажбурий келтиришга
Г) муносиб хулқ-атворда бўлиш учун тилхат қўллаш учун

57. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурига кўра, 2017 йилнинг 3-чорагида амалга ошириладиган ишлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) электрон тартибда судга мурожаат қилиш
Б) видеоконференцалоқа режимида суд жараёни ўтказиш
В) судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш
Г) ягона аризани электрон юбориш

58. Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қачондан жорий этилди?

А) 2012 йилдан
Б) 2013 йилдан
В) 2014 йилдан
Г) 2015 йилдан

ГЛОССАРИЙ

АДВОКАТ – олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ – адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхонадан иборат.

АРИЗА – бу ҳуфқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

АРЗОН УЙ-ЖОЙ – қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини ҳамда тўлов қобилиятини ҳисобга олиб, давлат дастурига кўра намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй-жойлар.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ бўлган объектлар, харакатлар ва қоидалар, шунингдек, барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган фаолиятларни биргаликда таъминловчи соҳалар мажмуаси.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий меҳнатда қатнашиш даражаси, қонунчиликка зид бўлмаган тарзда фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолияти.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ – давлат томонидан фуқароларнинг меҳнатга, тўлиқ, самарали ва эркин танланган бандликка бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган фаолият.

АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДИ – пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам ёки оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

АҚИДАПАРАСТЛИК (*ақида – араб. – ишонч*, бирор нарсани ишончисига боғлаш) муайян шароитда, бирон-бир ғояга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш

БАРҚАРОРЛИК – тинчлик-осойишталик ва ижодий меҳнат ҳуқуқи қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва зарурий шарти ҳисобланади.

БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ фуқароларга қулайлик ва имтиёзлар бериш мақсадида давлат томонидан кафолатланган барча тиббий хизматлар мажмуаси.

ВЕБ-САҲИФА – Интернет манзили (URL) билан бир хил маънода ишлатилувчи мантиқий бирлик. У веб сайтнинг таркибий қисмидир.

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДАГИ СУД МАЖЛИСИ – реал вақт режимида телекоммуникация технологиялари ёрдамида аудио ва видеоахборотлар алмашинуви имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш кўраётган суд ва суд мажлисининг иштирокчисининг кўмаклашаётган суд ўртасидаги интерактив ўзаро таъсир олиш йўли билан масофадан суд мажлисини ўтказиш.

ГЕОСИЁСИЙ МУВОЗАНАТ – маълум бир ҳудуддаги мавжуд сиёсий вазиятни барқарорлаштириш.

ГЛОБАЛЛАШУВ – жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи умумий хусусиятга эга, бутун жаҳон миқёсидаги сиёсий, маданий интеграция ва унификациялашув, халқаро меҳнат тақсимоти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракати, қонунчилик, ижтимоий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, турли мамлакатлар маданиятининг ўзаро бойиши ва яқинлашуви билан боғлиқ объектив жараён.

ДАВЛАТ БОЖИ – судларга бериладиган даъво аризалардан, шикоятлардан, судларнинг қарорлари юзасидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларини, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун тўланадиган муайян пул йиғими.

ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИ – меҳнатга лаёқатсизлиги, ишсизлиги, даромад манбаи мавжуд бўлмагани сабабли мустақил равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан бериладиган ёрдам.

ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТИ – давлат органи фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёки лавозим.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК – давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги.

ДАРОМАДЛАРНИНГ ТАБАҚАЛАШУВИ – аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражасидаги тафовутлар.

ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ – қилмишни ижтимоий хавфли эмас ва жиноий жазога сазовор эмас, деб топиш (қилмишни жиноят қонунидан чиқариб ташлаш).

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ – (лотинча diversus – ҳар хил, facere – қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегияси. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденцияларидан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарнинг бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатдошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга оширилиши мумкин.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қараш.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ – диний жамоаларнинг энг юкори расмий уюшмаси.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни илгари суриш ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт, шунингдек, шундай ташкилотлардаги ўта мутаассиб гуруҳларнинг ашаддий реакцион, диннни никоб қилиб олган, ушбу қонун-қоидаларига мафкуравий таъсир бериб, ундан ўзларининг стратегик геосиёсий мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишга қаратилган диний-сиёсий ҳодиса.

ЕРЛАРНИНГ ИРРИГАЦИОН МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ – суғориш билан таъминланиш ва суғориш тармоқлари тизими, ер ости сувлари сатҳининг жойлашуви ва тупроқнинг шўрланиш даражасидан келиб чиқиб суғориладиган ерларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими.

ЁШЛАР (ЁШ ФУҚАРОЛАР) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар.

ЁШ ОИЛА – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган бева эркак (бева аёл).

ЁШ МУТАХАССИС – олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига камида кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

ЁШЛАР ВА БАНДЛИК – ижтимоий кескинликка эришиш даврини бошдан кечираётган ўн беш ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ижтимоий демографик гуруҳларнинг ижтимоий ишсизлик чиқаришга жалб этилганлик даражаси.

ЖАМИЯТ – инсонлардан ташкил топган ижтимоий тузум.

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ – а) қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси; б) ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинаётганлиги ва ижро этилиши; в) қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг тайёрланиши жараёни; г) давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти; д) давлатнинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ғуқуқшунослик вакиллари ва жамоат ташкилотларининг назорати.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолият.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ОБЪЕКТИ – давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўзларига қонунчилик билан юклатилган мажбуриятларни ижро этиши билан боғлиқ фаолияти. Давлат органи мансабдор шахсининг шахсий ҳаёти, ишчи ёзувлари, шунингдек давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборот, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд иш юритувидаги муайян ишлар ва материаллар жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланмайди.

ЖАҲОН СИЁСАТИ умумсайёравий моҳиятга эга бўлган, жаҳон ҳамжамияти тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган сиёсат.

ЖИНОЯТ ҚУРОЛИ – ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жиноий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ – жиноий хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги ва турига қараб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳар бири алоҳида, ўзига юклатилган вазифалар доирасидан келиб чиққан ҳолда, идоравий усул ва воситалар орқали курашишга қаратилган фаолият.

ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ – судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари; ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари; чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари; суд буйруқлари; алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар; нотариусларнинг ижро хатлари; меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар; ўзбошимчалик билан тураржойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари; суд ижрочиларининг қарорлари; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ШАХСЛАР – ўзининг саломатлиги, ёши, даромад олиш имкониятининг чекланган туфайли ўзгаларнинг кўмагига муҳтож шахс ҳамда оилалар. Улар ўзларининг ёзма аризаларига кўра ижтимоий ёрдамнинг бир ёки бир неча турларидан фойдаланишга ҳақли бўлади.

ИЖТИМОИЙ СОҲА – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари ва бошқа иншоатларни киритиш мумкин.

ИЖТИМОИЙ-ТИББИЙ ХИЗМАТ – жойларида ҳар бир оилани ўрганишнинг ижтимоий, демографик, иқтисодий ва тиббий жиҳатларини ўз ичига олувчи, ижтимоий соҳада фаолият кўрсатадиган турли идоралар, ташкилотлар ва муассасаларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – хизматлар эҳтиёжманд шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларни бошқа фуқаролар билан бир қаторда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини яратиш ва уларнинг одатий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимий, тиббий, реабилитацион ва бошқа чоралар.

ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК – ижтимоий субъектларнинг хатти-ҳаракати, бу хатти-ҳаракатлар уларнинг ҳаёт фаолият шароитларини яратади ёки ўзгартиради ҳамда уларнинг ўзликларини ҳам ривожлантиради.

ИНВЕСТИЦИЯ – иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлар. Инвестициялар фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари.

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ – инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муаммоларни ечишни мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай ҳўжалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИК – турли иқтисодий субъектлар (давлат, корхона ва ташкилотлар, фирмалар ва ҳ.к.)нинг даромад олиш мақсадида миллий ёки хорижий иқтисодиётларга инвестиция ресурсларини киритишга интилиши.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК – халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан ишлаб чиқаришда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш каби натижаларни мақсад қилган.

ИНВЕСТОР – хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвесторлар – хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредитор ва харидор ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажариши мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайди, шартнома шартларини ишлаб чиқади ва инвестиция актининг бошқа субъектлари билан – контрактор, ҳукумат органлари, якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширади.

ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИ – Интернет тармоғи абонентларига амалий протоколлар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: веб ҳужжатларни ўқиш, электрон почта, файлларни узатиш ва қабул қилиш, мулоқотда бўлиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва улар билан ишлаш ва ҳ.к.

ИНТЕРФАОЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ - аҳолига ягона интерфаол давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатиш.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ тижорат банклари томонидан аҳолига уй-жой қурилиши учун ажратиладиган мақсадли кредитлар.

ИСТАНБУЛ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ – Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси.

ИТТИФОҚЛАР ТУЗИШ – тинчлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида тузиладиган сиёсий-иқтисодий тузилма.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

ИШ БИЛАН БАНДЛИК – иқтисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлиши.

ИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар стратегияси асосида шакллантирилган кўрсаткичлар бўлиб, улар тезкор-хизматга оид мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича ходим фаолиятини баҳолашга қаратилган бўлади.

ИШ ҲАҚИ – ишчи кучи баҳосининг пул ифодасидаги аниқ шакли ҳисобланади, шунингдек, иш ҳақи ишчилар ўртасида сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига қўйилган ҳақиқий ҳиссага мувофиқ тақсимланадиган ҳамда корхона ишининг пировард натижалари фойданинг асосий қисмидир.

ИШ ЎРНИ – тегишли равишда жиҳозланган ва иш қуроллари билан таъминланган, миқдор ва сифат тавсифларига эга бўлган, белгиланган меҳнат меъёрига кўра ишлаб чиқариш топшириғи ёки функциясини бажарувчи ходимнинг ёки ягона ишлаб чиқариш топшириғини ёхуд технология жиҳатдан ажралмас функцияни бажарувчи ходимлар гуруҳининг меҳнат фаолияти амалга ошадиган макон.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ – 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонунларининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил фикрловчи шахсларни тарбиялаш дастуридир.

КЕЛИШУВ БИТИМИ – ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низони ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишувидир.

КЕНГ ПОЛОСАЛИ МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ ТАРМОҒИ – битта муҳит (сим) бир полоса бир неча каналларга хизмат кўрсата оладиган маълумотларни узатиш тури. Кенг полосали узатиш, мисол учун кабел телекўрсатувлари хизмати томонидан фойдаланади.

КОНФЕССИЯ – (лотин. – эътироф, эътиқод) муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод

ва унга эргашувчилар жамоаси. Бир ини доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

КОРРУПЦИЯ – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – корррупцияга оид ҳолатларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек коррупцион жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар амалга ошириш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ – коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш комиссияси.

КРИМИНАЛИЗАЦИЯ – қилмишнинг жиноят қонунида ижтимоий хавфли, деб топилиши ва уни жиноий жазога сазовор, деб эълон қилинишидир.

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга уларни чуқур қайта ишлаш, аҳолига турли иш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари.

КЎЧМАС МУЛК – ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадга номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради.

МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИ – суд томонидан маҳкумга нисбатан тайинланадиган давлат фойдасига ҳақ тўланмайдиган ишга жалб этишдан иборат жиноий жазо чораси.

МАЗҲАБ – (араб. – йўл) ислом-даги шариат қонунлари тизими, фиқҳий йўналиш.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

МАФКУРА – фикр, ғоя ва қарашларнинг ягона ва умумий мажмуаси.

МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚ – кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришга хиз-

мат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратилиши.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларини ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ғайриинсоний ғоя ва мафкураларнинг олдини олиш, уларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат, жамоат ташкилотлари томонидан кўрилидиган чора-тадбирлар тизими. Бу чора-тадбир ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражаси.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ – маҳсулотга нисбатан қўйилган халқ эҳтиёжи талабларини қондирилиш даражаси, уларнинг хосса хусусиятлари, ташқи кўриниши, ишлатилишининг қулайлиги.

МАЪМУРИЙ СУД – оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд.

МАЪНАВИЯТ – (араб. маъно лар мажмуи) кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, ти факкур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир Мустақиллик даври миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлан тириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғуларини, ғурурни, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқдир

МАЪРИФАТ – (арабча маърифа – билмоқ сўзидан) таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. «Маърифат» тушунчаси «маънавият» ва «маданият» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

МЕДИАЦИЯ – бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартараф этувчи битим тузишга эришиш мақсадида, холис шахс-медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнинг эркин музокарага кириши орқали низони ҳал этиш процедураси.

МЕҲНАТ БОЗОРИ – меҳнатга қобилиятли аҳолининг фаол (иш билан банд ва меҳнатга муҳтож аҳоли) қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи, «меҳнат қобилияти»ни сотиш-сотиб олишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита барқарорлаштирувчи кўп омилли,

мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизими.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ – меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар.

МИЛЛАТ – (араб. – халқ) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, маълум ҳудудда истиқомат қилиши, умумий иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

МИЛЛАТЧИЛИК – миллатларнинг тенглигини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан юқори кўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал кўриш

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, у ягона ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг ҳамжиҳат яшаши, тинчликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ СЕГМЕНТИ – жаҳон глобал тармоғидаги ягона минтақа аҳолиси фойдаланишидаги, маълумотлар узатадиган ва қабул қиладиган сайтлар доираси.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК – энг аввало бир давлатнинг ички хавфсизлиги

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – маълум бир минтақага оид хавфсизлик. Масалан, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик, Яқин Шарқ хавфсизлиги

МУВОФИҚЛАШТИРИШ – ягона мақсадга эришиш йўлида ўхшаш ва турдош фаолиятни амалга оширадиган органлар фаолиятини тартибга солиш, бир-бирининг фаолиятини такрорламаслик, бири бошқасининг функциясини бажармаслиги, муайян аниқ мақсад йўлида куч ҳамда имкониятларни бирлаштириш, шунингдек умумий фаолият самарадорлигини янада ошириш йўлида ўзаро келишув.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИ – олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК – ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва илмий изланишлар бўйича фан доктори илмий даражасини олишга талабгорлар учун олий таълим муассасаларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

МУТААССИБЛИК – ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш.

НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ – биринчи инстанция суди, апелляция ёки кассация суди судлов ҳайъатлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларнинг қонуний, асосли ҳамда адолатли эканлигини, ушбу қарорларни моддий ҳамда процес-

суал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилганлиги асосида қабул қилинганлигини текширадиган, қуйи судларнинг фаолиятини назорат қилиб, мувофиқлаштириб турадиган судлов инстанциясида иш юритиш.

НАСЛЧИЛИК – селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, наслли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланиш.

НАФАҚА – фуқароларга қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда қисман ёки тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлик, оғир моддий шароит, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қариндошларидан бири вафот этган тақдирда мунтазам ёки бир марта бериладиган пул тўловидир.

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШ – давлатнинг одил судлов тизимидан ташқарида низоларни ҳал этишнинг услуб ва усуллари.

НИКОҲ – фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида тузиладиган, ўзаро оила қурган ҳолда муҳаббат ва ҳурматга, ўзаро ёрдамга ва бир бирининг олдида жавобгарликка асосланган эркак ва аёлнинг иттифоқидир.

НИКОҲДАН АЖРАТИШ – эрхотинлик муносабатларининг тугатилиши бўлиб, суд тартибида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам никоҳдан ажратишни қайд этиш ФҲДЁ органида қайд этилади.

НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТ – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилган, ўз фаолияти давомида фақат фойда олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймаган ва олинган фойдани унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот.

НОТАРИУС – йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин.

ОДИЛ СУДЛОВ – қонун ва у билан белгиланган тартиб-тамойилга қатъий риоя қилган ҳолда судлар томонидан жиноят, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тури.

ОИЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, бехатар оналик, соғлом оила барпо этиш, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ – халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли тармоқлари учун юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш тармоғи. Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар негизида асосланади ҳамда икки босқич (бакалавриат ва магистратура)дан иборат.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ (ОАВ) – оммавий ахборотни кенг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва ёки электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга берилади шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари. ОАВ ахборотни тарқатиш воситалари бўлиб, оммавий аудиторияга йўналганлиги, ҳаммабоплиги билан ажралиб туради ҳамда матбуот, радио, телевидение, Интернетни ўз ичига олади.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – аёлларни оналик вазифасини бажарган, бола тарбияси билан шуғулланган ҳолда ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган жамият ва давлат томонидан ўтказиладиган тадбирлар.

ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАСИ – ҳудуддаги хонадонларда аҳоли саломатлиги ва касалликни юзага келтириши мумкин бўлган омилларни ўрганиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи ходим.

ПЕНСИЯЛАР – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

ПЕТИЦИЯ – давлат ҳокимияти органларига ёки маҳаллий органларга юборилган ёзма шаклдаги жамоавий мурожаат.

РАДИКАЛИЗМ – (лотин. – томир, илдиз, ўзак) мақсад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш, у ёки бу ишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартиришга интилиш.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ – видео ва аудио сигнални узатгичдан телевизорга рақамли модуляция ва маълумотларни сиқиш ёрдамида узатиш технологияси.

РАҚОБАТ – ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисм, кўп миқдордаги эркин харидорлар (иш берувчилар) ва иш кучини «сотувчи»ларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарк этиш имконияти.

РАҚОБАТБАРДОШЛИК – товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти.

РЕАЛ ДАРОМАДЛАР – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори.

СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИ – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти.

СЕПАРАТИЗМ – (лотин. – ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш) ҳокимиятни Конституцияга зид йўллар билан қўлга киритишга

интилувчи кучларнинг сиёсатга аралашишлари.

СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК – маълум бир давлат ёки минтақада тинчликни таъминлашга қаратилган изчил сиёсат.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР – давлат, минтақа ёки жаҳон миқёсидаги сиёсий фаолият ҳаракати.

СИЁСИЙ САЛОҲИЯТ – сиёсий фаолиятда намоён бўладиган қобилият, куч-қудрат. Бу давлат арбоби ёки давлат қиёфасида намоён бўлади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ – тиббий ёрдамни ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлик даражасини яхшилашга қаратилган ва ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган давлат ва жамият чора-тадбирлари йиғиндиси.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – жамият ва индивид саломатлиги учун тиббий фаолиятнинг максимал даражада намоён бўлиши.

СТИПЕНДИЯ – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

СУД – давлат идораси бўлиб, ҳуқуқий низоларни қонун ҳужжатларига асосан ҳал қилади.

СУД НАЗОРАТИ – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан (106 ва 107-моддалар) келиб чиқадиган ва процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган шаклларда амалга ошириладиган юқори судларнинг қуйи судлар томонидан ўз ваколатларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек жиноят процессида суднинг қадар иш юритиш босқичида айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишни суд томонидан назорат қилиш соҳасидаги фаолияти.

СУД ҲОКИМИЯТИ суд томонидан процессуал қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда процессуал ва моддий ҳуқуқни қўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган ҳокимият ваколати.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИ кўриб лаётган ва ҳал этилаётган масалалар бўйича суд томонидан чиқариладиган суд ҳал қилув қарори, суд буйруғи, ажрим, қарор.

СУДЬЯ – ҳуқуқий низоларни қонуний ҳал қилувчи ваколатли давлат хизматчиси.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи тавакkал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

ТАКЛИФ – бу давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

ТАЛАБНОМА – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабларни акс этган ёзма ҳужжат.

ТАРБИЯ – 1) янги авлод кишиларига катта авлоднинг ижтимоий тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини таъминловчи

ижтимоий функция; 2) ижтимоий институтлар таъсири остида инсон субъектив-шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, қарор топтириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг онгли мақсадга йўналтирилган, тизимлаштирилган онгли жараён. Тарбия таълим билан ўзаро жипс боғланган ижтимоийлашишнинг асосий бўғини, таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

ТАЪЛИМ – шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширадиган дидактик чора-тадбирлар тизими.

ТЕРРОР – (лотин. – қўрқитиш, вахимага солиш) ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суиқасд, қўпорувчилик каби усуллардан фойдаланилади.

ТЕРРОРИЗМ – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарлик қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар.

ТЕХНОПАРК – материалшунослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва биологик фаол қўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кичик инновацион ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида барпо этилади. Технопарк фаолияти металларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, муқобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машинасозлик ва электроникани ривожлантиришга хизмат қилади.

ТОРТИШУВ ПРИНЦИПИ – айблаш ва ҳимоя қилиш вазифалари бир-биридан ва суд фаолиятидан ажратилганлигини ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тенг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланаётган тарафлар томонидан бажаралиши.

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ – аҳолига хизмат кўрсатувчи автомобиль тўхташ ва ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, автостанциялар, кичик меҳмонхоналар, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш ва шу каби бошқа объектлар.

ТРАНСПОРТ-КОММУНИКАЦИЯ ЙЎЛАКЛАРИ – бир неча давлатларни боғлаб турадиган транспорт йўли.

ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА – боланинг туғилганлигини, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжат.

ШИКОЯТ – бу бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва

қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

УЗЛИКСИЗ ТАЪЛИМ – ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК – жамиятнинг барча асосий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларига киришиб кетган жиноий фаолиятга ихтисослашган махсус ва универсал йўналишда ўз фаолиятини диверсификациялаштириб, бир неча йўналиш бўйича жиноятларни содир этишга мўлжалланган жиноятчилик тури.

ФАНАТИЗМ – қаранг: **МУТААССИБЛИК.**

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ – шахснинг у мансуб бўлган жамият ёки ижтимоий гуруҳ ҳаётидан келиб чиққан ҳолда ҳосил қилган қатъий фикри, ўзини шу жамиятнинг бир бўлаги, деб ҳис этиши ҳамда ўз иштирокида дахлдорлик, фидойилик ва ижтимоий фаоллик каби хусусиятларни мужассамлаштириши.

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ – (лотин. – асос) маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замоннинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, кўппартиявийлик, сиёсий мафкура ва фикрлар хилмахиллиги таъминланадиган, ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тизим.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари.

ФҲДЁ ОРГАНЛАРИ – туман лар ва шаҳарлар ФҲДЁ бўлимлари, никоҳ уйлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаларининг ФҲДЁ архивлари.

«ХАБЕАС КОРПУС» – бу ати ма судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, «habeas corpus ad subjiciendum» («сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан») деган маънони англатади.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ – давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, у ёки давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

ХОДИМЛАР РОТАЦИЯСИ – ходимларни алмаштириш технологиясининг бир тури ҳисобланиб, унинг асосий мақсади касбий ва мансаб мажбуриятларини бир изчилликда алмаштириш орқали қарорлар қабул қилиш функциялари, технологияси ва ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш мақсадида у ёки бу мансабдор шахснинг навбатма-навбат бошқа лавозимда ишлаши.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

...лдлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ...ларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ...ида тўлақонли иштирок этиши ...ни таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ...ларнинг маънавий ва интеллектуал ...ийсини юксалтириш борасида ...иб борилаётган ишлар.

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ – ...шахснинг қонун ҳужжатларига ...увофиқ тарзда қўлга киритган мол-...мукка эгалик қилиш, ундан фойдала-...иш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.

ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ...НЕРГИЯ – қуёш, шамол, сув ва ...бошқа манбалардан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган электр қуввати.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши.

ҲАРАКАТ СТРАТЕГИЯСИ – давлатнинг маълум муддатга ёки ...ок йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури.

ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ БЛОКЛАР – ...ир неча давлатларнинг бирлашган ...арбий уюшмаси. Масалан, НАТО.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ...айриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ...аракатсизлик).

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ (ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ...уқуқбузарликларни аниқлаш, ...ларга барҳам бериш, шунингдек ...уқуқбузарликларнинг содир этилиши ...абабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ – қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги, аввало, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга, ҳуқуқий нормаларнинг субъектларга, шунингдек кенг аҳоли қатламига ва тадбиркорлик тузилмаларига ўз вақтида етказиш.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – умуммаданиятнинг муҳим қисми бўлиб, давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарларини ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиш, инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражаси, кишиларнинг қонунларни теран англашлари, унга риоя қилишлари, ҳар қандай ҳуқуқбузарликка муросасиз бўлишлари.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ – мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик аҳамиятга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатларини ифодаловчи ҳуқуқий сезгилари, ғоялари, баҳолар, тасаввурлари.

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР – ўз фаолиятини қонун ҳамда демократик принципларга асосланган ҳолда амалга

ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар, меҳнат жамоалари, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва қонун ҳамда ҳуқуқий тартиботни бузган шахсларга давлатнинг мажбурлов ёки жамиятнинг таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга давлат органлари.

ҒАЙРИ ИЖТИМОИЙ ХУЛҚ-АТВОР – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги.

ЎЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА – шахснинг ўлимини ва унинг ҳуқуқий лаёқати тугатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ МУҲИТ – инсон ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсир этувчи зарарлардан холи бўлган ҳудуд (кенглик).

ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ – электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шакли.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

ЭКСПОРТ – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ – миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт қилиш қобилияти.

ЭКСТРЕМИЗМ – (лотин. ақл бовар қилмас даражада, ҳаддан ошиш) ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қарашлар.

ЭЪТИҚОД – ишонч, таянч, қараш, муайян ҳодиса, воқелик ёки нарсага қатъий муносабат.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ – киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган, ўз айбига иқрор бўлган, етказилган зарарни бартараф этган ва жабрланувчи билан ярашган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституция. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2014.

2. Мирзиёев Ш.М Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак «Халқ сўзи». 15 январь 2017 йил.

3. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта , муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.

6. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январь ойида бўлиб ўтган «Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

7. Мирзиёев Ш.М. Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили// «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувидаги нутқидан. М а н б а: http://uza.uz

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 25 январь.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, 2001 йил 29 августдаги (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нинг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, 2014 й., 4-сон, 45-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни. 2012 йил 26 апрель. 3-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами». 2016 й. № 43, 497-модда.

17. Ўзбекистон Республикасии Президентининг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2487-сон Қарори. 2016 йил. 9 февраль.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2705-сон қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4906-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ–4947-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 ноябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4853-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 12-сон, 110-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 4459–сон Фармони // «Халқ сўзи», 2012 йил 3 август, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 31-сон, 355-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги 2008 йил 4 декабрдаги Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида», 2003 йил 11 октябрь, 439-сон.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ 4931-сон «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 52-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сонли, 115-модда.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Коррупция га қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2761-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 76-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4570-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 42-сон, 556-модда; 2014 й., 37-сон, 464-модда.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 346-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.

35. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарори. 1996 йил 20 декабрь, 1/60-сон.

36. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

37. Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.

38. Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

39. Ислом Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. - http://www.uza.uz/

40. Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.

41. Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // «Халқ сўзи», 2015 йил 6 декабрь.

42. Ислом Каримов. Эришган марралар билан чегараланмасдан бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиздир. 23-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2015.

43. Ислом Каримов. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январь. http://uza.uz

44. Ислом Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш. 20-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2012.

45. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2015.

46. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 13 январь.

47. Абдураимова Н. Ер участкалари танлов асосида берилади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, 15.10.2015. – http://uza.uz/oz/business/er-uchastkalari-tanlov-asosida-beriladi.

48. Бағрикенглик – жамият барқарорлигининг асоси (илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент: «Университет», 2003.

49. Бурҳонов У. Ўз бизнесига эга ёшлар юртимизнинг истиқболдаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшади // «Маърифат», 2012 йил 7 ноябрь.

50. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. Бетти Реадон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. ЮНЕСКО, 2005.

51. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007.

52. Декларация и программа действий в области культуры мира, принятая 53-й сессией генеральной Ассамблеи ООН от 13 сентября 1999 г.

53. Тинчликни асраш – муқаддас бурч / У. Қўшаев, А. Аҳмедов, Ш. Жўраев ва б.; Масъул муҳаррир А. Очилдиев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

54. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 17–18 сентябрь, 2010.

55. М. Мусин. Вопросы совершенствования исполнительного производства в Казахстане // http://www. supcourt.kz/site/supcourt.nsf/.

56. Вохидова М.Т. Толерантлик – ёшларни ижтимоий-аҳлоқий юксалтириш омили. Фалс. ф. номз.автореф. – Тошкент, 2010.
57. Хажиева М.С. Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фал.ф. докт. автореф. – Тошкент, 2011.
58. Юсупов З.У. Ўзбекистон маданиятида миллийлик ва байналмилаллик (1970-2000 йиллар). – Тарих фан. номз. автореф. – Тошкент, 2011.
59. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга-юз жавоб) / Масъул муҳаррир О. Юсупов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
60. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермуҳамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент, «Movarounnahr» нашриёти, 2013.
61. Doing Business. Оценка бизнес регулирования. http://russian.doingbusiness.org/
62. Жўраев Ш. «Виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари» // Ўқув қўлланма. – Тошкент, «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.
63. Жамолидинова О., Аминов Ф. Замонавий билим ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшар-буюк келажагимиз кафолати // «Маърифат», 2016 йил 26 ноябрь.
64. Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.
65. Латипова О. Электр энергияси таъминотида «бир дарча» тамойили. Biznes Daily «Биржа», 05.02.2013, №14(1577). – http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/9783-elktr-enrgiyasi-taminotida-bir-darcha-tamoyili.
66. О. Файзиев. Таълим-тарбия соҳасига янгича ёндашув – барқарор тараққиёт гарови // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 февраль.
67. Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику. – http://econtool.com/
68. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Шарқ», 2014.
69. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. –Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.
70. Старилов Ю.Н. Служебное право. – Москва, «БЕК», 1996.
71. С. Жуманова. Профессор-ўқитувчилар малакаси сезиларли даражада ошмоқда // «Маърифат», 2015 йил 18 ноябрь.
72. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустақил тараққиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг

кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун услубий қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси; Республика маънавият тарғибот маркази; Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2014.
73. Бетакроримсан, ягонасан, Она ватаним, Ўзбекистоним. Ўзбекистоннинг 24 йиллик мустақил тараққиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланишга мўлжалланган услубий қўлланма / Республика маънавият ва маърифат Кенгаши. –Т.: «Маънавият», 2015.
74. Шалунова Т. Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш йўлида. Газета СБХ, 2014, № 44. - http://gazeta.norma.uz/
75. «Ўзбекистон овози». 2016 йил 15 декабрь.
76. Темур тузуклари. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.
77. Юсупов Э. ва бошқ. Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва давлатнинг шаклланиши. –Т.: 2005.
78. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: «Маънавият», 2011.
79. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 17 декабрь.
80. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 25 декабрь.
81. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 20 январь.
82. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 февраль.
83. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 февраль.
84. www.xs.uz
85. www.religions.uz
86. www.tiu.uz
87. www.xs.uz
88. www.press-service.uz
89. www.gazeta.uz
90. www.uza.uz
91. https://www.gazeta.uz/uz/2017/01/16/yaim/
92. https://www. sputnik.uz
93. www.gov.uz
94. https://pm.gov.uz/uz
95. www.oxs.uz
96. www.mineconomy.uz
97. www.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/9263
98. www.kun.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ РИСОЛА

Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:
Р.С. Қосимов, Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов

Тақризчилар:
Р. Убайдуллаева – *иқтисод фанлари доктори, профессор, ФА академиги,*
Қ. Қуранбоев – *сиёсий фанлар доктори, профессор.*

Муаллифлар:
БИРИНЧИ БОБ – ***Ш. Қудратхўжаев, Ш. Мадаева, М. Қиргизбоев, И. Саифназаров, А. Хидиров, Х. Одилқориев, А. Бегматов, Н. Умарова, О. Джураев.***
ИККИНЧИ БОБ – ***Е. Каньязов, Д. Умаров, У. Тухташева, И. Никонов, Д. Хабибуллаев, М. Камалов, С. Рахмонова, М. Ахмедшаева, Х. Азизов, З. Эсанова, О. Махкамов, Қ. Авезов, Н. Салаев, З. Борсиева, Ш. Сайдуллаев, М. Қурбонов, И. Рустамбеков, Р. Алтиев.***
УЧИНЧИ БОБ – ***Б. Ходиев, А. Бекмуродов, Ш. Мустафакулов, У. Ғофуров, И. Хотамов, Б. Салимов, Р. Ҳакимов, М. Исаков, Б. Султанов, М. Юсупов, Т. Жураев, А. Ядгаров.***
ТЎРТИНЧИ БОБ – ***Б. Ходиев, Б. Бегалов, М. Пўлатов, Н. Ҳайдаров, Ғ. Захидов, Б. Усмонов, А. Мухторов, Г. Абдурахманова, М. Ганиева, М. Аскарова, Б. Беркинов, Н. Шаюсупова, Х. Абдураманов, Н. Қодиров, Т. Хотамов, Б. Алиев, Т. Султонов, А. Раҳмонов.***
БЕШИНЧИ БОБ – ***Р. Абдуллаев, Н. Жўраев, Р. Муртазаева, З. Исломов, Ж. Нажмиддинов.***

Тошкент «Маънавият» 2017

Муҳаррирлар: *Ш. Тўрахўжаева, С. Аҳмедов*
Мусаҳҳиҳ *С. Тошқулова*
Рассом *С. Шуҳрат*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

© «Маънавият» нашриёти. Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 23.05.2017 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Times» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 24,18. Нашр табоғи 25,4. Буюртма №17-632. Адади 4000 нусха. Нархи шартнома асосида. Шартнома № 15–17. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2017.